

ФАХРИДДИН  
ЗАМОН



KÖSEM

МУҲАББАТ ВА САЛТАНАТ СУЛТОН АҲМЕТ  
ВА КЎСЕМ СУЛТОН ТАҚДИРИДА

РУСТАМ ЖАББОРОВ

ТАРЖИМАСИ

*Ш*оҳлар, султонлар, қироллар тахтни вобрисийлик асосида қабул қилиб олишлари ва ўз қондошларига мерос қолдиришларини яхши биламиз. Ер юзида тарихи бир неча асрлар билан ўлчанадиган улкан салтанатлар ва сулолалар ҳам мавжуд. Уларнинг яна қанча-қанчаси алақачон тарих саҳифаларига муҳрланиб улгуришган.

Шундай сулолалардан бири – **Усмонийлар салтанати** ҳам олти юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида Еуропа, Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатларда ҳукмронлик қилган қудратли давлатлар қаторидан жой олган.

Тарихдан маълумки, XI аср ўрталарида Марказий Осиёдан турли сабабларга кўра, Онадўли томон юрган туркий халқлар Кичик Осиё (Онадўли)да янги давлатга – Онадўли Салжуқ давлатига асос солишган. 1071 йил 26 август куни Византия империяси ва Алп Арслон бошчилигидаги салжуқийлар ўртасида бўлиб ўтган жанг турклар фойдасига ҳал бўлиши билан янги ва қудратли давлатнинг пайдо бўлишига, пойдеворига асос солган эди.

Дастлабки ғалабадан рухланган туркий қабилалар ғарбга томон силжишда давом этишди. Уларга Шарқдан янги ва янги кучлар келиб қўшила бошлади. Бироқ, XIII аср бошларида Шарқда юзага келган янги бир ваҳший, қудратли тўлқин – Мўғуллар давлати ғарбга томон қутурган сел мисоли бостириб келарди. Шарқдаги ўнлаб мусулмон ва номусулмон сулолалар бу балои азимнинг гирдобига ғарқ бўлишди. Онадўли Салжуқ давлатининг қулаши ҳам бево-сита ана шу даврга тўғри келди. Тўғри, мўғулларнинг XIII аср ўрталарида Онадўли ҳудудига кириб келиши ва бу заминда тўкилган беҳисоб қонлар сабабли қудратли салжуқ давлати заволга юз тутди. Яна ярим аср мобайнида бу салтанатлар бойқушлар маконидек ҳувиллаб ётди. Салжуқийларнинг Онадўли заминидаги сўнги вакили Алоуддин Кайқубод III нинг мўғуллар томонидан Эронга олиб кетилиши натижасида бутун бошли салтанат эгасиз қолди.

Одатда, ана шундай вазиятдан кўпчилик фойдаланиб қолади ва фақат айримларгина жуда катта ютуқларни қўлга киритадилар. Зотан, омад бу керакли пайтда, керакли жойда бўлишдир, деб беҳуда айтишмаган.

Асли келиб чиқиши ўғузларнинг кайи уруғидан бўлган Усмон Ғозий бундай қулай вазиятдан тўғри фойдаланиб қолди ва ўз тасарруфидаги Солманич ва Соғут бекликларини мустақил деб эълон қилди. Кейинчалик, аниқроғи, 1299 йилда ўз ер майдонини қўшни давлатлардан уруш эвазига тортиб олиш баробарида жуда катта империяга асос солди.

Айрим тарихчилар Усмонийларга мусулмон Шарқи тарихидаги энг қудратли ва узоқ давом этган сулола деб қарайдилар. Мазкур империя даврида марказлашган бошқарув тизимининг муқим мезонларга, қатъий ва шафқатсиз қонун-қоидаларга асослангани унинг бардавомлигини таъминлади.

**623 йиллик умри давомида Усмонийлар тахтига 36 нафар султон ўтирди.** Уларнинг айримлари ўн йиллаб давлатни бошқарган бўлса, бошқа бирови бир неча ой муддатгагина давлатга эгалик қила олди, холос. Баъзи бир Усмоний ҳукмдорлар ўзининг адолатпешалиги, халқпарварлиги билан тарихда қолган бўлса, айримлари айш-ишратга муккасидан кетгани, очқўзлиги ва золимлиги билан ўтмиш саҳифаларида муҳрланди. Бу сулола анча асрлар муқаддам сиёсат майдонини батамом тарк этган бўлса-да, олти аср мобайнида йирик бир давлатни ўз қўлида мустақил тутиб келди. Улардан қанчадан-қанча саройлар, жоме ва мадрасалар, карвонсаройлар, кўприклар, масжидлар – Шарқ меъморчилигининг нодир намуналари сақланиб қолди. Бугунгача минг-минглаб сайёҳларни ҳайратга солиб келаётган Аё София мажмуаси, Сулаймония масжиди, Дўлмабоғча саройи, Анқара қалъаси, Мавлоно Жалолиддин Румий турбаси, Ҳожи Бектоши Валий мажмуаси сингари тарихий ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Усмонийлар даврида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий маданий соҳаларда ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу давр мобайнида меъморчилик билан бирга санъат, илм-фан, ада-

биёт ривож топди. Буни ўша даврда яратилган ва бугунги кунимизгача сақланиб келаётган бой маданий манбалар исботлайди. Биз эътиборингизга тақдим этилаётган мазкур китоб орқали **Усмонийлар салтанатининг** бир неча ўн йилни ўз ичига олган вақт кесимига, кўпчиликни қизиқтирган ва эътиборини тортган тарихий воқеаларга, мазкур тарихий ҳодисаларнинг иштирокчилари тақдирига чуқур назар ташламоқни ўқувчиларимиз талаби ва истакларидан келиб чиқиб ният қилганмиз. Демак, Усмонийлар Салтанати тарихида ёрқин из қолдирган шахслар ҳаётига назар ташлаймиз.

## ҲАРАМ ОЛТИН ҚАФАСМИ ЁХУД...

*Ш*арқдаги сулолалар, хусусан, Усманийлар салтанати ҳақида сўз кетаркан, ҳарам атамасига тез-тез дуч келамиз. Ғарб адабиётида “ҳарам” аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиладиган ва чекланадиган, ҳукмдорларнинг айш-ишрат маскани сифатида тилга олинади.

Аслида “ҳарам” сўзи араб тилидан таржима қилинганда, тақиқланган деган маънони беради. Яъни, ҳарам ҳар бир мусулмонга тегишли бўлиб, унинг дахлсиз мулки, ор-номуси ҳисобланган. Қадимда ўзимизда аҳоли турар-жойлари икки қисмдан – ички ва ташқи ҳовлидан иборат қилиб қурилганини яхши биламиз. Кўчадан келган ҳар қандай меҳмон ташқи ҳовлида кутиб олинган ва шу ердан кузатилган. Меҳмоннинг ички ҳовлига киришга маънавий ҳақи бўлмаган. Чунки у ерда мезбоннинг оиласидаги аёллар – онаси, опа-сингиллари, хотини ва қиз фарзандлари истиқомат қилган. Истилоҳда турар-жойнинг ташқи қисми ҳовли, ичкараси эса ҳарам деб юритилган. Кўринадикки, тилимизда

кенг тарқалган ҳовли-ҳарам ибораси ҳам аслида ана шундан келиб чиққан.

Жамиятда оддий фуқароки бор, ўз ҳарамига эга бўлган. Шундай экан ҳукмдорларнинг ҳам ҳарами бўлиши бундан мустасно эмас. Бухоро, Хива, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимизни саёҳат қилганлар ҳукмдорларнинг ҳарамларини ҳам кўрган бўлишлари керак. Бундай маконлар ҳукмдорларнинг шахсий ҳаётини ташқи муҳитдан тўсиб турувчи парда саналса-да, салтанат тақдирига дахлдор жуда кўп воқеа-ҳодисаларнинг илдизи айнан ҳарам қопқаларига бориб тақаларди.

Рост, шоҳона ҳарамларнинг ўзига яраша шафқатсиз қонунлари бўлган. У ерда ҳамма нарса фақат бир кишининг – ҳукмдорнинг манфаати ва ҳаловати учун хизмат қилган. Ҳукмдорларнинг кўнгилхушлиги учун юзлаб канизаклар мамлакатнинг турли ҳудудларидан фақатгина “аъло ҳазратлари”нинг кўнгилхушлиги учун олиб келтирилган.

Уларнинг (яъни канизакларнинг) қай бирига омад кулиб боқса, ўша “бахт соҳибаси” бутун умрини ана шу олтин қафас ичида ўтказишга мажбур бўлган. Омади чопиб ҳукмдорларнинг муҳаббатини қозонган канизак маликага айланиши, нафақат ҳарам, балки ҳукмдорнинг ўзини ҳам таъсир остига олиши Усмонийлар тарихида тез-тез учраб турадиган ҳодисадир.

Ҳарам ҳар бир султоннинг дахлсиз мулки ҳисобланган. Бу ерда наинки султоннинг никоҳдаги аёллари, балки юзлаб жориялари, ҳарам хизматчилари – халфалар, оғалар (ғуломлар),

ошпазлар, тикувчилар, машшоталар (пардозчилар), ҳаммомчилар, ҳакимлар, машшоқлар (созандалар), хуллас, султон хизматига камарбаста турли соҳа вакиллари хизмат қилишган.

Маълумотларга кўра, жориялар асосан мусулмон бўлмаган аҳоли вакиллари орасидан танлаб олинган. Худди шундай Усмонийлар ҳарамига албан, черкес, серб, юнон, румин ва бошқа миллатларга мансуб мусулмон бўлмаган кўплаб қизлар келтирилган.

Амалдаги шарият қонунларига кўра, жориялар султонларнинг шахсий мулки ҳисобланган, улар билан яқинлик қилиш учун никоҳга ҳам ҳожат бўлмаган. Султон жорияни ўз никоҳига олса, унинг мавқеи юксалган, мартабаси ошган. Ундан туғилган фарзандлар тож-тахтга ворисликни қўлга киритиши мумкин бўлган. Бунинг учун эса, жориялар албатта ислом динини қабул қилишлари шарт бўлган.

Албатта, жориялар кўп. Султон эса битта. Унинг ҳам умри ва куч-қудрати чегараланган. Шу боисдан, қанча-қанча қизлар бутун умр султоннинг хобгоҳига кириш у ёқда турсин, ҳатто у билан шунчаки ҳамсуҳбат ҳам бўлмаганлар. Ҳарамда султоннинг муҳаббатига сазовор бўлиш, ундан фарзанд кўриш оддий жория учун энг катта орзу эди. Аммо, шунчаки султоннинг боласини дунёга келтириш билан иш битмаган. Султон ўз ҳарамдаги аёллардан ўнлаб ўғил-қизларни дунёга келтириши мумкин. Аммо тахт бу фарзандлардан биттасигагина насиб этади. Шу сабабли ҳарам гоҳида маликалару жорияларнинг фитналари, уруш-жанжаллари, фасод ва ифволари билан тўлиб-тошган.



**Т**арихга назар ташласак, салтанат инсонни қанчалик бемехр, шафқатсиз қилиб қўйишини тушуниш қийин эмас. Айнан ана шу сабаб наинки бегоналар, балки ота билан ўғилнинг, ака билан уканинг ҳам орасида меҳр-оқибат ришталари узилишига, ҳатто бир-бирларига ўлим соғиниш даражасигача етиб борган.

Келинг, аввал ўз тарихимизга назар ташлайлик. 1449 йилда Темурийзода ҳукмдор Мирзо Абдуллатифнинг қабоҳатини ёдга олган кезлар юраклар ларзага келади. Йигирма олти ёшли шаҳзодани ўз отасининг ўлимига бармоқ босишида тож-тахт илинжи, буюк салтанат оҳанрабо си сабаб бўлмаганмиди? Ҳусайн Бойқаро ҳам ана шу фитналарга билиб-билмай бош қўшиб, ўз ўғиллари билан қирпичоқ бўлгани, ҳатто ўз севимли набираси Мўмин Мирзонинг ўлимига сабабчи бўлгани бор гап. Бобурийзодалар ўртасидаги нифоқ сабаб Ҳумоюн укаси Комроннинг кўзига мил торттирганини тарих ҳам, инсоният ҳам, авлодлар ҳам ҳамон унутмаган.

Усмонийлар тарихини тадқиқ этган олимларнинг фикрича, мазкур салтанат ворислари хонадони олиянинг бардавомлигини сақлаш мақсадида бошқа сулолалар тарихини ҳам пухта ўқиб ўрганишган. Улар, табиийки, юқорида биз тилга олиб ўтган ноҳуш мисоллардан яхшигина хабардор эдилар. Ака-укалар ўртасидаги тахт талашуви охир-оқибатда салтанатнинг ички ва

ташқи душманлари фойдаси учун хизмат қилиши ҳам кундек равшан эди.

Одатда, мевали дарахтлар яхши ҳосил бериши, дуркун ўсиши учун унинг бачки шохлари қирқиб ташланади. Шунда дарахт бутун кучини тепада қолган бақувват шохларига бахш этади ва янада ўсиб улғаяди.

Усмоний ҳукмдорлар, уларнинг маслаҳатчилари, уламолари бир масала устида узоқ бош қотиришган: хўш, салтанатда ана шундай биродаркушлик урушлари бўлмаслиги, беҳуда қон тўкилмаслиги учун нима қилиш керак? Қандай бўлмасин, ана шундай нохуш оқибатларнинг олди олиниши шарт. Шу боис Усмонийлар ўта шафқатсиз, аммо якуний тўхтама кела олганлар. Яъни шаҳзодаларнинг тож-тахт учун кураши мамлакатни инқирозга бошлаши тайин экан, бундай низоларга замин қолдирмаслик керак. Бунинг учун эса... тахт учун биргина шаҳзодани тирик қолдириб, қолганларини ҳали тахтга даъвогарлик қилмасидан туриб, ўлдириш ҳақида келишиб олинган. Бу қарорга шарият пешволари ҳам асос излашган. Муқаддас китоб Қуръони каримдаги: **“...Фитна қатл (одам ўлдириш)дан кўра ёмонроқ...”** (“Бақара” сура-си, 191-оят) ояти каримаси улар қабул қилган қарор тўғрилигига ва уларни шу қарорларида қатъий туришга ундаган.

Албатта, бу оятдаги ҳукмни асрлар мобайнида муфассирлар турлича тафсир қилиб келганлар. Биз ояти кариманинг асл мақсади, мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш фикридан йироқмиз. Аммо, айрим тарихчилар манбаларига

кўра, Усманийлар даврида шариит пешволари шаҳзодаларни қатл қилишни ушбу оят билан оқламоқчи бўлганлари бор гап. Хусусан, Султон Фотиҳ Иккинчининг “Фотиҳ Қонунномаси” аса-рида ҳам бу “фатво”га дуч келамиз ва уни бор ҳолича эътиборингизга ҳавола этамиз:

*“Ва ҳар кимсая авлодимдан сал-танат муяссар ўлса, қардошлари-ни низоми олам учун қатл этмоқ муносибдир. Аксари уламо дахи тажвиз этмишдир. Анинг-ла омил ўларлар...”*

*(Яъни, авлодларимдан кимки тахтни эгалласа, ака-укаларини оламда тартиб бузилмаслиги учун қатл этиши муносиб кўрилади. Бунини кўпгина олимлар ҳам тасдиқ этишган, шунга амал қилишсин.)*

Мана шу шафқатсиз ҳукмга кўплаб тождорлар сўзсиз амал қилиб, баъзилари ўз фарзандларини, бошқалари ака-укаларини аёвсиз қиришган. Тарихий маълумотларга кўра, 600 йилдан кўпроқ давом этган Усманийлар ҳукмдорлиги даврида 61 нафар шаҳзода қатл этилган. Улардан фақат 22 нафаригина амалдаги тахт соҳибига қарши чиқиб, исён кўтаргани сабабли ўлдирилган бўлса, қолганларининг “айб”и шунчаки “Султони олам” билан бир отадан туғилганида эди, холос.

Нима бўлганда ҳам, тахт учун ўз биродарининг қонини тўкишни ҳеч қандай сабаб билан

оқлаб бўлмайди. Аммо, бир ҳақиқатни тан олиш керак: эҳтимолки, айнан ана шу золимона удум туфайли Усманийлар хонадони Шарқдаги турли сулолалардан кўра кўпроқ бардавом бўлгандир, уларнинг тарих саҳнасида узоқ муддат туришига мана шундай шафқатсиз қонунлар, аёвсиз қоида ва тартиблар асос бўлгандир.

Бу анъана, ҳикоямизнинг бош қаҳрамонларидан бири – **Султон Аҳмет** ҳукмронлиги даврига қадар давом этган. Ҳар қалай, ниҳоясиз давом этадиган даҳшатдан кўра, даҳшатли ниҳоя яхшироқ, деган фикрга амал қилинган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, ўз ҳукмронлиги асносида бу шафқатсиз усулга қарши чиққан, уни ислоҳ қилишга уринган тождорлар ҳам йўқ эмасди. Бизнинг бошқа қаҳрамонларимиздан бири ҳам ана шу ташаббус билан чиққан – Султон Аҳмет эди.

## СУЛТОН АҲМЕТНИНГ БОЛАЛИГИ

**Т**арихий китобларда ёзилишича, сулоланинг 14-вакили Султон Аҳмет милодий 1890 йил 19 февраль куни Султон Меҳмет III ва унинг жорияси Хандонбегим оиласида, Маниса шаҳрида туғилган. Аҳмет туғилган пайтда унинг отаси тахтга ўтирмаган, Султон Мурод томонидан Манисага волий қилиб юборилган эди. Маълумотларга кўра, бор-йўғи саккиз йил ҳукмронлик қилган Султон Меҳмет III ўзининг қаттиққўллиги, талабчанлиги билан ҳам ном қозонган. У азалий тахт қонунларига амал қилиб,

тахтга чиқар-чиқмас 19 нафар икк-укаларини бир кунда шафқатсизларча бўғиб ўлдиришга фармон беради. Ҳолбуки, бу шаҳзодаларнинг аксарияти ҳали ҳам эмизикли чақалоқлар бўлганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилади.

Султон Аҳметнинг онаси асли босниялик бўлиб, айрим манбаларда унинг ҳақиқий исми Хелен (Елена) бўлгани айтилади. У Усманийлар салтанатида юқори нуфузга эга бўлган Жарроҳ Меҳмет пошонинг жорияларидан бири бўлиб, ёшлик пайтида шаҳзода Меҳметга ҳадя қилинган ва кейинчалик унинг муҳаббатига сазовор бўлган.

1595 йилда Султон Мурод вафот этиши билан Султон Меҳмет Хандон ва ўғли Аҳмет билан бирга пойтахтга йўл олади. Ўз тарафдорлари кўмагида тахтга ўтиради ва амалдаги “қоида”га кўра, барча қондош биродарларини йўқ қилади.

Бу пайтда шаҳзода Аҳмет етти-саккиз ёшли гўдак эди. Бу мудҳиш қирғин унинг кўз ўнгида рўй бергани учун мурғак онгида бир умр муҳрланиб қолди. Эҳтимолки, ўша онларда у оддий деҳқон ё чўпон боласи эмас, балки шаҳзода бўлиб туғилганидан афсуслангандир?! Аммо шуниси аниқки, ҳали тож-тахт нелигини билмай туриб, жаллод қўлида беомон ўлим топган беғуноҳ амакиларининг ўлимидан қаттиқ изтиробга тушади, кўз ёш тўқади. Салтанатининг хавфсизлигини ўйлаб, ўз қондошларини қатли ом қилган падари бузрукворидан нафратланган ёш гўдак кун келиб, ўзи ҳам валиаҳд оғаларидан бири томонидан ўлдирилишини ўйлаб, но-расида вужудида сўнгсиз ваҳима уйғонган кез-

да яна нималарни кўнглидан кечиргани бизга номаълум, аммо бу воқеа унинг қалбида ўчмас жароҳат қолдирди.

Аммо, тарих шуни сўйлайдики, шаҳзода Аҳмет ўша онлардаёқ ўз-ўзига ваъда бергани, йиллар ўтиши билан бу ваъда қатъий қарор тусини олгани аниқ. Буни унинг қуйидаги сўзлари ҳам исботлайди:

*“Вақтики, менга ҳам салтанат муяссар бўлса, ҳеч қачон ўз ога-иниларимнинг қонини тўкмайман. Майли, бегуноҳ биродарларимнинг қонига зомин бўлгандан кўра, азалий қонунларни бузганим яхшироқ. Зотан, бу қонунни ҳам биз сингари бир тождор тузган. Кези келганда бошқа бир тождор уни ислоҳ қилиши мумкин эмасми?”*

Султон Аҳметнинг болалиги ҳам бошқа шаҳзодалар сингари таҳлика ва тинимсиз ваҳима ичида кечгани аниқ. Чунки, унинг ҳам акалари бор эди. Салтанат қонунларига кўра, тахтга ёши катта шаҳзодани ўтқозишади. Аммо, айрим ҳолларда истиснолар ҳам юз бериб туради. Саройда бир-бирига қарши бўлган гуруҳлар айнан шаҳзодаларнинг ортидан туриб, салтанатни бошқаришга уринадилар. Тахт соҳиби қанчалик ёш ва уқувсиз бўлса, унинг ортида турган гуруҳ учун шунча яхши шароит яратилган. Тахт билан ёғоч отнинг фарқига бориб улгурмаган “Султон” то улғайиб, оқ-қорани танигунча, унинг сояси-

да турганлар наһъу намо, кайфи сафо қилиб юраверадилар, кўпчилик бегуноҳ инсонларнинг қонларини тўкканлар.

Шу боис, Усманийлар тарихида тўнғич шаҳзодалар йўқ қилиниб, ўрнига ундан кичикроқ ворислар тахтга ўтириши тез-тез учраб турадиган ҳодиса. Бунга баъзида сарой аъёнлари, маликалар ўртасидаги фитналар сабаб бўлса, гоҳида Султоннинг ўзи ҳам фарзандлари тақдирини кутилмаган томонга ўзгартириб юбора оларди. Масалан, Султон Сулаймон Қонуний (1520 – 1566) ўзига қарши исён кўтарган катта ўғли Мустафони қатл эттириб, ўрнига ундан анча кичкина бўлган Салимни валиаҳд этиб тайинлаганди.

Кимнинг тахтга ўтириши, албатта, шаҳзодаларнинг қисмат битигига, қолаверса, Султон оталарнинг раъйига ва атрофдагиларнинг абжирлигига ҳам боғлиқ эди. Бу борада маликаларга – шаҳзодаларнинг онасига ҳам катта масъулият тушардики, барча сулолалар қатори Усманийлар тарихида ҳам бу борада исталганча мисолларни келтириш мумкин.

Султон Аҳметнинг тахт тепасига келишида асосий сабабчи бўлган тарихий шахслардан бири ҳам, шубҳасиз, унинг онаси – Хандон Султон эди. Келинг, бу аёл ҳақида тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга назар ташлайлик.

*Хандон Султоннинг қачон, қаерда тугилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, тахминларга кўра, XVI асрнинг етмишинчи йилларида дунёга келган бўлиши мумкин. Ай-*

*рим Европа манбаларида Хандон Султоннинг асли исми Елена экани, ёшлигидан гўзаллиги, латофатлилиги билан овоза бўлгани ва шу жиҳати билан Султоннинг эътиборига тушгани, меҳрини қозонгани ёзилади.*

Елена дастлаб босниялик пошо (бек)лардан бири Жарроҳ Меҳмет пошонинг ҳарамидоги жориялардан бири бўлган. Ҳали бокиралигидаёқ пошо уни Манисани бошқариб турган шаҳзода Меҳметга туҳфа қилади. Бошқа бир маълумотларга қараганда, Еленанинг ҳарамга келтирилишига маликаи олия – Султоннинг онаси бўлган Сафия Султоннинг хизмати катта бўлган.

Маълумки, европалик қизлар ҳарамга киритилгач, уларга шарқона исмлар берилар, исм танлашда қизларнинг ташқи кўриниши, саъжияси, хатти-ҳаракатлари ва, албатта, ҳарам ичида ўзларини қандай тутишларига эътибор қаратиларди. Елена ўта қувноқлиги, хушчақчақлиги боис, унга Хандон деб ном берилади.

Ҳарам қонунларига кўра, жориялар султоннинг назарига тушиб қолгач, уларга алоҳида эътибор кўрсатилар, махсус хужраларга кўчириллар, уларнинг хизматига алоҳида хизматкорлар ажратиларди. Султоннинг меҳрини қозониб, тез-тез “хонаи хос”га чақириладиган канизакларга “хосаки” мақоми берилар ва уларга алоҳида иззат-икром кўрсатиларди.

Ҳарамда жориялар ўртасида ҳам ўта шафқатсиз кураш борарди. Ахир, Султоннинг кўнглидан жой олиб, унинг эътиборига тушган билан ҳали



олдинда қанчадан-қанча хатарлар, доғулар бор. Ҳарамда яшаб қолиш жуда қийин. Ё мутлақ га-лабага эришиб, ҳаммани қўлга олиш керак ёки мағлубиятни тан олиб, ўз қисмати тизгиниши бошқаларга топшириш лозим.

Ҳарамда шаҳзодалар кўп. Султоннинг кўнгил-хушликлари чегара билмайди. Натижада то султоннинг белида қуввати бор экан, шаҳзодалар, демакки, тахт учун даъвогарлар сони кўпаяверади. Улардан фақат биттасигагина омад кулиб боқади. Қолгани эса, тамойилга кўра, ҳалокатга маҳкум. Ўғли қатл этилган жория ёки малика шунчаки фарзанд доғини чекиб қолавермайди. Уларни ҳам маҳзун қисмат кутади. Ёки турли макр-ҳийлалар натижасида ўлдирилади, ё махсус саройларга умрбод бадарға қилинади.

Ҳарамдаги ожизалар бу ҳақиқатни яхши билишар, муваффақиятга эришиш учун ҳамиша курашга, мужодалага шай туришарди. Бунинг учун гўзалликнинг ўзи етарли эмас. Ўткир идрок, маккорлик, қаттиққўллик ва жасорат керак.

Хандон Султон ҳукмдорнинг учинчи аёли эди. Табиийки, Султон Меҳметнинг ҳарамида қиз-жувонлар саноксиз, уларнинг барчаси мутлақ бахт ва салтанатга даъвогар эдилар. Хандон султон гарчи ҳукмдордан бир ўғил, икки қиз кўрган бўлса-да, бошқа аёллар ҳам унга бир қанча ўғиллар ҳадя этишганди. Энг ёмони ҳукмдорнинг шаҳзода Аҳметдан илгарироқ туғилган уч ўғли бор эди. Бу эса, шаҳзода Аҳметнинг тахтга ўтириши йўлидаги муқаррар ва мустаҳкам тўсиқлар, катта қаршилик дегани эди.

Сарой одатларидан яхшигина хабардор бўлган Хандон Султон кун келиб, эркатой ўғлининг

ўлдирилиши аниқ эканини ўйлаб, бутун дунё кўзига қоронғи кўриниб кетарди. Шундай пайтларда “салтанатига, тожу тахтига ҳам ўт тушсин” деб болаларини олиб саройдан бош олиб чиқиб кетгиси келарди.

Аммо, Тўпқопи саройидан ҳеч ким ўз ихтиёри билан чиқиб кетмаган. Буни у яхши биларди. Демак, онанинг олдида битта йўл бор, холос. Қандай бўлмасин, тож-тахтни эгаллаш учун курашиш, бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, бўш келмаслик ва ўз хатти-ҳаракатларидан бошқаларни воқиф қилмаслик. Аммо бу тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиш, муқаррар тақдирга чап бериш осон иш эмасди. Унинг қаршисида иккита катта тоғ – қайнонаси Сафия Султон ҳамда катта кундоши, тўнғич шаҳзоданинг онаси Ҳалима Султон туришар, уларни енгиш ва ўз ўғлини тожу тахт эгаси бўлишига эришиш ҳазилакам иш эмасди...

## ҲУКМРОНЛИК ИЛИНЖИ

Салтанат тахтини ҳарам пардаси ортида туриб узоқ йиллар бошқарган Усманий маликалар сафида Сафия Султон алоҳида ўрин тутади. Тарих унинг ўта қаттиққўллиги, маккора ва шафқатсизлигига ҳам, бунёдкорлиги ва ислохотчилигига ҳам гувоҳ бўлган.

Жумладан, унинг ташаббуси билан Истамбул ва Қоҳирада қурилган жоме масжидлари бугунги кунимизга қадар сақланиб қолган. Онадўли ҳудудида унинг номи билан аталадиган жуда

кўп иншоотлар сақданиб қолган. Бироқ, унинг салтанат йўлидаги мурасасиз курашлари, молдунёга, ҳокимиятга ўчилиги қанчадан-қанча беғуноҳ инсонларнинг умрига завола бўлган.

*Сафия Султон ўзи ким эди? У қандай қилиб султонлардан ҳам қудратлироқ кучга эга бўлди? Сафия Султон ҳақида бир қатор гарб тарихчилари турли маълумотларни илгари суришади. Айрим манбаларга кўра, Сафия Султон тахминан 1550 йилларда ҳозирги Греция ҳудудидаги Корфу (Керкира) оролида туғилган. Отаси Сесилиа Баффо Корфу ороли губернатори бўлган. Сафия ўз тансоқчилари билан денгизда сайр қилиб юрганида турк қароқчиларининг қўлига тушиб қолган ва сотиб юборилган. Кейинчалик уни султон Муродга туҳфа қилишган.*

Бошқа тарихчилар бу маълумотларни инкор этишади ва бу воқеани ундан аввалроқ Волидаи Султонлик мақомига эришган Нурбону Султонга тақашади. Венеция манбаларида, Сафия Султон Муродга ҳадя қилинган чоғида 13 ёшдаги кўркем қиз бўлганлиги айтилади.

Тез фурсатда ҳарам муҳитига кўникиб улгурган Сафия Султон ҳам бу муҳитда ожизлар кучлиларга ем бўлиши муқаррарлигини тушуниб етди. Шу ерда унинг дийдаси қотди, қалби тош-

га айланди. Саройдаги ноҳақликлар, адолатсизликлар, тенгсизликларни кўриб, ғалаба қозониш учун виждон ҳамиша халал беришини англади. Кўплаб маликалар уни Султон Муроднинг назаридан тушириш учун ҳар хил макр-ҳийлаларни, фитналарни ўйлаб топдилар. Аммо, ҳаммасига чап беришнинг ягона йўли Султоннинг қалбини узил-кесил забт этиш эканлигини англаган Сафия Султон бунинг уддасидан чиқа олди. Унинг мислсиз гўзаллиги, латофати, ширин сўзлари Султоннинг кўзларини қамаштириб қўйган, қалбини эгаллаган эди. Сафиянинг биргина табасуми, нозу карашмаси олдида бошқа жориялари ўзининг қадр-қимматини йўқотарди.

Шу тариқа Сафия Султон мамлакатнинг нафақат ички, балки ташқи ишларида ҳал қилувчи шахсга айланди. У хорижий давлат раҳбарлари билан мустақил равишда ёзишмалар олиб борар, улар билан совғалар алмашарди. Жумладан, Англия қироличаси билан дўстона муносабатлари кўпгина солномаларда ўз аксини топган. Элизабет Сафия Султонга олтин арава совға қилган. Сафия бу аравада Истамбул кўчаларини кезишни жуда ёқтирар, бу унга чексиз гурур, роҳат бахш этарди.

Султон Муроднинг вафоти Сафиянинг ҳаётида катта бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки, айни шу нозик паллада отни қамчилаб қолмаса, ҳаммаси қўлдан кетиши мумкин. Саройда унга содиқ амалдорлар ёрдами билан Меҳметни тахтга ўтказгач, Сафиянинг мавқеи янаям ошди. Илгари у Султоннинг хосакиси (севикли аёли) бўлган бўлса, энди у ҳарамнинг мутлақ соҳибаси, яъни Волидаи Султон мавқеида эди.

Султон Меҳмет жуда кўп масалаларни айнан онасининг маслаҳати билан ҳал этар, шу боис бирор ишни битиришга уринган амалдор биринчи навбатда Сафияни қўлга олишга, унинг ишончини қозонишга интилар эдилар. Албатта, Сафия ҳам бошқаларнинг ишини қуруқ раҳматга битириб бермасди. Иши тезроқ ўз фойдасига ҳал бўлишини истаган корчалонлар Сафияни қимматбаҳо ҳадялар, янаям аниқроғи, таъмагирликка ўргатиб қўйишди.

Бир пайтлар Хандонни ўғли Меҳметнинг ётоғига йўллаган ҳам Сафиянинг ўзи эди. Ўшанда вақти келиб, Хандон унинг ашаддий ганимига айланиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган, дейиш бироз ўринсиз. Зотан, Сафиянинг ўзи бир замонлар ўзини Султон Муродга рўпара қилган қайнонаси Нурбону Султонга қарши очиқ-ойдин исён қилган, Волидаи Султон мақомини ундан тортиб олишга муваффақ бўлганди. Орадан йиллар ўтиб, ўзи ҳам худди шундай қисматга рўбару келди...

## ҚИММАТГА ТУШГАН ШОШҚАЛОҚЛИК

Ўз навбатида Ҳалима Султон ҳақида ҳам бироз маълумот бериш ўринли бўлади. Унинг асли исми ҳақида ҳали-ҳануз аниқ маълумотлар топилмаган. Айрим манбаларда унинг ҳарамда берилган исми Ҳалима Султон дейилган бўлса, бошқаларида Филдон тарзида келтирилади. Тахминан 1578 йилларда албан оиласида дунёга келган бу аёл кун келиб Салтанат тақди-

рига дахлдор шахс бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, аммо Ҳалима бунга эришган.

*Ҳалима ҳарамга қачон келтирилгани ҳам номаълум. Аммо, унинг Хандондан илгари ҳомиладор бўлгани, Султон Меҳметнинг биринчи ўглини айнан у дунёга келтиргани айти ҳақиқат. Ҳалима учун омад кулиб боққанди. Қонун у тарафда эди. Бироқ шошма-шошарлиги, эҳтиётсизлиги унинг ҳаётида қимматга тушди.*

Гарчи қонунан ўғли тахтга чиқиши аниқ бўлса-да, у тезроқ ўз ўғлини тахтга ўтқазиб, шаҳзода фарзанди ёрдамида салтанат жиловини қўлга олиш орзусида эди. Ҳали эри Султон Меҳмет ҳокимият тепасида турган бўлса-да, ҳали ёш ва бақувват бўлгани ҳолда салтанатни ҳали узоқ бошқариши мумкин бўлса-да, Ҳалима Султон ўз ўғлига навбат келишини кутишга сабри чидамасди.

Манбаларда Ҳалима Султоннинг эскича удумларга, илму амал, фол, жоду, иссиқ-совуқ сингари хурофотларга ўчлиги ёзилади. Умуман, бу ҳолат бошқа сарой хонимлари учун ҳам бегона бўлмаса-да, Ҳалиманинг ҳирсу ҳаваслари бошқаларникидан қайсидир жиҳатдан фарқ қилади.

Ривоятларга кўра, у ўзининг ишонган фолбини билан доимий мулоқотда бўлиб, унинг маслаҳати билан иш юритган. Кунларнинг бирида ўзининг хос жорияси ёрдамида фолбинга мактуб йўллаб, ўғли – шаҳзода Маҳмуднинг қа-

чон тахтга ўтиришини билиб беришини сўрайди. Табиийки, ҳамма даврда бўлганидек, сарой хуфиялардан холи эмасди. Айниқса, Усмонийлар саройида ҳар бир маликанинг ўз хуфиялари ҳар қадамда изғиб юришарди.

Волидаи султонлик мақомини жонидан ҳам афзал кўрадиган Сафия султон ўз куч-қудратига соя солиши мумкин бўлган ҳар қандай кучни янчиб ўтишга ҳозир эди. Саройдаги ҳар бир малика ёки жориянинг хатти-ҳаракати унинг жиддий назоратида бўлиб, хуфиялари саройдан яширинча чиқишга уринган жориянинг ёнидан сирли мактубни топиб олишлари билан дарҳол Сафия Султонга етказадилар.

Мактубни ўқиган Сафиянинг тепа сочи тикка бўлади. Ахир бу қандай нонкўрлик? Ҳалима намунча ошиқмаса? Демак, Ҳалиманинг нафси ҳакалак отибди. У тезроқ ўғлига тож кийдириш учун ҳар қандай пасткашликдан, ҳатто, амалдаги Султоннинг, яъни ўз эрининг жонига қасд қилишдан ҳам қайтмайди.

Тан олиш керакки, Сафия Султон учун ўғлидан ажралиб қолишдан кўра, Волидаи Султонлик мақомини топшириш янада офирроқ эди. У Ҳалимани ўз ўрнини эгаллаши, қолган умрини Истамбул ташқарисидаги хилват ва зерикарли Эски саройда кечишини тасаввур қилиб, ўзини кўярга жой тополмасди. Лекин ўзича ҳукм чиқариш ваколатига ҳам эга эмас. Бу ишни ўғли Султон Меҳмет билан ҳал қилган маъқул. Қаттиққўллиги билан ном чиқарган Султон эса Ҳалиманинг бу қилмишини кечиролмаслиги аниқ.

Сафия адашмаганди. Хатни ўқиган Султон Меҳметнинг фиғони фалакка чиқади. У энди ўз ўғли Маҳмудни ҳам, унинг онаси Ҳалима Султонни ҳам душман ўрнида кўра бошлайди. Салтанат инсонни анчайин шафқатсиз, бемеҳр қилиб қўйгани, қолаверса, бир кечада ўн тўққиз оға-инисини киприк қоқмай қатл эттирган Султон учун биргина шаҳзодадан воз кечиш унчалик мушкул савдо эмасди.

Шу боис... Султон Меҳмет дарҳол хосхона бошлиғини чақириб, фармон ёздирди. “Низоми олам учун... шаҳзода Маҳмуд қатл этилсин!” Фармон ижроси кўп вақтни олмади. Ўз истакларини вақтида жиловлай олмаган Ҳалима ўғлининг жонсиз гавдасини қучиб фарёд солганича қолаверди. Аммо, иложи қанча? Эрини ер муштлаб қарғашдан бошқа қўлидан яна нима ҳам келарди? Айб ўзида. Жимгина юрганида ҳеч гап йўқ эди-ку! Эртами-кечми, ўғли Маҳмуд отасининг тахтига эга чиқарди, аммо Салтанат оҳанрабоси Онанинг кўзларини кўр қилиб қўйганди.

Гарчи валиаҳд шаҳзодадан айрилиб, асосий имкониятни қўлдан бой берган бўлса-да, ҳали унинг учун умид қопқалари тамомила беркилмаганди. Ахир унинг яна битта ўғли бор эди. Тўғри, Мустафонинг тахтга ўтириш эҳтимоли жуда кам. Аммо чўкаётган чўпга ёпишади, деганларидек, Султон хоним қалбида яна умид учқунлари пайдо бўлди.

Зотан, Усманийлар салтанати тарихида истисно тариқасида бўлса-да, катта фарзандлар ўрнига кичкиналарининг тахтга ўтириш ҳоллари учраб туради. Буни биз сал аввалроқ, Султон



Сулаймон Қонунийнинг катта ўғли – шаҳзода Мустафонинг ўрнига тахтга ўтирган Султон Салим мисолида ҳам эслаб ўтдик. Бу каби тарихий мисоллар Ҳалиманинг кўнглидаги истакларига озгина умид, озгина қанот бағишлаб турарди.

## СУЛТОН МЕҲМЕТНИНГ ЎЛИМИ

Султон Меҳмет Учинчи (Шарқ манбаларида Султон Муҳаммад Солис номи билан ҳам эсга олинади) ўта зиддиятли, шафқатсиз табиати билан ҳам бошқа турк султонларидан фарқланиб туради. Бунини юқорида бир нечта воқеалар мисолида кўриб ўтдик.

Аммо Султон Меҳмет қаттиққўл ҳукмдор бўлиш баробарида маданият ва санъат ҳомийси, шеъринг шайдоси сифатида ҳам тарихда қолган. Унинг салтанат ишларидан холи вақтларда туркий тилда Адлий тахаллуси билан газаллар, шеърлар битгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Айтиш жоизки, ушбу сулоланинг яна бир вакили Боязид II ҳам айнан шу тахаллус билан шеърлар машқ қилган. Шу боис кўпчилик уларни адаштириши мумкин. Султон Меҳмет III араб, форс тилларидан ташқари лотин ва юнон тилларини ҳам билган, бу тиллардаги китобларни мутолаа қилиб, тушуна олган. Бугунги кунда Истамбулда унинг даврида бунёд этилган Янги Волида жоме масжиди сақланиб қолган.

*Султон Меҳмет учинчининг фавқулодда довюраклиги ва жасорати ҳам эътиборга моликдир. Маълумотларга кўра, у 1595 йилда Венгрия ҳудудидаги Эгер қалъасини забт этиш учун йўлга чиқаркан, онаси Сафия Султоннинг раъйига қарши бориб, кўшинни ўзи бошқарган. Бошқа кўплаб жангларда ҳам лашкарга ўзи бошчилик қилган. Бу эса, аскарларни руҳлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган.*

Султоннинг ўлими билан боғлиқ бир воқеа кўп манбаларда эслаб ўтилади. Мана, улардан бири.

**...1603 йил, 26 октябрь.** Истамбулда кеч кузак ҳавоси ҳукмрон, дарахтлар аллақачон заъфарон баргларини замин узра пойандоз қилмоқда эди.

Султон Меҳмет сарой яқинидаги хос боғчани ёлғиз сайр қилишни хуш кўрарди. Бундай пайтда уни ҳатто хос соқчилар ҳам анча узоқдан кузатиб туришар, ҳукмдорнинг шоирона хаёлларига халал беришни ҳеч ким истамасди.

Шу пайт Султоннинг қаршисидан эғнидаги яктаги сингари оппоқ соқолли нуроний чехрасига янада улуғвор қиёфа бахш этиб турган бир қария чиқиб қолди.

Одатда, хос боғча жуда қаттиқ кўриқланар, у ерга махсус хизматчилардан бошқа ҳеч ким киролмасди. Шу боис Султон чолни кўриб ажабланди. Негадир унинг улуғворлиги юрагида қан-

дайдир ваҳима уйғотди. Одатига кўра, Султон ҳеч кимга салом бермас, аксинча, унинг ҳузурига кирганлар икки букилиб таъзим қилишар, Султонга алоҳида иззат-икром кўрсатар эди.

Айни дамда бу таомил бузилди. Султон унга салом берди. Қария паст овозда алик олди-да, ҳукмдорнинг юзига тик боқиб тураверди. Тавба! Бу қанақаси бўлди? Қария тахт соҳибига тик қарашга қаердан куч, журъат топяпти?

– Сиз кимсиз? – сўради Султон имкон қадар ўзини қўлга олишга тиришиб. – Бу ерга қандай кирдингиз, мурудингиз не?

– Мен ҳам сенга ўхшаган ожиз бандаман, – деди чол дафъатан Султонни сенсираб. – Бир банданинг қадами тегиши мумкин бўлган жойга иккинчиси ҳам қадам босиши мумкин эмасми?

– Мендан нима истайсиз? – Султоннинг тилига шундан бошқача сўз келмади.

– Мен сўрайдиган бўлсам, бандасидан эмас, Яратганнинг ўзидан сўрайман.

– Нима керак сизга? Унда... бу ердан чиқиб кетганингиз маъқул. Бу ерда узоқ қолишингиз мумкин эмас, ҳам жуда хатарли бу ер. Соқчилар сизни ҳозироқ қувиб чиқаришади.

Нуроний чолнинг юзига енгил табассум югурди ва хотиржам оҳангда деди:

– Бу дунё саройида сен ҳам узоқ қололмайсан. Нар и борса 53 кунлик умринг қолган. Шундай экан, охират тадоригини кўравер. Гуноҳларингга астойдил тавба қил. Бошингда ажал ўз қиличини яланғочлаб турибди. Буни сенга етказиш менинг гарданимга тушган.

Султоннинг вужудини тамомила таҳлика босди. Беихтиёр “соқчилар” дея бақирди. Ундан қирқ-эллик қадам нарида турган икки мулозим ва уч нафар соқчи Султон томонга югуришди ва ҳайратдан қотиб қолишди.

– Тутинглар, манави чолни кўзимдан йўқотинглар, дарҳол!

Султоннинг ёнига етиб келган мулозимлар бир-бирига қарадилар. Соқчилар ҳам қилич яланғочлаб атрофга олазarak боқишарди.

– Султон ҳазратлари... – хос хона бошлиғи оҳиста Султонга яқинлашиб, қулоғи остида шивирлади. – Афв этасиз, бу ерда ҳеч қандай чол йўқ, балки у кўзингизга кўрингандир.

Султон Меҳмет кўзларини пирпиратди. Чиндан ҳам атрофда сарой хизматчиларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Қани? Қаерга кетди? Ахир... Ахир ҳозир шу ерда эди-ку!

– Ҳукмдорим, – таъзим билан бош эгди хос хона бошлиғи. – Боядан бери сиздан кўз узмай тургандик. Боққа ўзимиздан бўлак бирор зот киргани йўқ. Ҳеч қандай чолни кўрмадик.

Бошқа пайт бўлганида “ҳали мени ёлғончига чиқарадиган бўлдингми?” дея мулозимининг юзига тарсаки тортган, дарғазаб пайтида ҳатто бошини сапчадек узган бўларди. Аммо, айти пайтда... ич-ичини босиб келаётган кўрқув тўлқини унинг сезгиларини фалажлаб қўйганди.

– Саройга қайтамиз, – деди совуқ қотаётгандек қунишиб. – Негадир мазам бўлмапти.

...Шу лаҳзадан бошлаб, Султоннинг тоби қочди. Сарой ишларига ҳам аралашмай қўйди. Эр-

таю кеч сирли мўйсафиднинг таҳдидли сўзлари қулоғи остида жаранглаб турди. Кунлар ўтгани сайин Султоннинг ранги рўйи сарғайиб, қувватдан қолиб бораверди. Унинг томоғидан гоҳида сув ҳам ўтмас, тобора қувватдан кетиб борарди.

Ниҳоят, чол айтган муддат ҳам ўтди. Бу пайтда Султон тўшакка михланиб қолганди. Сарой табиблари унинг тепасида лабларига сув томизиб ўтиришарди. Айни шундай фурсатларда саройда аллақачон янги тахт ворисини сайлаш устида қизғин мунозара бошланган, турли гап-сўзлар кўпайиб кетганди.

Айниқса, Сафия Султон ўзини кўярга жой тополмай қолганди. Уни ўз фарзандининг ўлимидан ҳам кўра кўпроқ салтанат тақдири, янаям тўғрироғи, ўзининг салтанатдаги келгуси мавқеи кўпроқ ташвишга соларди. Ўғлининг ўлими Сафиянинг ҳам “Волидаи Султон”лик мақомидан айрилишини тақозо этарди. Султон Меҳмет дунёдан ўтгач, навбат унинг катта ўғли шаҳзода Аҳметга келади. Аммо, Аҳмет тахтга ўтириши билан Сафия Султон ўз ўрнини унинг онаси Хандонга бўшатиши лозим.

Сафия гарчи Хандон султонни ўзи тарбиялаган, ўғлига ўзи рўпара қилган бўлса-да, кейинги пайтда келинининг анча-мунча ҳаволаниб кетгани уни кўрқув ва хавотирга солиб қўйганди. Ўғли тахтга ўтириши билан Хандон Волидаи Султон сифатида барча ваколатлардан тўлиқ фойдаланиши, энг аввало, Сафиянинг имкониётларини чеклаб қўйиши, ҳатто уни саройдан бадарға қилишини ҳам яхши биларди.

Шу боис, ўғли ҳали сўнгги нафасини олиб улгурмасидан, Сафия салтанат жиловини ўз

қўлига олишга, ҳали 13 ёшга ҳам тўлмаган на-  
бираси воситасида мамлакатни бошқаришга  
уринарди.

Ниҳоят, кутилган нохуш ҳодиса юз берди.  
Султон Меҳмет 1503 йилнинг 21 декабрь куни  
37 ёшида вафот этди. Айрим тарихчилар уни  
юрак хуружидан вафот этганини ёзишса, бош-  
қалар уни саройдаги фитна туфайли заҳар-  
ланган бўлиши мумкин, деган фикрни илга-  
ри сурадилар. Боғдаги сирли учрашув илоҳий  
муждамиди ёки унга руҳий таъсир ўтказиш  
натижасида уюштирилган томошамиди – бу  
ҳақда аниқ фикр билдириш қийин. Бу сирни  
юз йиллар аввал Султон Меҳмет III ўзи билан  
тупроққа олиб кетди.

## СУЛТОН АҲМЕТ – ТАХТ ТЕПАСИДА

*Т*арихда айрим тождорларнинг жуда  
эрта тахт тепасига келиши янгилик  
эмас (Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳам-  
мад Бобурнинг 12 ёшда Фарғона тахтига ўтир-  
ганини эсланг). Зотан, бошқарувнинг ушбу  
шаклида салтанат тахтига фақат ҳукмдорлар  
сулоласидан бўлган вориснинг чиқиши талаб  
этилади. Талабгорнинг ёши, салоҳияти, ақл-  
идроки, билим ва тажрибаси у қадар аҳамиятга  
эга бўлмайди.

Шу боис турли сиёсий кучлар имкон қадар  
ёш, ғўр ва тажрибасиз шаҳзодаларни тахтга  
ўтқазиб, унинг воситасида давлатни ўз бил-  
ганларича бошқаришга уриниб келишган.  
Султон Аҳметнинг салтанатни бошқаришдаги

дастлабки йилларда ҳам бу ҳолат очик-ойдин кузатилади.

Султон Аҳмет ҳеч кутилмаганда тахт тепасига келди. Чунки, айна куч-қувватга тўлган, подшолик қила бошлаганига энди саккиз йил тўлган Султоннинг тўсатдан вафот этишини кутилмаган тасодиф бўлди. Гарчи шаҳзодалик пайтидан салтанат ҳақидаги қарашлари анча-мунча шаклланиб улгурган бўлса-да, Аҳмет ҳали тож-тахтни, буюк ва қудратли давлатни мустақил идора этишга на маънан, на руҳан тайёр эмасди.

Айрим маълумотларга қараганда, отаси вафот этган пайтда Султон Аҳмет ҳали хатна ҳам қилинмаган эди. “Қўли ҳалолланмаган” шаҳзоданинг эса салтанат тахтига ўтириши шариат қонун-қоидаларига ҳам тўғри келмагани сабабли, дарҳол уни суннат қилиб, кейин тахтга ўтқозишган бўлишлари тахмини бор бизда.

Хандон Султон эрининг ғамида мотам тутиб ўтираверса, фурсатни қўлдан бой беришини тушунгани учунми, ўғли тахтга ўтирган дастлабки кундан бошлаб, бошқарувни ўз қўлига олишга киришди. Икки йил давомида Хандон Султон парда ортида салтанатни бошқариб турганини кўпгина европалик тарихчилар ҳам қайд этиб ўтишган. Америкалик олима Аесли Пирс Хандон Султон ўғли Аҳмет ҳукмронлиги даврида давлат ишларида жуда катта мавқега эга бўлганини, ақл-идроки, ўтқир зеҳни ва Салтанат ишларини юрғизишдаги ишбилармонлиги боис, ўғлига устозлик вазифасини ҳам ўтаганини ёзади. Айна пайтда эса

Хандон Султон қайнонаси Сафия Султон сиймосида ўзининг энг кучли рақибини кўрарди. Чунки марҳум эрининг ҳукмронлиги пайтида ҳеч ким унинг ишларига тўсқинлик қила олмаган, ўз мавқеидан фойдаланиб, жуда катта бойлик, шу билан бирга кўп сонли тарафдорларни тўплашга улгурган эди.

Бундай қудратли аёлнинг саройда қолиши Хандон Султоннинг ўзи учун ҳам, ўғли учун ҳам катта муаммоларни туғдириши тайин эди.

Шу боис Хандон Султон ўғли тахтга ўтирганидан сўнг 20 кун ўтмай, унинг номидан қайнонаси Сафия Султонни сиёсат ташқарисида бўлган Эски саройга сургун қилиш ҳақида зудлик билан фармон чиқартирди.

Шу ўринда Эски сарой ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак.

Бу қадимий сарой бугунгача етиб келмаган. Бироқ, тарихий манбаларга кўра, у Истамбул шаҳрининг ҳозирги Фотиҳ туманида, Сулаймония ва Боязид жоме масжидлари орасида жойлашган. Таомилга кўра, тахтга янги ҳукмдор ўтириши билан аввалги Султоннинг онаси (Волидаи Султон) ушбу саройга кўчиб ўтиши лозим эди. Гарчи бу ерда маликаларнинг шоҳона ҳаёт кечириши учун барча шароитлар мавжуд бўлса-да, уларнинг салтанат ишларига, ижтимоий ҳаётда бўлаётган масалаларга аралашуви учун барча имкониятлари чекланарди. Ўз навбатида



бундай чекловлар уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки учун йўл бермасди.

Умрининг катта қисмини салтанат ишларига бағишлаган Сафия Султон бундай қисматга кўниколмасди. Шу боис у саройдаги эски мулозимлар, бейлар ва пошолар воситасида вазиятни назорат қилишга йўл топа олди.

Шоҳидларнинг ёзишича, Сафия Султон ўзининг Эски саройга сургун қилиниши ҳақидаги фармонни катта қаҳру ғазаб билан қарши олган. Ўз мулозимлари, ғулом ва жориялари билан саройни тарк этаркан, султон набираси ва келинига лаънатлар ёғдирган.

Сафия Султон умрининг қолган қисмини эски саройда кечирган бўлса-да, Султон Аҳмет ҳукмронлиги даврида саройда юз берган турли

фитналар, талотўплар, турли воқеа-ҳодисаларда бевосита унинг қўли борлиги тахмин қилинади.

Ҳатто, ўғлининг тахтга ўтирганидан сўнг икки йил ўтиб вафот этган Хандон Султоннинг ўлимида ҳам Сафиянинг қўли борлиги ҳақидаги эҳтимоллар илгари сурилади.



## “ЎЗ УКАМНИНГ ҚОТИЛИГА АЙЛАНМАЙМАН”

Биз юқорида Усмонийлар тарихидаги султон Фотиҳ замонасидан қолиб келган шафқатсиз қонун – “туғишганларнинг низоми олам учун қатли” ҳақида эслатиб ўтгандик.

Эндигина тахтга ўтирган Султон Аҳметнинг ҳам қаршисида ана шу вазифа – ота бир, она бошқа бўлган укаси шаҳзода Мустафони ўлдириб турарди. Бу қатлга айнан тахт соҳиби Султоннинг ўзи муҳр босиши лозим эди.

Тарихчиларнинг шаҳодат беришича, Усмонийлар тарихида бу қатлий қоидага қарши чиққан ва уни бекор қилган илк Султон ҳам Аҳметнинг ўзи бўлди. Аҳметнинг бу қатлга қарши чиқиши сабаблари ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Авваламбор, Мустафо билан Аҳмет деярли тенгдош бўлишган. Улар ака-ука эмас, худди тенгдош ўртоқдек вояга етишган.

Ҳали тож-тахтнинг шафқатсиз қонунларига кўникиб улгурмаган Аҳмет салтанатдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун биттаю битта укасининг ўлимига бармоқ босишни истамасди.

*Аҳмет отаси Султон Меҳмет тахтда ўтирган пайтда беш ёшли гўдак эди. Аммо, у отаси томонидан ўн тўққиз нафар амакисининг тахт даъвосидан қўрқиб бўғиб ўлдирилганига шахсан гувоҳ бўлганди. Бу ҳолат халқнинг Султон Меҳметга*

*нисбатан кучли нафратини уйготгани ҳам ёш подшоҳга аён эди. У отаси ва бошқа Усманий ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ қаттиққўл ва золим тахт соҳиби сифатида тарихда қолишни ўзига номуносиб деб билди.*

Бу борада Хандон Султоннинг фикри ўғлини-кидан бошқачароқ эди. У, ҳар қалай, салтанат бобида ўғлидан кўра кўпроқ тажрибага эга. Тиррик қолдирилган шаҳзода эртами-кечми бари бир тахтга кўз тикишини, салтанат учун кураш олиб боришини у яхши биларди. Қолаверса, шаҳзода Мустафонинг ортида аввало унинг азалий рақибаси, шаҳзоданинг онаси Ҳалима Султон турибди. У ўғлини тахтга чиқариш учун энг кичик имкониятни ҳам четлаб ўтмаслиги аён. Қолаверса, саройда етарлича эътибор тополмаган, ўз мавқеидан кўнгли тўлмаган амалдорлар дарҳол бошқа шаҳзодани тахтга чиқариб, унинг ортидан кўпроқ обрў-эътибор ва бойлик ортиришга уринишлари ҳам бу сулола тарихида жуда кўп бора кузатилган.

Шу сабабли Хандон Султон ўғай ўғли бўлган шаҳзода Мустафони тезроқ тинчитиб, унинг онаси Ҳалима Султонни қайнонаси Сафиянинг ёнига жўнатиш тадоригида эди. Бироқ, Хандон кўп ишда Султонга йўл кўрсатган бўлса-да, бу борада у ўғлининг раъйини қабул қилишдан бошқа илож топмади, чекинишга мажбур бўлди.

Султон Аҳмет ҳали ўсмир ёшда бўлса-да, кўп иш онасининг ёки мулозимларнинг эмас, ўз иродаси билан ҳал этилишини тушуниб етганди. Шу

боис, бу борада у ўзининг қатъий фикрида туриб олди: **“Мен ўз укамнинг ўлдирлишига қаршиман!”**

Албатта, юз йиллардан бери давом этиб келатган таомилнинг бузилиши сарой аҳлини ҳам таажжубга солди. Ёш подшоҳнинг бу қарорига қарши исён кўтармоқчи бўлганлар ҳам топилди. Онаси Султон ўғлини ўз измига солишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо, Аҳмет Султон ўз лафзидан қайтмади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай ишларни қилишга унинг кўнгли йўл бермади.

Хандон Султон ўғлидан яширинча шаҳзодани ўлдиришга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо, ҳар сафар унинг нияти амалга ошмай қолаверди. Шаҳзода ҳамиша Султоннинг ёнида эди. Уларни тож-тахт, ҳукмронлик орзусидан кўра буюкроқ ва қудратлироқ бўлган қондошлик, меҳр-оқибат ришталари боғлаб турарди.

Маълумотларга қараганда, шаҳзода Мустафо акасига нисбатан анча касалванд, ҳатто ақлий ривожланишида ҳам бироз орқада бўлган. У ана шу сабаб ҳам ноқис укасининг умрига зомин бўлишни ўзига муносиб кўрмаган бўлиши ҳам мумкин.

Шаҳзоданинг ўлдирилмаганига бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Тахтга ўтирган ёш шаҳзода ҳали балоғатга ҳам етмаганди. Сулоланинг бардавом бўлиши учун тахт соҳибининг зурриётлари бўлиши лозим. Ёш султон эса бу пайтда ҳали суннат ҳам қилинмаган эди. Салтанат қонунлари ҳар қандай эҳтимолни кўздан қочирмасди. Борди-ю, ёш шаҳзода ҳали фарзанд кўрмасидан туриб омонатини топширса (ахир,

шунақаси ҳам бўлиши мумкин-ку) нима бўлади? Ёш шаҳзодадан ўғил, ёки умуман, фарзанд туғилмаса-чи? Ахир Яратган ҳар бир бандасини фарзанд аталмиш неъмат билан сийлайвермайди-ку! У ҳолда, Султон Аҳметдан кейин тахт кимга қолади?

Сарой аъёнлари ва уламолари ана шу ҳолатларни ҳам эътиборга олиб, шаҳзода Мустафонинг қатлини кечиктириб туришни маъқул кўришгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Нима бўлганда ҳам ёш Султоннинг бу раъйига қаттиқ ишониб бўлмасди. Буни шаҳзода Мустафо, айниқса, унинг онаси Ҳалима Султон яхши биларди. Султон ҳозир ёш, кўнгилчан, тажрибасиз... Сал ёши улғайиб, оқ-қорани ажрата бошлагач, фикри ўзгариб қолиши мумкин эмасми? Бугунги гап эртага тўғри келмай қолиши бор гап-ку! Салтанат ҳаётига дахлдор ҳар бир Султон ҳақида айни шу гапни айтиш нотўғри бўлмайди.

*Шу боис, она ва боланинг кўзларида уйқу йўқ эди. Мустафо ҳар бир кунни қўрқув, таҳлика, хавотир ичида ўтказарди. Назарида бугун бўлмаса, эртага албатта акаси юборган жаллодлар уни бўғиб ўлдирадигандек эди. Шу боис, уни ҳатто ҳужрасидаги сичқонларнинг беҳосдан шитирлаши ҳам қаттиқ қўрқитиб юборарди. Эҳтимол, ана шу сўнгсиз хавотир, изтироб, ўлим таҳликаси шаҳзоданинг руҳияти-*

*га қаттиқ таъсир ўтказгандир?  
Балки ана шу хавотирлар унда  
ақли ноқисликни келтириб чиқар-  
гандир?*

Хўш, шаҳзоданинг кейинги тақдири нима бўлди? Султон Аҳмет охиригача ўз сўзида тура олдимиз? Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталамиз.

## **ОЛТИН ҚАФАСДАГИ ҚИЗИЛ ГУЛЛАР**

**У**сманий ҳукмдорларнинг ҳарами шу пайтга қадар кўпгина тарихчилар, сиёсатшунослар томонидан атрофлича таҳлил қилинган. У ҳақида адиблар турли китоблар битганлар, рассомлар бу мавзуда ўнлаб полотнолар яратганлар, кино усталари бу ҳақда бир қанча тарихий фильмлар суратга олганлар. Биз ҳам юқорида мана шундай ўзига хос маскан хусусида бироз тўхталиб, ўқувчиларимизга маълумот бериб ўтдик.

Султон Аҳметнинг шахсий ҳаёти ҳақида сўз юритиш учун яна шу мавзуга қайтишга тўғри келади.

Биламиз, ўтмишдаги барча мусулмон ҳукмдорлари ўзларини дин ва шариат ҳомийси, “Яратганнинг Ердаги сояси” сингари сифатлар билан улуғлашларига ўрганиб қолишган. Усманийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Улар ҳар бир хатти-ҳаракатларини дин ва шариат билан асослашга ҳаракат қилишган. Оилавий ҳаёт ҳам бундан мустасно эмасди.

Султонлар ҳам шариат кўрсатмалари асосида бошқалар сингари тўрттадан ортиқ озод аёлга уйланишлари мумкин эмасди. Аммо, уларнинг ҳарамида ўнлаб, юзлаб аёллар бўлгани тарихдан маълум. Яна шуниси аёнки, турли урушларда асир олинган, мусулмон бўлмаган ожизалар жория саналган. Улар билан бирга бўлиш учун никоҳ талаб этилмаган. Султонларнинг эса ваколатлари чекланмаган эди. Улар мунтазам равишда турли Европа давлатлари билан урушлар олиб боришар, ҳар йили қанчадан-қанча қиз-жувонлар асир олинар, уларнинг бир қисми эса Султон ҳарамига юборилар ва шу тариқа ўша жориялар ҳарамда умрбод қолиб кетардилар.

Бундан ташқари ўрта асрларда денгиз қароқчилиги авж нуқтага чиққанди. Турли мамлакатларга тегишли қароқчилар асосан Ўрта Ер денгишида кемаларни талаш билан шуғулланишарди. Ўзининг куч-қудрати ила Европада Барбаросса лақаби билан доврўф таратган денгиз қароқчиси Хайридин пошо ҳам Усманийларнинг сарой амалдорларидан бири бўлганини яхши биламиз. У Султон Сулаймон Қонунийнинг денгиз флоти раҳбари – каптани дарёси бўлгани ҳам тарихдан яхши маълум.

Қароқчилар гоҳида денгиздаги оролларга ҳам ҳужум қилиб туришар, у ердан қизларни олиб қочишар, сўнг уларни бозорда чўри сифатида сотиб юборишарди. Баъзида омади чопган қизлар Усманийлар саройига жўнатилар, бу ерда эса, ўз ақли ва ҳуснидан унумли фойдалана олганлари маликаларга айланиши, салтанат ҳаётига дахлдор бўлиши ҳеч гап эмасди.

Усмоний маликаларга назар ташласак, уларнинг аксариятини европаликлар ташкил этишини кўришимиз мумкин. Хусусан, малика Сафия, Нурбону бегим, Хуррам Султон сингари донг таратган маликаларнинг келиб чиқиши европалик бўлиб, насронийлар оиласида туғилиб вояга етишган. Улар турли йўллар билан саройга келтирилгач, аввал ҳарамда бир неча йиллар мобайнида тарбияланишган. Улар тиб, мусиқа, пазандалик, шеърият, хаттотлик, тасвирий санъат сингари йўналишларда сабоқ чиқаришган. Султоннинг назарига тушган жориялар гўзде деб аталганлар. Борди-ю, улардан қай биридир Султондан ҳомиладор бўлиб қолса, уларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилган. Махсус хоналарга кўчирилиб, парваришга олинган.

Султонлар фақат мусулмон қизларига уйланишлари лозим бўлган. Шу боис жориялар Султоннинг қонуний аёли бўлишлари учун ислом динини қабул қилишлари талаб этиларди. Султон иймон келтирган жорияларни озод қилганидан сўнг уларни никоҳига олиши мумкин бўлган. Бироқ, канизаклардан туғилган болалар ҳам султоннинг озод завжаларининг фарзандлари сингари бемалол тахтга даъвогарлик қила олганлар. Улар бошқа шаҳзодалар қатори ҳуқуқий жиҳатдан сарой қонун-қоидалари ва ўрнатилган тартибга, имтиёзларга, ваколатларга эга бўлганлар.

Шу боис ҳарамдаги жориялар қандай бўлмасин, Султоннинг эътиборига тушиш, ундан фарзанд кўриш учун жону жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. “Аъло ҳазратлари”нинг марҳамати-



га сазовор бўлган, ундан фарзанд кўрган ожизалар “хосаки султон”, яъни султоннинг хос аёли деган шарафга эга бўлишарди.

Султон Аҳмет тахтга жуда эрта ўтирган, у ҳали ҳарамнинг мазмун-моҳиятини англайдиган ёшда эмасди. Бироқ ҳарам аҳли у тахтга ўтирганидан бошлаб, ҳали гўдак бўлган шаҳзодага муносиб туҳфа ҳозирлашга киришгандилар. Салтанатнинг қайсидир бурчагидан келтирилган оддийгина қишлоқ қизи ҳам Султоннинг эътиборини қозонса, жуда катта қудратга эга бўлишини англаган сарой аҳли бу жараёндан ҳам фойдаланиб қолишни исташар, ўзлари ҳарамга киритган жориялар орқали юқорироқ мавқени эгаллашга ҳаракат қилардилар.

Янги тахтга ўтирган Султонни ҳарамдан ўнлаб жориялар ҳаяжон ва иштиёқ ила кутиб туришарди. Улар орасида Султон Аҳметнинг 26 йиллик ҳаётида муҳим ўрин тутган, гўзаллиги ва ақл-заковати билан Усманийлар тарихида муҳим из қолдирган жория **Анастасия – келажакнинг Кўсем султони ҳам бор эди.**

## АНАСТАСИЯ – МОҲИПАЙКАР – КЎСЕМ

**Б**арча замонларда бўлгани каби Усманийлар тарихида ҳам аёллар жуда катта рол ўйнаганини Фарб ва Шарқ тарихчилари кўп бора тилга олиб ўтишади. Жумладан, асли славян миллатига мансублиги қайд этилган Хуррам Султон (Александра) Султон Сулаймон Қонунийнинг меҳр-муҳаббатига сазовор

бўлгани, уларнинг севгиси мамлакат тарихини ҳам қайсидир маънода ўзгартириб юборганини яхши биламиз.

Султон Аҳмет ҳам ҳарамидаги жориялардан бири Анастасияга шу қадар меҳр қўйган, кейинчалик бу аёл Усмонийлар тарихидаги энг порлоқ сиймолардан бирига айланганди.

*Асли исми Анастасия бўлган бу машҳур аёлнинг болалик йиллари ҳақида тарихий манбаларда жуда оз ва бир-бирига зид маълумотлар сақланиб қолган (киноусталар томонидан суратга олинган кўп қисмли бадиий фильмларда тарихий ҳақиқатдан кўра, сценарий муаллифларининг бадиий тўқималари устунлик қилади). Кўплаб манбаларда унинг босниялик ёки черкес миллатига мансуб экани айтилади. Аммо, Усмонийлар тарихини чуқур тадқиқ этган турк олими, тарихчи, профессор Халит Инолчиқ Кўсем султоннинг юнон оиласида туғилиб вояга етгани, отасининг юнон оролларида бирида, православ черковидида олий рутбали руҳоний бўлганини таъкидлайди.*

Отасидан эрта ажраган Анастасиянинг болалик йиллари анча оғир ва машаққатли кечадди. Унинг ака-укалари, опа-сингиллари бўлгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар сақланмаган. Дастлаб у Босния бекларбегининг саройига жория сифатида келтирилади.

Қизларнинг султон ёки маҳаллий амалдорларнинг ҳарамига келтирилиши ихтиёрий ёхуд мажбурий равишда амалга ошириларди. Турли жангларда асир тушган қизлар ўз-ўзидан чўрига айланар, қул бозорларида сотилар, улар ўзларини қандай қисмат кутишини билмасдилар. Қизларининг бекаму кўст ўсиши, истиқболи порлоқ бўлишини истаган фақир ота-оналар уларни ўз ихтиёри билан жорияликка топширишарди. Айтишларича, қадимда серб, болгар, хорват сингари славян халқлари ҳатто бешикдаги қизларига алла айтаётганларида ҳам “Султонга жория бўлгин” деб тилак билдиришаркан. Чунки, қизлар ҳарамда Султоннинг назарига тушмаган тақдирда ҳам ҳеч нарсага зориқмасдан яшашар, улар ёши ўтгач шу ерда бирор вазифага қўйилар ёки эрга берилар, уларга муайян миқдорда умрбодлик нафақа ҳам тайинланарди, яъни улар ҳаётлари давомида ҳеч нарсага зориқмай, тўкин яшашлари таъминланарди.

Шундай қилиб, Анастасия ҳам оиласидаги ночорлик сабабли онаси ёки бошқа яқин қариндошлари томонидан Босния бекларбеги саройига топширилган бўлиши ҳақиқатга анча яқин. Қизчанинг турк тилини пухта билиши, адабиёт ва мусиқадан яхши хабардорлиги, ўткир ақл-заковати тез орада чор атрофга ёйилади. Одатда, бундай қизлар маҳаллий ҳокимларнинг хонадонида эмас, Султон саройига муносиб кўриларди.

1504 йилда Босния бекларбеги Анастасияни совға тариқасида Султон ҳарамига юборади. Бу пайтда Султон Аҳмет тахтга ўтирганига эн-

дигина бир йил бўлган, ҳарамдаги малакларга эндигина майл кўрсата бошлаганди. Одатда, подшоҳлар ётоғига юборилажак жориялар Волидаи Султон – султоннинг онаси томонидан сараланар, фақат муносиб кўрилганларгина танлаб олинарди.

Манбаларнинг шаҳодатича, Султон Аҳмет тахтга ўтирганидан сўнг орадан саноқли ойлари ўтиб, оғир касалликка чалинади. Кўп ўтмай укаси Мустафода ҳам шу касаллик аломатлари аниқланади. Сарой табиблари бутун илму ҳунарларини ишга солиб бўлса ҳам ака-уканинг дардига чора излашади. Фалакнинг гардиши билан улардан бири ушбу хасталик сабабли омонатини топширса-ку, иккинчиси сулолани давом эттиривериши мумкин. Худо кўрсатмасин, иккови бир пайтда... У ҳолда бутун сулола таг-туғи билан таназзулга юз тутарди. Зотан, айти дамда уч юз йилдан бери давом этиб келаётган қудратли салтанатнинг, сулоланинг шу икковлондан бўлак давомчиси энди йўқ.

Хайриятки, табибларнинг изланишлари бесамар кетмайди. Султон ҳам, шаҳзода ҳам оёққа туриб кетади. Аммо, энди сарой аҳли, хусусан, хонадоннинг бош соҳибаси Хандон Султон бу ҳолатдан ягона ва керакли хулоса чиқарганди. Одамзот темирдан эмас. Ҳаётда ҳар қандай нохушликлар юз бериши мумкин. Сулола эса қандай бўлмасин давом этиши лозим. Бўлиб ҳам бошқа биров орқали эмас, айнан ёлғиз жигарбанди Султон Аҳмет давом эттириши лозим бу сулолани. Шу боис, малика қандай бўлмасин, ўғлидан тезроқ ва кўпроқ набиралар кўришни

истарди. Шу сабабли эндигина балофат остона-  
сини ҳатлаган ўғлининг ҳузурига гўзал, соғлом  
ва ишончли жорияларни йўлларди.

Аммо Султоннинг диди жуда нозик, ҳар қан-  
дай қиз унинг қулфи дилини очолмас, кўнглини  
тополмас эди. Фақатгина Моҳфируз исмли жо-  
рия сал бўлса-да, кўнглидан жой олиб улгурган,  
ундан фарзанд ҳам кутмоқда эди.

Анастасия Моҳфирузни ҳарамга келган илк  
кунларидаёқ таниб олганди. Зеро, ҳозирча Сул-  
тоннинг илтифотига сазовор бўлиб улгурган яго-  
на жория сифатида Моҳфируз аллақачон ўзини  
ҳаммадан юқори олиб юрар, бошқаларни оёқ  
учида кўрсатарди. Маълумки, султонга ман-  
зур бўлишга муваффақ бўлган жорияларга ҳа-  
рамдаги муносабат ҳам дарров ўзгаради. Уларга  
алоҳида ётоқ-жой ажратилади, махсус кийим-  
бошлар тикилиб, қимматбаҳо тақинчоқлар би-  
лан сийланади.

Моҳфируз ўз орзу-истаклари осмонида учиб  
юрган бир пайтда Хандон Султонни бошқа нар-  
са ўйлантирарди. Моҳфирузнинг ҳозирдан ҳаво-  
ланиб кетаётгани яхшилик аломати эмас. Худ-  
ди Хандоннинг ўзи бир пайтлар доврўғи дунёни  
тутган Сафия Султонни саройдан четлатгани-  
дек, мана бу жиблажибон ҳам кун келиб “Воли-  
даи Султон” мақомини эгаллаши билан қайно-  
насини Эски саройга сургун қилиши турган гап.  
Шу боис, Хандон ҳозирдан унинг шохини қайи-  
риб қўйиши, бу ҳарамда унинг ўзи яккаю яго-  
на эмаслигини билдириб қўйиши лозим. Бунинг  
учун ўғлининг ёнига ундан-да гўзал ва латофат-  
ли бир жорияни йўллаши керак бўлади. Хўш, са-

ройдаги юзлаб қизлар орасидан кимни танласа бўларкин, қайси қиз айнан Хандон Султоннинг дидига ўтиради ва кўнглидан жой олади?

Табиийки, ўзининг ҳозиржавоблиги, заковати, энг асосийси бетакрор гўзаллиги билан ажралиб турган Анастасия дарҳол маликанинг эътиборини қозонади ва унга ёқиб қолади.

Анастасия бу пайтда ҳали энди ўн тўртга тўлган бўлса-да, қадду қомати, дунёқараши, чиройи ўзидан тўрт-беш ёш катта қизларникидан қолишмасди. Анча пайт Босния бекларбеги ҳарамда яшаб жорияликнинг мавҳум қисматига кўникиб улгурган Анастасия ўз олдида биргина йўл турганини аллақачон англаб етганди. Ё бошқа канизаклар қатори бутун инон-ихтиёрини тақдир измига топшириб, пешонада борини кутиб яшайди ё ўзининг порлоқ истиқболи учун тинимсиз курашиб Султоннинг қалбини ҳам, тахтини ҳам забт этади.

Анастасия иккинчи йўлни танлаганда Султоннинг онаси Хандоннинг назари унга тушиши билан омад кулиб боқаётганини англади. Ҳеч қачон умидсизликка тушмаган Анастасия курашиш учун имкони борлигини англади. Фақат, ақд-идрокини тўғри ишга солса бўлгани.

Анастасия ёш Султон билан биринчи учрашувдаёқ унинг қалбига оташ солишга улгурди. Табиатан тасвирий санъатга, адабиётга, гўзалликка шайдо бўлган Султонга Анастасиянинг зукколиги, турк тилида шеър ўқиб, қўшиқ куйлаши, гўзал рақслар ижро этиши уни тамомилла мафтун этганди. Қуёш шуъласи олдида шамнинг зиёси ўз қийматини йўқотганидек, Аҳмет

ҳам Анастасияга нисбатан уйғонган кучли ишқ олдида илк жорияси Моҳфирузга бўлган илиқликни унутаёзди. Бироқ, нима бўлганда ҳам Моҳфируз Султоннинг кўз очиб кўргани эди. Унинг илк шаҳзодасини ҳам айнан Моҳфируз 1504 йилнинг декабрида ҳадя қилганди. Шаҳзодага сулоланинг асосчиси Усмон исми берилди.

Илк шаҳзода бу бўлғуси тахт вориси демак. Салтанатдаги айрим эврилишлар, фитналар, низо ва нифоқлар халал бермаса, албатта.

Анастасия ҳарамга келган куниёқ Моҳфируз сиймосида ўзининг илк рақибасини кўрганди. Бу рақобат тарафлардан бирининг ўлимига қадар давом этиши муқаррар эди. Шу боис Анастасия Султоннинг ётоғига қадам қўйган илк кундан бошлаб, биринчилик учун кураш бошлади. Моҳфируздан тўрт ой ўтиб, у ҳам Султонга ўғил фарзанд ҳадя қилди. Султон иккинчи ўғлини отасининг исми билан атади: Меҳмет...

## ҲУКМДОРНИНГ ИШОНГАН ТОҒИ

*В*ар бир тождорнинг юксалиши ва таназзулида унинг атрофидагилар, маликалар, вазирлар, бек ва мулозимлар катта роль ўйнайди. Айниқса, тахтга эндигина ўтирган ҳукмдорлар аввалдан ишончини қозонган, ҳар қандай вазиятда суяниш мумкин бўлган амалдорларни ёнларига оладилар, уларга ишонч билдирадилар.

Султон Аҳмет тахтга ўтирганида яхши-ёмонни, оқ-қорани фарқлайдиган ёшда эмасди. Шу боис, даставвал тахтни унинг номидан онаси

бошқарганини айтиб ўтдик. Аммо, Хандоннинг бир ўзи аёл боши билан бепоён ва қудратли мамлакатни бошқара олиши мумкин эмасди. Унга ҳамроҳлик қиладиган кучли, ақлли, довюрак ва тадбиркор бирор эркакка эҳтиёж сезарди.

Бу ишда, бундай масъулиятли тадбирда Дарвиш пошо номи билан тарихда қолган пошо она-боланинг корига яради.

Дарвиш пошо ким ўзи? У қайси хизматлари учун султонлар эътиборини қозонди? Бу каби саволларга бирма-бир жавоб бериб ўтсак.

Дарвиш пошонинг асли исми ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо у босниялик камбағал оиланинг ўғли бўлгани, ҳатто ажамийлар мактабида ҳам ўта юпун, хокисор кийиниб юргани учун ёшлигидан “Дарвиш” деб аталганини биламиз.

*Тарихдан маълумки, Усманийлар салтанатида аскарлар, сипоҳийлар, сарой қўриқчилари, ҳарам хизматчилари мусулмон бўлмаганлар орасидан танланган. Чунки, ўша пайтларда девширма деган солиқ тури бўлиб, насроний ва бошқа динга эътиқод қилувчи оилалар ўгил фарзандларини Султон хизматига жўнатишган. Бундай болалар “ажамий ўғлонлар” деб аталган. Улар яничарлар (мустақил ҳарбий қўшин)нинг қароргоҳларида, андарун деб номланган сарой мактабларида махсус тайёргарликдан ўтишган.*



Ажамий ўғлонлар аввало мусулмонликни қабул қилишган. Кейин уларга қиличбозлик, камондан ўқ отиш, чавандозлик, кураш тушиш сингари илму амаллар пухта ўргатилган. Андарун мактабида эса, асосан турк, араб, форс тиллари, диний ва дунёвий билимлардан малакали мутахассислар таҳсил берганлар.

Дарвиш ҳам ана шу мактабда таълим олиб, ҳукмдорларга хизмат қилиш қоидаларини мидан сиригача эгаллаган, Султон Меҳмет III замонасида ўзининг садоқати ва уддабуронлиги билан кўпчиликнинг назарига тушиб қолганди.

Аҳмет ҳали шаҳзодалик пайтидан Дарвишга унинг тарбияси ишониб топширилади. Отасининг ўлимидан сўнг, Султон Аҳмет тахтга ўтиргач, Дарвиш унинг хос хонабошиси этиб тайинланади. Ёш султоннинг унга бўлган ишонч ва эътиқоди кун сайин ортиб борарди. Шу боис тез орада Дарвиш пошо Усманийлар салтанатидаги юқори унвонлардан бири – денгиз флоти раҳбари (“каптани дарё”) унвонини эгаллади.

Маълумотларга кўра, у бир неча бор Султон Аҳметни ўлимдан қутқариб қолишга ҳам муваффақ бўлган. Аммо, табиийки, ҳукмдорлар яқинида яшаш, ишлаш осон эмас. Ҳазрат Навоийнинг ҳам бу борада ажойиб тўртликлари бор:

*Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо  
Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.  
Анинг коми бирла тирилмак эрур,  
Маош айламоқ аждаҳо комида.*

Ҳа, тождорлар, султонлар саройида яшаш баайни оғзидан олов сочаётган аждаҳонинг комида кун кечириш билан барабар. Дарвиш пошонинг султонга яқинлиги унинг атрофидаги бошқа ғаламис аъёнларга, табиийки, ёқмасди. Шу боис улар имкон қадар Дарвишни подшоҳга ёмонлаш, унинг Султон наздидаги мавқеини пасайтириш пайида бўлишарди. Шу боис, бир неча бор дарвиш пошого нисбатан тухматлар уюштирилса-да, султоннинг Дарвишга бўлган эътимоди сўнмади, Дарвиш Султон Аҳмет учун суянган тоғ бўлиб қолаверди.

Тарихчиларнинг ёзишича, нима учундир Хандон Султон ҳам Дарвишни ўғлидан узоқлатиш илинжида бўлган. Бунга ўғлини кўндиришга ҳам уриниб кўрган. Аммо, Султон Аҳмет болаликдаги тарбиячисини ўзидан узоқлатишни ва бу ҳақда эшитишни ҳам истамасди. Дарвиш вазири аъзам Лоло Меҳмет пошонинг ўлимидан кейин унинг ўрнига тайин этилади ва то умрининг охирига қадар шу лавозимда қолади. Аммо...

*Ўша давр тарихчилари, шоирлари Дарвиш пошо ҳақида турли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Уларнинг аксариятида Дарвиш пошо ўта қаттиққўл, бағритош, ҳийлакор одам сифатида гавдалантирилади. Турк шоири Азмизода Ҳолатий Дарвиш пошо ҳақида “Ҳадди Мастон” номли ҳажвий қасида ҳам ёзган. Англиянинг Истамбулдаги элчиси бўлиб ишлаган Ҳен-*

ри Лелло ҳам ўз қиролига юборган ҳисоботларида Дарвиш пошонинг султон саройидаги энг нуфузли ва обрўли шахс экани, шу билан бирга ўта золимлигини эслатиб ўтганди.

Бироқ, салтанат ишларида, хусусан, мамлакатни оғир сиёсий танг вазиятга солиб қўйган Жалолийлар қўзғолонининг бостирилишида Дарвиш пошонинг хизматлари катта бўлган.

### ЖАЛОЛИЙЛАР КИМЛАР ЭДИ?

**М**авзуга бевосита алоқадор бўлгани учун шу ўринда Жалолийлар ҳаракати ҳақида озроқ тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Жалолийлар номи XVI – XVII асрларда Онадўлининг Ёзгат вилояти Бозоқ туманида яшаб ўтган шайх Жалол Бозоқли номи билан боғлиқ. Қизифи шундаки, жуда кўп туркий халқларнинг фольклоридан ўрин олган Гўрўғли ҳам айнан ушбу ҳаракатнинг фаол сардорларидан бири бўлгани айтилади.

Маълумки, Султон Сулаймоннинг ўғли Ёвуз Султон Салим замонасида синфий табақаланиш, мазҳаблар ўртасидаги номутаносибликлар, маҳаллий ҳокимларнинг оддий аҳолига жабр-зулми ҳаддидан ошиб кетади. Бу эса маҳаллий аҳоли орасида Усманийлар ҳукуматига нисбатан кескин норозиликни келтириб чиқаради.

Тарихдан маълумки, халқнинг ўз ҳукмдорларига нисбатан норозилиги ҳамиша муҳолиф

кучларга қўл келган. Усмонийлар билан асрий адоватда бўлиб келган Эрон Сафавийлари ўз айфоқчилари ёрдамида мамлакат ичидаги қарама-қаршиликларни пухта ўрганиб келишарди. Шу боис, Сафавий расмийлар султонга нисбатан душманона кайфиятдаги маҳаллий зодагонлар, заминдор деҳқонлар, хусусан, сафавийлар билан бир мазҳабга эътиқод қилувчи шиа мусулмонларини яширинча қўллаб-қувватлаб келишарди. Сафавийлар шу тариқа Усмонийлар салтанатида ички низоларни кучайтириш орқали улкан ва қудратли давлатни тор-мор этишни кўзлашарди.

Шу тариқа Усмонийлар тасарруфидаги мулкларда уларга қарши бўлган турли қуроли тўдалар пайдо бўла бошлади. Жалолийларнинг ҳукуматга қарши илк исёни ҳали Султон Сулаймон тахтга ўтирмаган бир пайтда, 1519 йилдаёқ юзага келганди. Аммо, Шайх Жалол Бозоқли стакчилигида Токат вилоятида юз берган, ҳали у қадар кенг ёйилиб улгурмаган бу исён тезликда бостирилиб, исёнчилар шафқатсизларча жазоланган эди.

Айрим манбаларда Жалолийлар қароқчи тўдалар сифатида ҳам тилга олинади. Бу фикрда ҳам жон бор. Чунки, XVI асрга келиб, буюк географик кашфиётлар жаҳон иқтисодиёти ва харитасида ҳам жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. То Христофор Колумб Американи забт этганига қадар Ғарб ва Шарқни асрлар давомида боғлаб келган Буюк Ипак йўли Усмонийлар учун ҳам катта даромад манбаи вазифасини бажарарди. Турклар ўз ҳудудидан ўтувчи карвон-

лардан ҳар йили жуда катта миқдорда бож олишарди. Савдо йўлларининг уммон орти томон ўзгариши натижасида Усманийлар бу даромаддан маҳрум бўлди. Бунинг устига Европа мамлакатларининг ҳар томонлама кучайиши туркларнинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан бир мунча заифлашувига олиб келди. Бу эса давлат хазинасига сезиларли таъсир кўрсатарди. Ҳукумат хазинани тўлдириш учун ички манбалардан кўпроқ фойдаланишга, чунончи маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқлар ҳажмини оширишга мажбур бўлди.

Натижада маҳаллий савдогарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар, айниқса, деҳқон ва чорвадорлардан олинадиган солиқлар бир неча бараварга ошди. Солиқларни тўлай олмаганлар мол-мулки, ер-сувидан маҳрум этила бошлади. Натижада аҳоли тирикчилик мақсадида турар-жойларини ташлаб, янги даромад манбаларини излашга мажбур бўлди. Ички миграция жараёни кучайди. Айримлар эса, қорин тўйдириш мақсадида турли қароқчи тўдаларга қўшила бошладилар. Кейинчалик бу ҳаракатга мадрасани битириб тайинли иш тополмаган ёшлар, сунний уламолар томонидан қаттиқ қаршиликка учраган шиа тарафдорлари вакиллари ҳам қўшилди.

Талончилик билан шуғулланаётган гуруҳларга қарши ҳукумат қарорлари бу қарама-қаршиликни янада кучайтирди. Жалолийлар ҳаракати Амасия, Ёзгат, Адияман, Сивас сингари вилоятларга ҳам ёйилди.

1526 йилда Сафавийларнинг моддий ва ҳарбий ёрдами натижасида юзага келган Қаландар Чалабий бошчилигидаги Жалолийлар исёни Султон Сулаймоннинг бош вазир Парғали Иброҳим пошо томонидан бостирилди. Бироқ, бу ҳаракат тағ-туғи билан йўқолиб кетмади. Ёвуз Султон Салим II, Султон Мурад III ва Султон Меҳмет III даврида ҳам турли танаффуслар билан давом этди.

Султон Меҳмет III нинг кутилмаган ўлиmidан сўнг, Султон Аҳмет тахт тепасига келган пайтда Усманийлар давлати аскарлари Онадўли ҳудудида Жалолийлар билан муттасил кураш олиб бораётганди. Айни пайтда ташқи фронтда Австрия қироли билан уруш ҳолатида бўлган Усманийлар учун Жалолийлар жуда катта хавф уйғотарди. Шу боис, Султон Аҳмет салтанат аъёнларини тўплаб, Жалолийларга қарши кураш чораларини янада кучайтириш юзасидан кенгаш ўтказди.

Ёш Султон Аҳмет 1606 йилда тобора кучайиб бораётган Жалолийлар билан келишишдан бошқа чора йўқлигини тушуниб етди. Ўша йили у Жалолийлар гуруҳларидан бири Дели Ҳасанни ёнига чақириб, унга пошо унвонини берди, шу билан бирга уни Босния Бекларбеги этиб тайинлади. Аммо, Султоннинг бу ҳаракати унинг ўзига қимматга тушди. Бошқа Жалолий саркардалари бундан янада кўпроқ журъат ва жасорат олиш-

ди. Тавил Аҳмад, Жонгўлатўғли, Қаландарўғли сингари Жалолий сардорлари ўз ҳудудларини Усмонийлардан мустақил тарзда талончилик билан бошқара бошладилар. Бу эса, ички миграция жараёнини янада кучайтирди.

*1606 йилги Жалолийлар қўзғолони бостиришда Султон Аҳмет вазири аъзам этиб тайинлаган Дарвиш Меҳмет пошо жуда катта жонбозлик кўрсатди. Жалолийларнинг катта қисми қиличдан ўтказилди. Бир қисми асир олинди, пойтахтга келтирилди. Шундан сўнг маълум муддат мамлакатнинг турли ҳудудларида Жалолийлар исёнлари тўхтаб турди.*

1658 йилда яна Усмонийлар Жалолий қароқчилари раҳбарлари билан музокара олиб боришга мажбур бўлишди. Ҳақиқатан ҳам 1658 йил Меҳмет IV ҳукмронлиги даврида Жалолийлар сардори Абза Ҳасан пошо унвони билан юқори давлат мансабига ўтқазилди. Шу тариқа Жалолийлар ҳаракати секин-аста барҳам топди.

## **ХАНДОН СУЛТОН ВА ДАРВИШ ПОШО**

*Х*андон Султон ўғли ҳукмронлик қилган илк икки йилда амалда ҳукуматни шахсан ўзи бошқаргани кўпгина ҳужжатларда қайд қилинади. Бироқ, у билан бирга ҳукмдор-

нинг атрофида бир қанча амалдорлар ҳам давлат бошқарувида ўз таъсирини кўрсатгани ҳам ҳақиқат. Улардан бири албатта Дарвиш Меҳмет пошо эди.

Лоло Меҳмет пошодан кейин вазири аъзамлик мақомини қўлга киритган Дарвиш пошонинг ваколатлари янада кенгайди. Ёш султоннинг яқин мулозимини сифатида мамлакат миқёсида ўзининг қудратини ҳам янада мустаҳкамлаб олди, кўпроқ ваколатларга эга бўлди.

Айрим тарихчиларнинг ёзишича, собиқ вазири аъзамдан қолган меросни адолат билан тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олиш учун Султондан рухсат сўраган. Албатта, марҳум вазири аъзамдан озмунча сарват қолмаганди. У Султонга ушбу мулкнинг бир қисмини ҳарбий харажатларга ишлатиб, қолганини марҳумнинг етим қолган фарзандларига бўлиб беришини айтган. Аммо, марҳумнинг яқинлари бу меросдан бир чақа ҳам олишолмаган. Натижада марҳумнинг яқинлари бу ҳақда Султон Аҳметга арз қилишган. Султон бунинг боисини Меҳмет пошодан сўраганида у ҳарбий харажатлар ҳаддан ташқари ошиб кетгани, қўшин танг аҳволда қолгани учун сарватнинг ҳаммасини сарфлашга мажбур бўлганини баён қилган...

Дарвиш Меҳмет пошо ҳақида шунга ўхшаш хилма-хил маълумотлар етиб келган. Уларнинг баъзиларида Дарвиш пошо ва Волидаи Султон ўртасидаги муносабатларга бироз ойдинлик киритилади.

Дарвишнинг Волидаи Султон Хандон бегим билан муносабатлари ўта баҳсталаб. Айрим ба-

дий асарларда, фильмларда гўёки бу икки та-  
рихий шахс ўртасида романтик ишқий муно-  
сабатлар мавжуд бўлгани ҳақида гапирилади.  
Ўша давр нуқтаи назаридан олиб қаралганда,  
расмий мақомга эга бўлган ҳеч бир амалдор  
марҳум султоннинг аёли, тахтдаги ҳукмдор-  
нинг волидаси, шу билан бирга давлат бошқар-  
увида жуда катта мавқе касб этган малика  
билан бундай муносабатда бўлишга журъат  
қилолмаган бўларди. Қолаверса, Султон саройи-  
даги ҳар бир янгиликни қулоқлари динг бўлиб  
тинглайдиган европалик элчилар бу ҳақда ха-  
бар топганларида оламга жар солган бўлишар-  
ди. Ҳар қалай, на турк манбаларида, на евро-  
палик дипломатларнинг ёзишмаларида бундай  
ишқий муносабатларга ишора қиладиган би-  
рорта маълумот учрамайди.

Фақат шуниси аниқки, Хандон Султон умри-  
нинг охирига қадар ўғли воситасида давлат  
бошқарувига ўз таъсирини ўтказиб келган.  
Шу билан бирга у Дарвиш пошонинг султон-  
дан узоқроқ бўлишини истаган. Эҳтимол, бунга  
яна бир сабаб Дарвиш пошонинг, кўплаб ёзма  
манбаларда келтирилганидек, ўта қаттиққўл ва  
маккор шахс бўлганидир. Балки Хандон Султон  
бу мураккаб табиатли амалдор ўз ўғлига бирор  
зарар етказишидан қўрққандир? Ёки тажриба-  
сиз ўғли номидан ҳукуматни бошқариб турган  
маликага алақайси пошонинг давлат ишларига  
фаол аралашуви ёқмагандир? Бу ёғи бизга қор-  
онғи.

Аmmo бир муддат онасининг кўрсатмаси билан  
Султон Дарвиш пошони саройдан узоқлашти-



ришга ҳам мушарраф бўлади. Аммо ҳижрий 1014 йил ражаб ойининг биринчи куни (1605 йил 12 ноябрь) кутилмаганда Хандон Султон қисқа вақт давом этган хасталик натижасида вафот этади. Бу пайтда малика ўттиздан энди-гина ошган эди.

Унинг ўлими ҳақидаги тахминлар ҳам турли-туман. Айрим тарихчилар Султон хонимнинг ўз ажали билан, ошқозон хасталиги сабабли ўлган деган фикрни илгари сурадилар. Кенг тарқалган тахминлардан яна бири бу маликанинг кундоши Ҳалима Султон томонидан заҳарланиши ҳақидадир. Албатта, бу фараз ҳақиқатдан йироқ эмас. Чунки, барча маликалар сингари Хандон ҳам, Ҳалима ҳам ўз жигарбандлари учун ҳар қандай мушкул ишга, ҳар қандай қабиҳликка тайёр эдилар. Хандоннинг асосий мақсади ўғлининг тахтдаги бардавомлигини таъминлаш бўлса, Ҳалима қандай бўлмасин, фурсат топиб, ўғлини тахтга ўтқазишни истарди.

Хандон ўз ўғлини рақиби шаҳзода Мустафони қатл этишга бир неча бор кўндирмоқчи бўлади. Аммо, унинг барча уринишлари беҳуда кетган. Бошқа тахт ворисларига нисбатан бир мунча юмшоқ кўнгиллиги билан ажралиб турган Аҳмет ўз укасининг қотилига айланиб, халқнинг тавқи лаънатига учрашни умуман истамасди. Кундошининг бу борадаги хатти-ҳаракатларидан Ҳалиманинг беҳабар қолиши ҳам мумкин эмасди. Шу боис, қандай бўлмасин, ўғлининг бошидаги бу улкан хатарни бартараф этишни истарди. Қайсидир йўл билан ўз мақсадига эришган бў-

лиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки, ўша пайтларда, айниқса, саройларда сирли ўлимлар одат тусини олган. Айниқса, тиббий экспертиза деярли мавжуд бўлмаган бир шароитда марҳумнинг заҳарланганини исботлаш мумкин эмасди. Бундан усталик билан фойдаланган Ҳалима Султон ўз рақибасидан шу тариқа қутулган бўлиши тахмини ноўрин эмас.

Хандоннинг ўлимига алоқадорликда гумон қилинган шахслардан яна бири, шубҳасиз, Сафия Султон эди. Невараси тахтга ўтирар-ўтирмас, келини томонидан Эски саройга сургун қилинган кекса маликанинг Хандонга адовати чексиз эди. У саройдан кўч-кўронини йиғиштириб кетаркан, келинининг шаънига куракда турмайдиган қарғишлар, лаънатлар ёғдиргани ҳам тарихдан маълум. Ўз даврида жуда катта сиёсий мавқега эга бўлган Сафия Султонга табиийки, Эски саройдаги рангсиз, зерикарли ҳаёт ёқмасди. Уни бундай қисматга дучор қилган рақибасидан ўч олишни хаёл қилмаган бўлиши мумкин эмас.

Хандон Султоннинг ўлимига ҳатто султоннинг суюкли хотини Кўсем Султонни сабаб қилиб кўрсатувчилар ҳам учрайди. Тезроқ ҳарам ва салтанатдаги биринчи хоним бўлиш истаги Кўсемни бу ишга мажбур қилган бўлиши мумкиндир. Аммо, ҳарамга кирганига эндигина бир йил бўлган 15 ёшли маликанинг бундай жиддий, хатарли ва айни дамда мудҳиш қотилликка қўл уришини тасаввур қилиш қийин. Қолаверса, кўпгина манбаларда Кўсем Султон наинки ўз фарзандлари, ҳатто кундошларининг фарзанд-

ларига ҳам меҳр-муҳаббат билан қарагани зикр қилинади. Шундан келиб чиқсак, Кўсемнинг бу жинойтга дахлдорлигига унчалик ишонгимиз келмайди.

Хандон Султон ўз жонига қасд қилган, деган фаразларга ҳам ишониш қийин. Чунки, Хандон Султон ўта тақводор, шариат қонун-қоидаларига қатъий амал қиладиган аёл эди. У ўз даромадининг катта қисмини хайрия ишларига сарфларди. У толиби илмлар ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилиш билан шуғулланадиган икки вақф (фонд) ташкил қилгани ҳам бор гап. Ана шундай покиза, тақводор аёлнинг ўз жонига қасд қилиши ўзи эътиқод қилган дин талабларига мутлақо зиддир. Қуръони каримда ўз жонига қасд қилишдан қайтарувчи бир қанча оятлар, шунингдек, кўплаб шарафли ҳадислар мавжуд. Шундай экан, маликанинг ўз жонига қасд қилган бўлиши ҳақиқатдан анча йироқ.

Бошқа бир гуруҳ тарихчилар ўғлининг тақдиридан муттасил хавотирда яшаган малика ёшлигидаёқ хасталикка чалиниб вафот қилган бўлиши мумкинлигини айтишади. Хуллас, нима бўлганда ҳам, Хандон Султон умрининг энг кучга тўлган, сермаҳсул даврида, қалби орзу-ҳавасларга лиммо-лим бўлган бир вақтда дунё билан видолашди.

Онасининг вафоти 15 ёшли Султонни қаттиқ қайғуга солиб қўйганди. Маликанинг жанозаси Истамбулдаги муаззам Аё София масжидида ўқилди, унга ҳурмат кўрсатилди, жасади эри Султон Меҳмет III нинг даҳмасига қўйилди. Во-

лидаи Султоннинг ўлими муносабати билан бутун мамлакатда жуда катта эҳсонлар берилди, садақалар тарқатилди.

Султон волидасининг ўлиmidан жуда қаттиқ мотамга чўмганди. У бир неча кун ўз ҳужрасига қамалиб, давлат ишларига аралашмай қўйди. Унинг кўзига наинки Тўпқопи саройи, балки бутун Истамбул тор кўриниб қолганди. Шу боис бу ғам-қайғуни унутиш мақсадида бир муддат пойтахтни тарк этиш қарорига келди. Кун совуқлиги, денгизда довул турганига қарамай, Султон Истамбул тахтини Дарвиш пошога топшириб, саноқли мулозимлари билан кемага миниб, Бурсага йўл олди. Етти кун шу ерда дам олиб, сал кучга тўлгач, янги шиддат ва қатъият билан пойтахтга қайтди.

Ёш султон учун онасининг ўлиmidан сўнг саройда севикли аёли Кўсем ва Дарвиш пошодан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Бир пайтлар Волидаи Султон Дарвишни ўғлидан узоқлаштиришга уриниб келган бўлса, энди пошо ва Султоннинг яқинлигига тўсқинлик қиладиган бирор куч қолмаганди саройда.

Кўп ўтмай, Дарвиш пошо саройдаги энг юксак мансаб – вазири аъзам мақомини эгаллади. Ярим йил мобайнида у салтанатда беармон от ўйнатиб, кўнглига келган ишни қилди. Аммо, бу мансабда у олти ойга яқин ўтира олди, холос. Манбаларда Дарвишнинг ўлими билан боғлиқ ушбу воқеа ҳикоя қилинади.

...Дарвиш пошо султон саройи яқинида муҳташам меҳмонхона қурилишини бошлаб юборган,

қурилиш ишларига бир ғайридин устани саркор этиб тайинлаган эди. Меҳмонхона ўша замон меъмorchилигининг энг юксак ютуқларини ўзида мужассам этганди. Фақат тўлов масаласига келганда, Дарвиш пошо бироз қурумсоқлик қилди. Меҳмонхона қурилишидаги асосий харажатлар саркорнинг зиммасига тушган, аммо дарвиш пошо бу харажатларни тўлашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Саркор Дарвиш пошонинг ҳузурига бир неча маротаба ўз пулларини сўраб келди. Пул масаласида ўта пишиқ, хасислиги билан ном таратган Дарвиш пошо қарзини тўлаш ўрнига саркорга ўдағайлаб келди:

– Менга қара, эй, ғайридин! Сен бир мусулмон мамлакатада эмин-эркин яшаб, ҳад-ҳисобсиз бойлик тўплаганингга шукур қилиш ўрнига мендан, кимсан вазири аъзамдан арзимаган пулингни сўраб келдингми? Истасам, бир кунда сени хонавайрон қилиб, мол-мулкингни давлат ихтиёрига ўтказаман. Ўзингни зиндонга ташлаб, болаларингни қул қиламан, тушундингми?

Саркор ҳеч нарса демай, вазири аъзамнинг ҳузуридан чиқди. Аммо, унинг миясида ўша ондаёқ бир шум ният пишиб етила бошлаганди. Ўша кунийёқ ўзига тегишли одамларни чақиртириб, Истамбулнинг кўча ва бозорларида шундай мазмундаги шов-шув тарқатишни буюрди:

– Вазири аъзам Дарвиш пошо қандай бўлмасин Султон Аҳмет хон ҳазратларига суиқасд уюштириб, тахтга унинг ўрнига шаҳзода Мустафони ўтқазиб ниятида юрибди. Бунинг учун уянги қурилган меҳмонхонадан Султон қарор-

гоҳига олиб чиқадиган ер ости йўлаги кавлата-ётган экан...

У пайтларда бундай хабарлар яшин тезлигида тарқалар, шаҳарнинг ҳар ерида изғиб юрган ай-фоқчилар Султон ва унинг яқинларига тегишли ҳар қандай хабарларни зудлик билан “тегишли жой”га етказиб боришарди.

Саройда ҳам Дарвиш пошонинг оёғи остида чоҳ қазиб юрган кимсалар оз эмасди. Улар учун бундай шов-шувлар айни муддао эди. Улар бу миш-мишни роса бўрттириб, Султонга етказишди ва бошқаларга ибрат учун Дарвиш пошони қатл этишни талаб қилишди.

*Султон Аҳмет 16 ёшли, тажрибасиз, ҳали сарой фитналарига тўла ақли етмайдиган ўспирин эди. Қолаверса, ҳар қадамда унга маслаҳат бериб турадиган онаси ҳам бу дунёни тарк этиб улгурганди. Қайсидир маънода Султон кимнинг измига юришни билмай қолганди. Албатта, бир қанча вазирлар, пошолар бир кишининг ўлимини талаб қилиб турганда, ёлғиз боши билан кўпчиликка қарши чиқолмасди. Шу боис, гайридин саркор тарқатган миш-мишнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини суриштириб ҳам ўтирмасдан, девон мажлисининг талаби билан Дарвиш пошони қатл этиш ҳақидаги фармонга имзо чекди.*



1606 йили 9 декабрда Султоннинг таклифига биноан Тўпқопи саройига келган Дарвиш пошо ўз устидан чиқарилган фармони олийдан беҳабар эди. У шахзодалар таълим бериладиган муаллимлар хонасида Султоннинг қабулига кириш учун фурсат кутаётган бир пайтда бир тўда соқчилар хонага бостириб киришди-ю, вазири аъзамнинг бўйнига сиртмоқ солишди...

## МАҲМУД ХУДОЙНИНГ КАРОМАТЛАРИ

[t.me/armkutubxonasi](http://t.me/armkutubxonasi)

*Ш*арқ ҳукмдорлари одатда бирор диний раҳнамонинг этагидан тутиб, ўз фаолияти давомида унинг кўрсатмаларига изчил амал қилишган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур бутун умри давомида устози ва пири Мир Саййид Баракага ихлос қўйган, ҳар бир ишда у билан маслаҳатлашган. Ҳатто умрининг охирида ўзини пирининг оёқ томонига дафн қилишларини васият қилган.

Шунингдек, Мирзо Бобур ва бошқа кўплаб темурий ҳукмдорларнинг Хожа Аҳрор Валийга бўлган юксак эҳтироми ҳам манбаларда ҳурмат билан тилга олинади. Усмоний Султонлар ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Султон Аҳмет ҳукмдорлик йиллари Истамбулда яшаб ўтган етук мутасаввуф ва авлиё Шайх Маҳмуд Худойй яшаган даврга тўғри келади. Султон Аҳмет ҳам, Кўсем ҳам бу буюк валийга жуда катта ихлос ва эҳтиром билан қараганлар. Шу боис, биз ҳам Шайх Азиз Маҳмуд Худойй ҳазратлари хусусида тўхталиб ўтишни маъқул топдик.

Азиз Маҳмуд Худойй 1541 йилда Анқара яқинидаги Шарафликўчҳисор қасабасида таваллуд топган. Шу ерда бошланғич таълимни олган Азиз Маҳмуд таҳсилни давом эттириш учун Истамбулга келган. Бу ерда машҳур олим ва мударрис Рамазон афандидан диний сабоқларни ўзлаштирган. Кейин Рамазон афанди Миср ва Шомга қозикалон этиб тайинлангач, устози билан Қоҳирага кетади. Бу ерда шариат қонунлари билан яхши танишиб улгургач, Бурсага қайтиб, мударрислик қилади. Кейин ушбу шаҳарга қози этиб тайинланади. Кўп ўтмай, Азиз Маҳмуднинг обрў-эътибори, шон-шавкати юксалиб кетади.

Худди ўша пайтларда Бурсада тариқат шайхларидан бири Уфтода ҳазратларининг кароматлари ҳамма ёққа овоза бўлганди. Ҳазрати Уфтодага чиндидан ихлос қилган қози унинг ҳузурига юкиниб боради. Шунда Ҳазрати Уфтода:

*– Сен борлиқнинг вакилисан, биз эса йўқликнинг бандасимиз. Иккимиз бир жойда бўлишимиз мумкинми? Сенинг мансабинг, мол-мулкинг, обрў-эътиборинг, ҳовли-ҳараминг бор. Бизнинг эса, Ҳақ таоло ишқидан бўлак бирор бойлигимиз йўқ. Шу боис, вақтингни йўқотмасдан ортингга қайтавер, – дедилар.*

Бу сўзлардан қаттиқ таъсирланган Азиз Маҳмуд бутун борлиғидан кечиб, ҳазратга мурид бўлишга розилигини билдирди. Шунда Ҳазрати Уфтода унга қозиликни ташлаб, Бурса бозорла-



рида жигар сотишни буюрдилар. Аввалига бу топшириқ Азиз Маҳмудга ғалати туюлди. Аммо, кейин ҳазратнинг амрига бўйсуниб, бозорларда, кўча-кўйларда “кеп қолинг, жигар сотаман” деб бақир-чақир қилганча, жигар сота бошлади. Унинг бу қилиғини кўрган одамлар “қози ақлдан озибди” деб ундан юз ўгиришди.

Маҳмуд Худойнинг муридлик даврига оид яна бир ривоят оғиздан-оғизга ўтиб келади.

Азиз Маҳмуд Уфтода ҳазратларига мурид тушган кезларида ҳар куни эрталаб устозига таҳорат учун сув қиздириб берарди. Кунларнинг бирида у вақтида туролмай қолди. Дарҳол ўрнидан туриб, обдастани қўлига олган пайтида Бомдод азони эшитилди. Бу пайтда одатда устоз дарҳол кийиниб масжидга йўл оларди.

Мурид шошиб қолганди. Қўлидаги сув тўла обдастани бағрига босганча пушаймонликдан куйиб-ёниб тураверди. Шу пайтда пир хобгоҳидан чиқиб, сув сўради. Мурид қўрқа-писа обдастани унинг қўлига тутқазди. Уфтода ҳазратлари сув билан энди қўл чаймоқчи бўлганларида, сувнинг ҳароратидан ҳушёр тортдилар.

– Бу сувни қаерда иситдинг? – деб сўрадилар ва жавобни кутмай давом этдилар. – Бу сув оддий олов билан қизитилганга ўхшамайди. Уни сен қалб оташи билан иситибсан. Демак, юрагингда илоҳий ишқ аланга олибди. Худди шу ерда бизнинг устоз ва шогирдligимиз тугади. Сен пишиб етилибсан. Энди сенга ўргатадиган ҳеч нарсамиз қолмади. Сен ўз юртингга қайтиб инсонларни иймон ва эътиқодга чорлашинг,

уларга сабоқ беришинг, халқни ортингдан эргаштиришинг мумкин.

Устознинг хайр-дуосини олган Азиз Маҳмуд киндик қони томган Шарафликўчҳисорга йўл олди. Аммо, у ерда олти ой тургач, яна устозини соғиниб, устозига эҳтиёж сезиб ортига, Бурсага қайтишга мажбур бўлди.

Бу пайтда устоз анча қариб, мункиллаб қолганди. Азиз Маҳмуд ул зотга сидқидилдан хизмат қилиб, устозининг розилигини олди. Эртаю кеч устозининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турди. Ҳазрати Уфтода ўлим олдидан садоқатли шогирдларини “илоҳо, ҳамиша подшоҳлар сенинг ортингдан юрсин” деб дуо қилган эканлар.

Не ажабки, устознинг бу дуоси шаксиз Яратган ҳузурида қабул бўлди. У бутун умри давомида жуда кўп Усманий султонларини кўрди. Султон Салим, Мурод III, Меҳмет III, Аҳмет, Усмон II, Мустафо, Мурод IV сингари ҳукмдорлар уни ўзларига пир, устоз деб билдилар. Чиндан ҳам не-не султонлар унинг ҳузурига бош эгиб келди, унинг ортидан ихлос билан қадам ташлади, устознинг маслаҳатларига амал қилди.

Кейинчалик Истамбулда ташландиқ бир ерни сотиб олган Азиз Маҳмуд Худойи бу ерда маҳсус даргоҳ қурдирди. Бу ерга шайхдан илм ўрганиш, унинг дуосини олиш мақсадида мамлакатнинг турли бурчакларидан одамлар оқиб кела бошлашди. Шайхнинг даргоҳи “Доруломон”, яъни омонлик уйи деб аталар, бу ерга ўз айби ва гуноҳларига чин дилдан иқрор бўлиб келган ҳар қандай осий банда ҳам бошпана топа оларди. Шайх Маҳмуд шу ерда ўзининг Жалватия

тариқатига асос солиб, издошларини тенгликка, сабр-қаноатга, илм-маърифатга, инсонийликка, яхшилик ва эзгуликка бошлаб келди.

Унинг турли кароматлари бутун мамлакатнинг чор тарафида шуҳрат ёйди. Ривоятларга кўра, бир ғайридин шайхнинг жонига қасд қилиб, уни ўлдириш учун бел боғлади. Эртаю кеч унинг ортидан юриб, қулай фурсатни пойлай бошлади. Шайх валийлик каромати орқали бу сирдан воқиф бўлса-да, исталган пайтда издошларига айтиб, ҳалиги ғайридинни йўқ қилиш имконига эга бўлса-да, унга индамади, бу ҳолатни бошқаларга ҳам сездирмади. Бир куни шайх бир хилват кўчага кирганида, ҳалиги кимса дарҳол унинг йўлини тўсиб чиқди.

– Эй шайх, ёлғон кароматларинг билан қачонгача одамларни алдаб кун кўрасан? Мен сенинг Азроилингман. Қани, агар шай бўлсанг, кароматингни кўрсат ва ўз жонингни қутқариб қол.

Азиз Маҳмуд Худойй бу ҳолдан заррача чўчи-мади. Ҳалиги ғайридинга синиқ табассум билан қараб тураверди. Кейин мулойим овозда сўради:

– Ўғлим, менинг жоним бутун Еру осмонларнинг Парвардигори инон-ихтиёридадур. Қачон сўраса, ўша онда беришга розиман. Лекин бунда сен сабабчи бўлиб, гуноҳга ботишингни истамайман, қани бери кел...

Ғайридин иккиланиб шайхга яқинлашди:

– Менинг ўнг енгим ичига назар сол-чи, нимани кўряпсан?

Ғайридин шайхнинг ўнг енги ичига кўз ташлаб, таажжубдан лол қолди.

– Эй шайх, бу ерда сенинг мевалари фарқ пишиб турган, мислсиз бир гўзал боғда, олтин сўриларда хушҳол ўтирганингни кўряпман.

Шайх мамнун бош ирғади.

– Жуда, маъқул, ўғлим. Энди мана бу ерга қара-чи. – У шундай дея ғайридинга ўзининг чап енгини кўрсатди. Ғайридин енг ичига бир зум қараб турди-да, кейин оҳ солиб ерга йиқилди. Бироздан кейин ўзига келиб ўрнидан турди.

– Хўш, сенга нима бўлди? – деб сўради Азиз Маҳмуд.

– Эй, шайх, бу не ҳол, мен сенинг енгингда ўзимни улкан оловдан жизғанақ бўлиб қуяётганимни кўриб, қўрқувдан ўзимни йўқотдим.

– Сен жаннат ва жаҳаннамни кўрдинг, – дедилар Маҳмуд Худойи ҳазратлари. – Агар сен мени ўлдирганингда, иккимиз худди шу ҳолга тушган бўламиз. Бу ёғига нима қилишни ўзинг танла.

Шунда ҳалиги гумроҳ шу заҳоти ўзини шайхнинг оёқлари остига ташлаб, тавба қилди...

Ўз даврининг кўплаб пошолари, амалдорлари, маликалари Азиз Маҳмуд Худойига иззат-икром кўрсатиб, унинг даргоҳига совға-саломлар, озиқ-овқатлар юбориб туришган. Шайх бу бойликларга кўз қирини ҳам ташламас, уларнинг барини ўз даргоҳидаги етим-есирларга, фақирларга, муҳтожларга тарқатар экан.

Айниқса, Султон Аҳмет унга айрича меҳр қўйганди. Ҳатто бир гал яничарлар Султон Аҳметга қарши исён кўтарганда, Султоннинг тахтдан ағдарилиши аниқ бўлиб турган пайтда ҳам Азиз Маҳмуд Худойи етиб келиб, халққа жуда ифода-

ли, мазмунли маъруза ўқиган, унинг сўзларидан таъсирланган яничарлар қиличларини қинга солиб, ортга чекинган эдилар.

Ривоятларга кўра, шайхнинг турли кароматлари ҳақида эшитган Кўсем Султон кунларнинг бирида шу буюк зотнинг даргоҳига бориб, ундан дуо олиб қайтиш учун Султондан рухсат сўради. Султон бу зиёратга унинг ўзи ҳам бормоқчи эканини айтди. Шу тариқа малика билан Султон ёнма-ён Азиз Маҳмуд ёнига йўл олдилар.

Бу пайтда Азиз Маҳмуд Худойй қўл ювмоқчи бўлиб турган эди. Шунда Султон дарҳол қўлига обдастани олиб, унинг қўлига сув қуйди, Кўсем унинг қўлига сочиқ тутқазди. Худди шу аснода Султон шайхга юзланди:

– Ҳазрат, сизнинг ҳузурингизга кароматингизни кўриш умидида келдик.

Шайх табассум билан жавоб берди:

– Жаҳоннинг энг қудратли Султони ва унинг энг суюкли хоними мендек бир фақир, гуноҳкор банданинг файзсиз хонадонига келиб унинг қўлига сув қуйиб сочиқ тутиб туришган бўлса, оламда бундан-да ғаройиброқ каромат, бундан ажойиброқ мўъжиза бўлиши мумкинми?..

Дарҳақиқат, шайх Азиз Маҳмуд Худойй ҳазратлари ва у кишининг кароматлари ҳақида қисса ва ривоятлар жуда кўп. У кишидан ўндан ортиқ асарлар, гўзал шеърлар, ғазал ва рубоийлар мерос бўлиб қолган. Биз ул зотнинг шеърларидан бир парча келтириш билан кифоялансак:

*Тутар қўлу оёқ сендин келибдур,  
Кўрар кўзу қулоқ сендин келибдур,*

*Афандим, тил, дудоқ сендин келибдур,  
Не бергансан – шудир, ортиқ нимама бор?*

*Бизим аҳволимиз эй Ҳайю Қайюм,  
Жаноби покингга ҳар жумла маълум.  
Буюрсанг – бўлди, илло қолди маъдум,  
Не бергансан – шудир, ортиқ нимама бор?  
Худойни эриштир сен мурода,  
Сенингдур чунки ҳукм, арзу самода,  
Ахир сендин буюк зот йўқ арода,  
Не бергансан – шудир, ортиқ нимама бор?*

### **СУЛТОН АҲМЕТ – САРКАРДА, ШОИР ВА ОШИҚ**

*Ш*абийки, ўқувчиларимизни Султон Аҳмет ва унинг шахсияти, аслида қандай инсон бўлганлиги, ўзига хос қандай феъл-атворга эга эканлиги қизиқтиради. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ тўхталсак.

Султон Аҳметнинг подшоҳ сифатидаги салоҳияти айнан 1605 йил, онаси Хандон Султоннинг ўлиmidан кейин янада яққол намоён бўла бошлади. Чунки ортда қолган икки йил ёш тахт соҳиби учун анча сабоқ бериб улгурганди.

Отаси, онаси, жигарларидан эрта айрилган ёш султон фақат куч-қудрат, қатъият, қаттиққўллик билангина давлатни бошқариш лозимлигини тушуниб етганди. Дарвиш пошонинг ўлиmidан кейин ўзига, фақат ўз кучи ва ақлига суяниб иш тутиши лозимлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Тарихчилар Султон Аҳмет жуда эрта тахтга ўтиргани ва нисбатан қисқа муддат давлатни бошқарганига қарамай, Усмонийлар салтанатида ўз салоҳияти ва куч-қудратига кўра, Султон Сулаймон Қонунийдан кейинги ўринда турган ҳукмдор сифатида тилга олинади.

Султон Аҳмет тахтга ўтирган пайтда Усмонийлар Австрия қиролиги билан уруш ҳолатида эди. Унинг бошчилигида турк кўшинлари бирин-кетин Пешт, Ҳатван, Вач қалъаларини қўлга олди. Кейинчалик Вишеград, Сент-Томас, Эстергон қалъалари эгалланди. Бироқ йиллар давом этган бу урушлар ҳар икки салтанат учун жуда катта иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни юзага келтирган эди. Шу сабабли 1606 йил 11 ноябрда Усмонийлар подшоҳи Султон Аҳмет ва Австрия герцоги Маттиас (Рудольф II) ўртасида Житваторок сулҳи имзоланди. Ушбу битимга кўра, султон Австрия



герцогини ўзи билан тенг мақомда қабул қилиши, унга “Муқаддас Рим императори” деб мурожаат қилиши лозим эди. Шунингдек, 15 йилдан бери низоли ҳудудлар сифатида қайд қилинган Эгри, Эстергон, Каниже (Надьканижа) қалъалари Усмонийлар ихтиёрига, Рааб ва Комаром қалъалари Австрия тасарруфига ўтиши лозим эди.

Шу пайтга қадар Австрия ўз ихтиёрида қолган Венгрия ерлари учун ҳар йили 30 минг олтин ҳисобидан бож тўлаб келарди. Ушбу битимга кўра тўлов бекор қилинди. Бироқ, герцог капитуляция сифатида турк султониغا 200 минг олтин тўлайдиган бўлди.

*Жаҳон тарихи мутахассисларининг фикрича, ушбу битим дунёни титратган Усмонийлар давлатининг инқирозга юз тутуши даврини бошлаб берди. Чунки бу битим Усмонийларнинг ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий жиҳатдан бир мунча заифлашганини кўрсатиб турарди. Ўша йилдан бошлаб, турклар бошқа бирор бир қўшимча ҳудудни ўз ерларига қўшиб ололмадилар. Аксинча, то салтанатнинг интиҳосига қадар, йилдан-йилга Усмонийларнинг ҳудуди қисқара бошлади.*

Бироқ, ушбу битим Султон Аҳмет учун ташқи ҳужумларни тўхтатиш ҳисобига мамлакат ичидаги вазиятни изга солиш имконини берди.



Мамлакат ичидаги исёнлар, низолар оз бўлса-да, камайди.

Ўша йиллари Эрон Сафавийлари билан давом этиб келаётган низолар ҳам бартараф этилди. Зеро, Султон Аҳметнинг Ереван ва Табризни забт этиш учун қилган ҳарбий юришлари ҳеч қандай наф бермаган, қайтага ўз тасарруфида бўлган, ҳозирги Озарбайжон ҳудудидаги Ширвон, Шамоҳи ва Ганжа шаҳарларини Шоҳ Аббосга бой берганди. 1612 йилда Носух пошо сулҳи деб ном олган битимдан сўнг икки мамлакат ўртасида 9 йилдан бери давом этиб келаётган уруш ҳаракатларига чек қўйилди.

Султон Аҳмет ўз ҳукмдорлиги давомида бир қатор сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ҳам амалга оширди. Чунончи, Султон Меҳмет Фотиҳ жорий қилган салтанатдаги барқарорлик учун тахтга чиқмаган шаҳзодаларни ўлдириш қоидаси бекор қилинди.

Султон Аҳмет қурилиш ва бунёдкорликка ҳам катта эътибор қаратди. Бугун Истамбулга борган ҳар бир сайёҳ албатта унинг қалби бўлган, Истамбулнинг кўрки санаган Султон Аҳмет майдонини бориб кўради. Бу ерда айнан ушбу Султон ташаббуси билан қурилган Султон Аҳмет жоме масжиди савлат тўкиб турибди. Мазкур масжиддан роппа-роса 400 йил, аниқроғи 1617 йил 9 июндан бери зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Маълумотларга кўра, кучли эътиқод соҳиби бўлган Султон Аҳмет масжид қурилиши учун ўз этагида тупроқ ташиган экан. Бу муаззам иморатнинг меъмори Садафкор Меҳмет оға бўлиб, қури-

лиш ишлари саккиз йилга яқин давом этган ва муддат ичида қад ростлаган.

Мазкур масжид қурилиши ҳақида ҳам бир қанча ривоятлар тўқилган. Маълумки, масжид олти қиррали бўлиб, унинг ҳар бир бурчагида биттадан минора ўрин олган. Ўша пайтда бутун ислом дунёсида фақат Маккада, Масжидул-ҳарамдагина олти минора тикланган эди.

Айтишларича, султон меъмор Садафкорни ҳузурига чорлаб, “масжид учун олтин минора қурасан” деб топшириқ беради. Табиатан қулоғи оғирроқ бўлган меъмор “олтин” сўзини “олти” деб эшитади. Натижада олтига баланд минора қад ростлайди. Гарчи, султоннинг тилаги амалга ошмаган бўлса-да, меъморни жазоламайди, аксинча уни мукофотлайди. Чунки, масжид жуда гўзал тарзда иншо этилганди. Фақат биргина муаммо бор эди: Каъбадан бошқа ерда олти минорали масжид йўқ-ку! Минораларнинг сонини Каъбаники билан тенглаштириш унга нисбатан ҳурматсизлик бўлмасмикин?

Уламолар бунинг ҳам чорасини топадилар. Султонга Каъбадаги Масжидул-ҳарамда битта қўшимча минора қурдириб, уларнинг сонини еттигага етказиб қўйишни маслаҳат берадилар. (Маълумки, ўша пайтларда Макка Усманийлар тасарруфида эди). Шу боис, Каъба атрофидаги масжиднинг еттинчи минораси қад ростлайди.

Султон Аҳмет чиндан-да, жуда тақводор, дин аҳкомларига қатъий риоя қиладиган ва бошқаларни ҳам шунга даъват этадиган Султон бўлган. Унинг “Бахтий” тахаллуси билан шеърлар ёзгани ҳам тарихдан яхши маълум. Султоннинг шеър-

ларида, у ёзган ҳар бир мисрада ҳам Яратганга бўлган илоҳий муҳаббат, садоқат ва шукроналик туйғуси акс этиб туради. Мисол тариқасида Султоннинг бир ғазалини келтириб ўтамиз:

*Илоҳо, сендин ўзга маснадим йўқ,  
Ризодан ўзга ё, Раб, ҳожатим йўқ.  
Заифи бекасам, ҳар дамда ё, Раб,  
Ки сендин ўзга рабби мушфиқим йўқ.*

Албатта, Султон Аҳмет ҳам ўз давлат бошқаруви давомида бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйди. Жумладан, ўзига ҳамиша садоқат билан хизмат қилган Дарвиш пошони ҳеч қандай далил-исботсиз, арзирли сабабсиз ўлимга ҳукм қилиши унинг жуда ёш ва тажрибасизлиги маҳсули эди. Йиллар ўтиб бу ҳақиқат унинг қалбида қарор топди. Султон ўз олдига Султон Меҳмет Фотиҳ, Султон Сулаймон Қонуний сингари қудратли подшоҳ бўлишни мақсад қилиб қўйганди. Бу мақсадига маълум маънода эришди ҳам. Аммо, тақдири азалдан берилган борйўғи йигирма олти йиллик умр бу мақсаднинг тўлақонли, қудратли салтанат соҳиби бўлишдек орзунинг амалга ошувига имкон бермади.

## **АСРЛАРНИ ҚАРИТГАН МУҲАББАТ**

**М**уҳаббат ва салтанатни баробар тутган, ҳатто ишқни тож-тахтдан устун қўйган ҳукмдорлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ана шу муҳаббат обидалари сифатида Самарқандда

Соҳибқирон ташаббуси билан қурилган Бибихоним масжидини, Аграда Шоҳжаҳон қурдирган Тожмаҳални ва яна шу каби ўнлаб тарихий ёдгорликларни мисол келтириш мумкин.

Султон Аҳмет ҳам чин маънода ошиқ эди. Шу билан бирга у салтанатни ҳам муҳаббатга алмашадиган ёки ишқ шаробидан сармаст бўладиган даражада иродасиз ва хаёлпараст эмасди.

Кўсемни илк бор кўриб, қалбида унга нисбатан илиқлик туйганида ҳали болалик бекатини тарк этиб улгурмаганди. Унинг қалбидаги севги уруғи ҳам болаликнинг беғубор заминидан униб чиққан, ёшликнинг ҳароратли ҳавосидан баҳра олганди.

Султон Аҳмет жуда тез улғайди. Зотан, унинг кўзи, кўнгли болалигидан салтанатнинг қаттиқ ва шафқатсиз муҳитига кўникиб улгурганди. Бу муҳитда у бир лаҳза бўлсин гафлатга берилиши, ганимларига мурувват кўрсатиши керак эмасди. Салгина бепарволик ёки кўнгилчанлик ўзига, ўзи бошқариб турган салтанатга жуда қимматга тушиши мумкинлигини у яхши биларди.

Рост, у ўзининг ота-боболари каби тахтга кўз тикмаслиги учун қондошларига тиф кўтармади. Умрининг охиригача жигарбанди Мустафони қата этишдан ўзини тийди. Тўғри, саройдаги унга қарши бўлган кучлар – масалан, бувиси Сафия Султон ва ўғай онаси Ҳалима Султонларнинг ҳар бир одимидан хабар олиб турди. Аҳметнинг ҳукмронлик йилларида саройида ва ундан ташқарида ўзига нисбатан бир неча исён ва фитна оловини, зимдан суиқасд қилишга ҳара-

катларни бир неча бор пайқади ва уни ўз вақтида бартараф этди. “Бари бир ота-боболаримнинг йўли тўғри шекилли”, деб укасини бир неча бор қатл эттириш фикрига ҳам борди. Аммо, тахтга ўтирган чоғда аркони давлатга берган тантанали ваъдаси эсига тушиб, ҳар гал бу фикридан қайтди.

Бироқ, шу билан бирга у худди ёш боладек маъсум, мусичадек беғубор сингари сифатларга у қадар муносиб эмасди. Ўрта асрларда салтанат дарахти ҳамиша қон билан суғориб турилгани ҳаммага кундек равшан. Бордию, Султон Аҳмет меҳр-шафқатни ҳаддидан ошириб юборганида, тахт унга вафо қилмаган бўларди.

Масалан, у онасининг йўриғига юриб бўлса-да, олтмишдан ошиб қолган бувисининг оҳу зорига қулоқ осмай, уни Эски саройга сургун қилди. Хиёнатга қўл ургани аниқланган ҳарам хизматчилари, сарой аъёнлари, қўлга тушган исёнчилар ва душман аскарларига шафқат кўрсатмади. Жалолийлар исёни Султоннинг шахсий кўрсатмасига кўра шафқатсизларча бостирилди. Болалигидан тарбия бериб ўстирган устози ва бош вазири Дарвиш пошонинг ҳам гуноҳини сўрамай-нетмай ўлимга ҳукм қилди. Габсбурглар ва Сафавийлар билан бўлган бир қатор жангларга шахсан ўзи бошчилик қилди. Ҳолбуки, айрим турк султонлари салтанатни ҳам, жангларни ҳам саройда туриб бошқарганлари тарихдан маълум.

Аммо, у ҳарамда, ўз хобгоҳида забардаст султон эмас, меҳрибон, олижаноб, ёқимтой йигитга

айланарди. Рост, унинг ҳарамиди юзлаб жориялар навбат кутиб, бир-бири билан ёқалашига тайёр эдилар. Аммо, Кўсем малоҳати, назокати, ақл-фаросати билан Султонни ўзига мафтун этиб улгурганди. Кўсемнинг порлоқ ҳусни олдида атрофдаги ҳамма қиз-жувонлар баайни қуёш нури қаршисидаги шамчироқлар сингари хира тортиб қолишарди.

Ўз навбатида Кўсем ҳам Султоннинг ўзига бўлган муҳаббатидан беҳавотир, кўнгли тўқ эди. Буни Султоннинг ўзи ҳам ҳар оқшом қайта-қайта эътироф этар, “сен хотиржам бўлавер, дунёдаги ҳеч бир аёл сенинг ўрнингни боса олмайди”, дерди. Аммо, бари бир юрагининг аллақасири нигоронлик билан жизиллаб тураверарди.

Тўғри, Аҳмет билан оттирилган тонглаб ўзининг ширин меваларини берар, Кўсем ҳам деярли ҳар йил шаҳзода ва маликаларни дунёга келтираверарди. Аммо, алам қиладигани тўнғич шаҳзодани дунёга келтириш шарафи унга эмас, бошқа бировга насиб этганди.

Қолаверса, ҳарамга ундан сал аввал келиб, аллақачон биринчи шаҳзодани Султонга ҳадя қилган Моҳфирузнинг хатти-ҳаракати, ҳарамда гердайиб юришлари, бошқалар олдида уни очиқ-ошкор масҳара қилишлари Кўсемни қанчалик қонига ташна қилмасин, аммо матонатли малика буни сиртига чиқармас, сир бой бермасди. Ҳарам ичида, айниқса, аёллар қуршовида ҳамини бошини баланд тутиб, ғурур билан юрарди.

Кўсем яна бир нарсадан хавотирда эди. Гарчи Султон Аҳмет тахт учун ўз инисини ўлдиришдан воз кечган бўлса-да, умрининг охи-

рига қадар шу аҳдида туришига кўзи етмасди. Қолаверса, валиаҳд шаҳзода тахтга унинг ўлимидан кейингина чиқади. Янги Султон ҳам худди отасидек йўл тутишига ҳеч ким кафил бўлолмайди. Қолаверса, Султоннинг тепасида Моҳфируздек худбин, такаббур ва қаҳри қаттиқ аёл тураркан, Кўсемга ҳам, унинг болаларига ҳам ҳеч ким шафқат, меҳр-мурувват кўрсатмаслиги аниқ.

Шу сабабли у ҳамиша султон билан ёлғиз қолганида фақат фарзандларининг истиқболи ҳақида сўз очар, қандай бўлмасин, онаизор қалби ила келажақда уларни турфа балолардан сақлаб қолиш учун эридан ваъда олишга тиришар, унда кечаётган бундай қалб оғриғини ҳис қилиш унчалик қийин эмасди.

– Тангри ёзганини бандаси бузолмайди, – дерди Султон Аҳмет оғир хўрсиниб. – Агар ҳаммаси мен истагандек бўлганида қанийди? Тангри бизнинг пешонамизга султонлик қисматини битган экан, мана, тож кийиб юрибман. Ҳолбуки, менинг ўрнимга акам Маҳмуд тахтга ўтириши керак эди... лекин, сен хотиржам бўл, то тирик эканман, сенга ҳам, фарзандларимизга ҳам ҳеч ким заррача ёмонлик қилолмайди...

Бу илиқ ваъдалар Кўсемга омонатгина, вақтинчалик юпанч бағишларди, холос....

Шу тариқа йиллар ўтаверар, Султоннинг болалари ҳам кўпайиб бораверарди. Бошқа жорияларга қасдма-қасд Кўсем Султон Аҳметни кетма-кет фарзанди аржумандлар билан сийлади.

Тарихчилар Кўсем Султоннинг фарзандлари тўғрисида турлича маълумотлар берадилар.

Моҳфируз эса, Кўсемдан фарқли ўлароқ, ҳозирдан ўғлини бўлажак султон, ўзини эса Волидаи Султондек ҳис қиларди. Демак, агар эртага салтанат унинг ўғлига насиб этадиган бўлса, барча ўғиллари аёвсиз қатл этилади, қизлари имкон борича саройдан узоқлатилади. Кўсем эса, омади чопган тақдирдагина Сафия Султон сингари Эски саройнинг бир хилват ҳужрасидан жой олади. Омади юришмай қолганда, у ҳам ҳарам учун одатий бўлиб қолган мавҳум ўлимлардан бирига рўпара қилинади.

Демак, ҳозирдан чорасини кўрмаса, кейин ҳеч нарсани ўзгартиролмай қолади. Кўсем доим шу ҳақда бош қотирар, қандай бўлмасин, ҳийла-найранг, фитна-фасод билан тўлган бу муҳитда ўзини ҳам, болаларини ҳам омон сақлашни ўйлаб юраги қонга тўларди.

Кўсемни замондошлари, айниқса, Истамбулга элчи бўлиб келган европаликлар ўта гўзал, ақлли ва хушмуомала бўлганини ёзиб қолдиришган. Жумладан, Пьетро делла Валле “бу аёлнинг мулойимлиги ва марҳамати гўзаллигидан ҳам устунроқ” деб таъриф берганди.

Ҳа, унинг ҳарамдаги бошқа аёллардан фарқли жиҳати ҳам шунда эди. Меҳр-муҳаббат қаҳр-ғазабдан кўра кўпроқ ишга қодир эканини у яхши биларди. Майли, Моҳфируз ўзича гердайиб, дуч келганга захрини сочиб, қаҳру ғазабини кўрсатиб юраверсин. Кўсем бунақалардан эмас. У ҳаммага, ҳатто душманларига ҳам меҳр ва марҳамат билан муомала қилади.

Шу боис, у нафақат ўз фарзандлари, балки Султон Аҳметнинг ҳарамдаги жорияларидан



туфилган ҳар бир боласига бирдек меҳр-муҳаббат кўрсатишни ўзига одат қилди. Султон Аҳметнинг катта ўғли Усмонни ҳам болалигидан меҳр билан ўстирди. Натижада Усмон Кўсемга ўз онаси Моҳфируздан кўра кўпроқ меҳр қўйди.

Бу эса, Султон Аҳметнинг ҳам Кўсемга нисбатан эҳтироми ва муҳаббатини янада орттирарди. Гоҳида ҳарбий юришлар сабаб пойтахтни тарк этиши билан у Кўсемни соғинар, унга атаб, дардли номалар, ишқ оташига йўғрилган ғазаллар битарди. Мана бу байтлар ҳам Султоннинг қалби ишқ шавқи ила тўлган дамларда битилган бўлса не ажаб...

*Ёрким айласа арзи дийдор  
Ошиқин қалби ўлур пур-анвор,  
Нетти ҳайратда қолиб сарви равон  
Бўстон ичра қилуркан рафтор.*

*Гунчалар рашк ила дилтанг ўлгай  
Гар гулистонда эдарса гуфтор,  
Бахтиё, қанди муқаррар таҳқиқ  
Лабин эммакдур у ёрин такрор.*

Кўсем чекка оролда ўсган, оддий, тўпори қиз бўлса-да, ўзининг гўзал овози билан қўшиқ айтиб, кўпинча Аҳметнинг қалбига ором бахш этар, Султон ҳам ўз навбатида айрилиқ онлари қалби соҳибасининг беҳад гўзал овозига, нозу истиғноларига кўнгли суст кетиб, ўзини қўярга жой топа олмас, тезроқ ҳаммасидан воз кечиш, Истамбул томон от қўйишни истарди.

Гарчи, Султон Аҳмет ўзидан аввалги ва кейинги султонлар каби ўнлаб гўзал паривашлар,

маликалар, жориялар суҳбатидан баҳра олган бўлса-да, ҳеч ким Кўсемчалик қалбини забт этмади. Ўн тўрт йиллик ҳукмронлик пайтида у 22 нафар фарзанд кўрган бўлса, ундан 12 нафарини Кўсем дунёга келтирган. Ўз навбатида Кўсем ўзи севган ва жуда қаттиқ меҳр қўйган инсонининг давомчилари бўлган фарзандлари борлиги билан фахрланар, уларни жуда эъзозларди. Шунданми, Кўсем барча фарзандларини бирдек яхши кўрар, улар улғайиб ҳеч қачон тож-тахт учун бир-бири билан қирпичоқ бўлмаслигини истарди. Болалигида бир-бири билан бекинмачоқ ўйнаб, қиқирлаб ўйнаётган бахтиёр фарзандлари вақти келиб, ўз ҳою ҳаваслари, ё амалпараст кимсаларнинг қутқусига учиб ўзаро душманга айланишлари ёхуд тож-тахт даъвоси билан бир-бирларининг умрларига зомин бўлишлари мумкинлигини у ҳазм қилолмасди. Ўз фарзандлари-ку майли, бир гап бўлар. Аммо, Аҳметнинг бошқа жорияларидан туғилган шаҳзодалари ҳам бор. Уларнинг онаси ҳам тож-тахтга, буюкликка даъвогар, аммо уларни қандай қисмат кутаётганини ҳеч ким билмасди...

\* \* \*

Вақт албатта ўз ишини қилади. Етти иқлимни сўраб турган оламгир фотиҳлар ҳам вақти келиб, ўлим шарбатини сипқорадилар. Доро, Қутайба, Султон Фотиҳларга вафо қилмаган дунё Султон Аҳметга вафо қилармиди? Рост, у ҳам бошқалар сингари ҳаётнинг, тирикликнинг фоний эканини билар, аммо умр шамчироғи бу қа-

дар эрта сўниши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Султон Аҳмет кейинги пайтларда қорин оғриғидан анча азият чека бошлаган, ҳақимлар мунтазам равишда муолажа қилиб турсалар-да, унинг аҳволида деярли ўзгариш сезилмасди. У пайтларда ҳали кўплаб касалликларнинг давоси топилмаган, шу боис қанчадан-қанча инсонлар оддий касалликлар туфайли жуда эрта вафот этишарди.

Замонавий тил билан айтганда, тиф касаллиги ҳам у пайтларда ўта хавфли ва деярли давосиз хасталик саналарди. Айниқса, ҳарбий юришлар пайтида, яшаш учун ноқулай шароитларда бу касаллик тез тарқаларди. Ана шундай сафарларнинг бирида Султон Аҳмет ҳам ушбу мудҳиш хасталикка йўлиқди. Касалликни даволашга қаратилган барча хатти-ҳаракатлар бесамар кетди.

*Милодий 1607 йилнинг 22 нояб-рига ўтар кечаси Усмониёлар салтанатининг 14-ҳукмдори Султон Аҳметхон 27 ёшида ҳаёт билан видолашди. Албатта, ёш ҳукмдорнинг бу қадар эрта вафот этиши кўпчиликни қайгуга солди. Аммо, бу фожиа ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ Кўсемни ларзага солгани аниқ. Чунки у ўн икки йиллик ёстиқдошини фақат қудратли ҳукмдор бўлгани учунгина эмас, вафодор ва садоқатли аёл, умрининг шамчи-*

*роғи сифатида ҳам жонидан ортиқ кўрарди. Шу боис бу айрилиқдан Кўсем ўзини йўқотиб қўйди. Бироқ, минг фарёд солгани билан, ноласи Аршни титратгани билан тақдир ҳукмини ўзгартира олармиди? Бу ёғига у энди олдингидан ҳам кучли, қудратли бўлиши лозим.*

Чунки, энди ортида суянган тоғи, қудратли таянчи йўқ. Рақиблари уни ер билан яксон қилиш учун пайт пойлашяпти. Болалари ҳали ёш. Қолаверса, салтанатнинг шафқатсиз қоидалари уларни ютиб юбораман деб турибди. Шу сабабдан Кўсем умрининг бу ёғига фарзандлари учун, ўзи учун, эрининг хотираси учун куч тўплаши, қаддини тиклаши, ўзини қўлга олиши шарт. Қолаверса, салтанатнинг келгуси тақдири олдида масъулият айна дамда Кўсем зиммасига тушганини бир лаҳза бўлсин, ёддан чиқармаслик керак.

## **ТЕЛБА СУЛТОННИНГ ҚИСМАТИ**

**Т**алакнинг гардиши билан асрий анъаналарга хилоф тарзда жони омон қолган Мустафо учун салтанат эшиклари очилганди. Зотан, марҳум Султон Аҳметнинг ўзи ворислик қонунига ўзгариш ясаган, энди султон вафот этгач унинг ўрнига катта ўғил эмас, балки Усманийлар авлодидан бўлган энг ақлли ва комил шаҳзода тахтга муносиб номзод сифатида танланиши лозим эди.

Қолаверса, йиллар давомидла мушукдек пайт пойлаб келган Ҳалима Султон ва унинг гумашталари учун айни қулай фурсат келганди. Ҳали Кўсем ҳам, тўнғич шаҳзода Усмоннинг онаси Моҳфируз ҳам кутилмаган айрилиқдан эс-ҳушларини тўпламай туриб, сарой аъёнлари шаҳзода Мустафони султон деб эълон қилишди.

Мустафо Усманийлар тарихида икки марта тахтга ўтирган, аммо жуда оз муддат ҳукмронлик қилган султон ҳисобланади. У гарчи тахтга 26 ёшида ўтирган бўлса-да, салтанат учун умуман курашмаган, унинг тинчлиги йўлида ҳеч қандай иш қилмаганди. Бу ишларни у ўзининг ихтиёри билан қилмасди, бундай улкан ва масъулиятли ишга Мустафонинг ақли етмасди. Қолаверса, Мустафо акасининг даврида бутун умр қўрқув ва таҳлика ичида яшади. У салтанатнинг шафқатсиз қонунларидан яхши хабардор, янги ҳукмдор эртами-кечми барибир ўз ака-укаларини ўлдириши мумкинлигидан бутун умр ҳадиксираб юрарди. 19 нафар амакиси ва катта акаси Маҳмуднинг айнан тахт сабабли ўлдирилганини Султон Аҳмет билан бирга кўрган Мустафони тож-тахт ва салтанат умуман қизиқтирмасди.

Бунга яна бир сабаб Султон Аҳмет укасини икки марта ўлимга буюриб, кейин яна ўз аҳдидан қайтган, Мустафо икки бор нақ Азроилнинг чангалидан омон қолгани ҳам ҳар гал кўз юмиши билан қоп-қора кийимли, шафқатсиз ва совуққон жаллодларнинг бўйнига арқон солиб турганини кўрар, кейин дод солиб уйғонарди.

Кечалари сичқоннинг шитирлаши ҳам махфий йўлланган қотилларнинг қадам товушидек эшитиларди унга. Қўрқув, ваҳима, асабийлик, ҳадик унинг доимий йўлдоши эди. Гоҳида бу азобларни унутиш учун пана-панада ичкиликка ҳам бериларди.

Албатта, руҳий изтироблар, уйқусиз тунлар, сурункали талваса ва қўрқув ўз ишини қилмай қўймади. Мустафода сўнгги пайтларда руҳий ўзгаришлар яққол кўзга ташлана бошлаган, у гоҳида қаршисидаги суҳбатдошининг ҳам кимлигини унутиб қўяр, “сен акам йўллаган жаллодсан, мени ўлдирмоқчисан”, дея унга ташланарди.

Шунга қарамай, Ҳалима Султон ўзи ва ўғли учун бундан ҳам мақбулроқ фурсат келмаслигини англаб, дарҳол диний уламолар, нуфузли пошолар ёрдамида ўғлини тахтга ўтқозишга муваффақ бўлди. Аммо у давлатни бошқаришга умуман нолайоқлигини дастлабки пайтлардаёқ намоён эта бошлади. Мустафо умуман давлат ишларига аралашмас, девон мажлисларида қатнашмас, давлат аҳамиятига молик ҳеч қандай қарор қабул қилмас, баъзи ҳолларда хонасига қамалиб олганча, соатлаб бир нуқтага термилиб ўтираверар, ёнига ҳам ҳеч кимни йўлатмасди.

Гоҳида девон мажлисларига уни мажбурлаб олиб чиқишса, вазирларнинг бошидаги қовуқ (махсус шоҳона бош кийим)ларини ечиб, истанган тарафга улоқтирар, юқори рутбали мулозимларнинг соқолидан тортиб қочар, хазинадан ҳовучлаб олтин тангалар олиб, вақти-бемаҳал

Истамбул кўчаларига чиқар, дуч келган одамга олтин тарқатар, баъзида денгиз соҳилига бориб, тангаларни сувга улоқтирарди.

*Халқ томошаларини ёқтирадиган Мустафо гоҳида ўз саройига ҳам кўчадаги саёқ томошачиларни чақириб келтирар, улар ижросидаги ўйинларни завқ билан кузатар, кейин хазинадаги энг қимматбаҳо тошлар, тақинчоқларни уларга ҳады қиларди. Табиийки, бундай аҳмоқона харажатлар салтанатнинг иқтисодиётига ҳам зарба бериши турган гап. Шу сабабли уламолар унинг ақли заифлиги ва султонликка номуносиблиги ҳақида фатво чиқардилар.*

Бу дамларни йиллаб кутган Ҳалима Султон ўғли номидан давлат жиловини қўлга олишга чандон тиришса-да, Халил Домод пошо имкон даражасида унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилса-да, саройда уларга қарши бўлган сиёсий кучлар истаганча топиларди. Айниқса, Султон Аҳметнинг катта ўғли Усмонни тахтга ўтқозишдан манфаатдор бўлганлар.

Султонни ўзининг хос хонасига қамалиб, тахтга Султон Аҳметнинг катта ўғли Усмонни чиқаришди. Султон Мустафонинг биринчи ҳукмронлиги атиги 96 кун давом этди, холос.

**М**оҳфируз Султон узоқ йиллардан бери кутган пайт етиб келганди. Унинг катта фарзанди Усмон ниҳоят буюк сулола тахтига муносиб кўрилди. Унга сулола асосчисининг исми қўйилганди. Шу боис унинг исмига иккинчи сифатини қўшиб атайдиган бўлишди.

Маълумотларга кўра, онаси Моҳфируз у туғилган ондан бошлаб, ўғлини тахтга тайёрлай бошлаган. Ёшлигида сарой муаллимлари унга диний ва дунёвий фанларни чуқур ўргатишган. Араб, форс, шунингдек, лотин, юнон ва италян тилларидан ҳам сабоқ олган.

Усмонийлар тарихида Усмон II нинг бир қатор фарқли жиҳатлари санаб ўтилади. Масалан, ушбу сулола тарихида Султон Фотиҳдан (1451 – 1481) кейин ҳеч ким сарой ташқарисидан уйланмаган. Яъни то шаҳзода тахтга ўтиргунга қадар унинг учун бир қанча жориялар аввалдан тайёрлаб қўйиларди. Умуман олганда, Усмоний ҳукмдорларнинг аксарияти мусулмон бўлмаган жориялардан туғилган ва улғайганидан кейин худди шу тахлитда ўз фарзандларини гайридин жориялардан дунёга келтиришган.

Улардан фарқли ўлароқ Усмон II тахтга ўтириши биланоқ дин пешволаридан бири – шайхул-ислом Асъад Афандининг қизига уйланди. Унинг иккинчи аёли ҳам мусулмон, яъни Партав пошонинг қизи эди.

Табиийки, ҳар бир янги султон тахтга ўтираркан, унинг ортида турган кучлар ўз ғаним-



ларини йўқотиш пайига тушадилар. Усмон II ҳам отаси сингари жуда ёш тахтга ўтирганди. Ва, албатта, давлат бошқарувини қўлга олишдан ожиз эди. Шу боис Моҳфируз Султон ва унинг иттифоқчиси бўлган сарой амалдорлари Ҳалима Султон ва унинг тарафдорларини сиёсатдан четлаштиришга интилдилар. Тахтдан туширилган телба подшоҳ Мустафо уй қамоғига ташланган, унинг онаси Ҳалима Султон Эски саройга бадарға қилинган, улар ишонган вазирлар ҳам бирин-кетин ё ўлдирилар, ё вазифасидан бўшатиладди.

Хуллас, қисқа фурсат ичида сарой аъёнлари мутлақо янгиланди.

Усмон II ҳукмронлиги даврида Усмонийларнинг ташқи сиёсатида у қадар катта ўзгариш кўзга ташланмади. Эрон Сафавийлари билан олиб борилган катта ва кичик урушлар 1618 йилдаги Серав сулҳи натижасида тўхтатилди.

Султон Усмон II бошчилигида ўша йили Польшага қилинган ҳарбий юриш ҳам кутилган натижани бермади. Ҳар икки томоннинг самарасиз урушлари вазиятни ўзгартирмади. Усмон II ва Польша қироли Зигмунд III ўртасида тузилган Хотин сулҳига кўра, турклар поляк ерларига ҳужум қилишни тўхтатадиган, Польша эса аввалгидек Султонга 40 минг дукат олтин тўлашда давом этадиган бўлдилар.

Усмон II нинг даврига келиб, яничарлар ва сипоҳийларнинг марказий ҳукуматга нисбатан норозилик кайфияти янада кучайиб кетди. Ички зиддиятлардан қўрққан Усмон II Сурия ва Мисрдаги турк ҳарбийларидан иборат янги ар-

мияни шакллантиришга ва бўлажак юришларга тайёрлашга фармон берди.

Маълумки, ўтмишда ҳарамдаги аёлларни ҳам, Усманийлар армиясидаги ҳарбийларни ҳам асосан насроний оилаларида туғилиб, кейинчалик мусулмонликни қабул қилган европаликлар ташкил этарди. Усмон эса, сарой аҳли, хусусан, шаҳзодаларнинг фақат мусулмон қизларига уйланишини ёқлаб чиқди. Усмон ўз саркардалари ва аскарларини ҳам фақат мусулмонлардан бўлишини истарди. Бу эса табиийки, келиб чиқishi насроний бўлган ҳарбийларга, яничарларга хуш ёқмади. Алалоқибат яничар ва сипоҳийлар ўртасида султонга қарши исён ҳаракатлари бошланиб кетди.

Ўзига қарши кайфиятни сезган Султон имкон даражасида рақибларини йўқотишга уринди. Ҳалима Султоннинг иттифоқчиси Халил Домот пошони бош вазирлик лавозимидан бўшатди ва бу лавозимни салтанат миқёсида умуман бекор қилди. Кўсемнинг катта ўғли шаҳзода Меҳметни ўз ўрнини эгаллашидан қўрқиб қатл эттирди. Бу қатлда онаси Моҳфирузнинг иштироки борлиги тахмин қилинади. Ўз хонасида бўғиб ўлдирилган ўсмир ўғлининг кутилмаган ўлиmidан эски саройда, сургун дамларида хабар топган Кўсемнинг – онаизорнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Кўсем Моҳфируз билан муттасил адоватда бўлишига қарамай, Султон Аҳметдан сўнг тахт тепасига келиши эҳтимоли баланд бўлган ўғай ўғли Усмонга ўз ўғлидан ҳам кўра кўпроқ меҳр берган, шу тариқа оиласи ва фарзандлари ке-

лажаги хавфсизлигини таъминлашга уринган эди. Аммо у берган меҳр, у кўрсатган муруват жавобсиз қолди. Манбаларда Кўсем Усмон билан маҳофада Истамбул кўчаларини кезиб, фақирларга эҳсонлар улашиб юргани маълум қилинган. Аммо, Усмон вояга етиб, ақлини таниганида Кўсемга ўгай ўғли билан кўришишни тақиқлаб қўйган.



Усмон салтанатининг илк дамларида Кўсемга жуда яхши муомалада бўлгани, унинг шарафига уч кунлаб зиёфатлар бергани айтилади. Аммо, ёш ҳукмдорнинг онаси Моҳфирузнинг қутқуси билан саройдан бадарға қилиниши, кўп ўтмай катта ўғли Меҳметнинг ўлдирилиши Кўсем билан Усмон ўртасида катта жарлик пайдо қилган, шундан кейин қандай бўлмасин, ундан қутулиш йўллари излай бошлаган эди.

Ёш, кези келганда онасининг измидан чиқмай диган Усмон II шу тариқа ўзига ашаддий душман пайдо қилди. Жигарбандининг ўлими Кўсемни янада шафқатсиз қасоскорга айлантирди. Кўсем энди нима қилишни яхши биларди. Султонни кўришга кўзи йўқ яничарлар энди бу “темир хоним”нинг иттифоқчисига айланди.

Ўғлининг тақдиридан типирчилаб қолган Моҳфируз султоннинг сарой аъёнларидан бири Лоло Умар Афандига ёзган мактуби бир қатор манбаларда аслича келтирилади. Айни мактубдан парча келтириб ўтамиз: “...Афанди ҳазратларига аввало салом ва дуолар йўллаймиз. Биздан сўрасангиз, шукурки, тинч ва омонмиз. Арслоним билан кенгаша олдингизми? Яничарлар муаммосини бартараф этишга ҳали эрта бўлса ҳам, лекин гафлатда қолмайлик. Бу даъюсларни қириб ташлаш лозим. Улар қайси журъат билан ўзларини подшоҳ ҳазратларидан устун қўя оладилар? Биласиз, бу ярамаслар маълум муддат раҳматли султонимиз Аҳмет Хон ҳазратларига ҳам итоат қилмадилар. Аммо, марҳум султонимиз уларнинг эсини киритиб қўйгандилар. Ўзи давлатнинг эгаси ким?”

*Арслоним, яъни улуг подшоҳимиз эмасми? Бу даъюс тўдалар ўзларини ҳокими мутлақ сана-шадими? Буни қандай тушуниш мумкин? Дуо қилиб сўрайманки, Парвардигор арслонимнинг давлатини бардавом қилсин...*”

Ушбу мактубдан кўриниб турибдики, Моҳфируз Султон ўғлининг ҳукмронлиги пайтида давлат ишларида фаол қатнашган ва унинг тахтда қолиши учун қаттиқ ҳаракат қилган.

Моҳфируз умрининг сўнгги кунларига қадар, ўғлининг салтанати ва ҳаётини асраб қолиш учун курашди. Аммо, салтанат учун кечаётган қонли кураш пўртанаси уни ҳам ўз домига тортмай қолмади. 1620 йилда, ўғлининг ҳукмронлиги пайтидаёқ у ҳарамда сирли равишда вафот этади. Гарчи Моҳфирузнинг нима сабабдан ўлгани ҳақида бирор тарихий далил бўлмаса-да, ўттиз ёшли маликанинг бу қадар эрта ҳаётдан кўз юмишини шунчаки тасодифга йўйиш қийин. Қолаверса, ёш Султоннинг куракда турмайдиган ислоҳотлари халқни ҳам жонидан тўйдириб юборганди.

1622 йилнинг бошида Султон Усмон II кутилмаганда ҳажга отланади. Гарчи Макка ва Мадина шаҳарлари у пайтларда Усманийлар тасарруфида бўлса-да, шунга қадар ҳали бирор Султон ҳаж сафарини адо қилмаганди. Тўғрироғи, мамлакат ичи ва ташқарисида ҳар лаҳзада юз бериши мумкин бўлган қуроли ҳаракатлар тахт соҳибларини бир неча ойлаб бемалол зиёрат арконларини бажаришларига имкон бермасди.

Ўз яқинларининг тавсияларига қулоқ осмаган Усмон бир қанча мулозимлари билан каттакон карвон қуршовида ҳажга отланди. Мухолифлар худди шу лаҳзани интиқлик билан кутиб келишарди. Бу катта исёнга Ҳалима Султоннинг куёви Қора Довуд пошо ҳам бош қўшганди.

Султон аъёнлари билан пойтахтдан чиқиб, Макка томон кетиб бораркан, ўз бошига тушажак кулфатлардан ҳали беҳабар эди. Хуллас, Исёнчилар саройга бостириб кириб, уй қамоғида ётган собиқ Султон Мустафони қайта тахтга ўтқазиб, унга байъат қилишди. Бундан хабар топган Усмон ёрдам сўраб яничарлар оғаси Али Оғанинг ҳузурига бош уриб борди. Салтанатни қайта қўлга киритса, унга жуда катта лавозим ва имтиёзлар беришга ваъда қилди. Унинг ваъдаларига ишонган Али Оға ўз сафдошларини аврашга уриниб кўрди. Аммо, султон Усмондан алақачон қўлни ювиб қўлтиққа урган яничарлар Али оғанинг сўзларига қулоқ солиб ўтиришмади, ҳатто унинг гапларига қарши чиққанлар ҳам бўлди. Қайтага уни ҳам хоинликда айблаб қиличдан ўтказишди. Ҳимоясиз қолган Султон Усмоннинг яничарларга таслим бўлишдан бошқа чораси қолмаганди.

Яничарлар султоннинг қўл-оёғини боғлаб, хачирга терс миндириб пойтахтга олиб кетишди. Гувоҳларнинг ёзишича, яничарлар йўл-йўлакай бечора Султонни турли усуллар билан таҳқирлашган, устидан кулишган. Буям етмагандек, яничарлардан бири Усмоннинг оёқларига каманд солиб, уни турли қийноқларга солган. Бундай хўрликларга чидолмаган Усмон ёш боладек хўнграб исёнчилардан шафқат сўраган.

Аммо, Усмоннинг ҳукмронлиги даврида жуда кўп азият тортган, эзилган яничарларга шунинг ўзи етарли эмасди. Улар Султонни Истамбул чеккасидаги Еттикула зиндонига ташлашади. Кўп ўтмай Султон шу ерда арқон билан бўғиб ўлдирилади. Ушбу машъум қатлнинг бош ташаббускори, Ҳалиманинг куёви Қора Довуд пошо марҳумнинг қулоғини кесиб, қайнонасига олиб боради. Айтишларича, ўзининг бағритошлиги билан ном чиқарган Ҳалима Султон душманининг қулоқларини кўриб севинчи ичига сифмаган ва куёвига катта ҳадялар инъом қилган.

Салтанатда Султон Усмон II нинг ўлиmidан шодланганлар билан бирга қайғуга тушганлар ҳам кўп эди. Ҳали ўн саккизга тўлмай исёнчилар тарафидан ўлдирилган Султонга атаб марсиялар битилди. Ўша даврда яшаган Нафий тахаллуси билан ижод қилган турк шоири шундай мисраларни ёзганди:

*Ғозий Баҳодир хон эди,  
Олинасаб султон эди,  
Номий-ла Усмон хон эди.  
Шоҳи жаҳона қийдилар.  
Ҳукм этмага қодир экан,  
Ҳукми Ҳаққа нозир экан,  
Ҳаж қилмага ҳозир экан,  
Шоҳи жаҳона қийдилар.  
Эй дил, жигарлар бўлди хун,  
Дардим бир эркан, бўлди ўн,  
Қон йиғлади аҳли фунун,  
Шоҳи жаҳона қийдилар.*

Манбаларда кўпгина тождорлар сингари Султон Усмон II нинг ҳам туркий тилда гўзал мисралар битгани айтилади. Чиндан унинг мана бу мисраларини адабиётга меҳри, иштиёқи бўлмаган, қалбида гўзалликка ташналик уйғонмаган киши ёзолмаслиги аниқ:

*Гулшан ичра битмади бир гунча, ёро хорсиз,  
Дунёда ҳосил эмас, бир навжавон агёрсиз.*

Султон Усмон II сулоланинг энг эрта вафот этган вакили сифатида тарихда қолди. Усмонни Султон Аҳмет мажмуасида, отасининг қабри ёнида дафн қилишди. Ундан уч фарзанд – икки ўғил ва бир қиз қолганди. Унинг иккита ўғли Умар билан Мустафони яна кучга кирган “Фотиҳ Қонунномаси”га асосан, тахтга даъво қилишига йўл қўймаслик мақсадида гўдаклик пайтидаёқ ўлдиришгани ҳақида тарихий манбаларда кўрсатилган бўлмаса-да, бу эҳтимолдан узоқ эмас. Қизи Зайнаб Султоннинг тақдири ҳақида бизгача ҳеч қандай маълумотлар етиб келмаган.

Мустафонинг навбатдаги салтанати ҳам узоқ давом этмади. Зеро, унинг учун тахтнинг, салтанатнинг, ҳукмронликнинг ҳеч қандай қизиғи, аҳамияти йўқ эди. Тўрт йиллик уй қамоғи уни янада кўрқоқ, бепарво, тепса-тебранмас қилиб қўйганди. На салтанатга, на жангу жадалга, на аёлларга майли бўлмаган султонга, табиийки, мусулмон оламидаги энг катта салтанат ва одамлар тақдирини ишониб бўлмасди.

Қолаверса, Султон Мустафо васвос касалига чалиниб қолганди. Унинг кўзига ҳар куни кечқу-



рун марҳум жияни Султон Усмои II нинг арвоҳи кўрина бошлади. Гарчи Усмоининг ўлимида Султон Мустафонинг заррача айби ва заррача қўли бўлмаса-да, марҳум ҳукмдорнинг руҳи ҳар куни уни таъқиб этар, тушларига кириб чиқар, ундан дарҳол тахтни бўшатишни талаб этиб, бўйнига сиртмоқ соларди.

Охир-оқибат Мустафо тахтни эгаллашга ҳам кўрқиб қолди. Тахтга ўтириши билан унинг қаршисида марҳум жияни намоён бўлаверар, уни тинч қўймасди. Ҳалима ва унинг саройдаги энг яқин ҳамкори ва куёви Қора Довуд пошо имкон қадар Султоннинг нуқсонларини яширишга уринишар, мулозимлар ва халққа Мустафони соппа-соғ, бардам-бақувват, қудратли ҳукмдор сиймосида кўрсатишга уринишарди. Кўча ва бозорларда Султоннинг ғайриоддий хусусиятлари, унинг ўзини тутиши ва айни дамдаги аҳволи ҳақида турли латифалар, миш-мишлар тарқатишарди. Ана шундай «уйдирма»ларнинг бирида айтилишича, гўеки Султон Мустафо ўзининг сеҳрли нигоҳлари билан ҳатто арслонни ҳам қулата олармиш. Дунёдаги ҳеч бир қудратли душман унга тенг келолмасмиш. Унинг кўзига тик қараган ҳар қандай одам жойида тош қотиб, айтадиган гапини ҳам йўқотармиш. Ўша пайтларда Султон Мустафони авлиё сифатида танийдилар, дегувчилар ҳам топиларди.

Аслида эса юқорида айтиб ўтганимиздек, Султон ҳамон вақтини кўчадаги масхарабозларни томоша қилиш билан ўтказишни хуш кўрадиган, денгиздаги балиқлару, майдонда донлаётган кабутарларни олтин тангалар би-

лан сийлайдиган овсар тождордан бошқа ҳеч ким эмасди.

Ҳалима Султон ўғли воситасида ҳукмронликни тутиб туришга ҳар қанча уринмасин, Кўсем ва унинг тарафдорлари саройда тобора кенгайиб бормоқда эди. Унинг ҳукмронлиги даврида яничарлар ва сипоҳийлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам янада авж олди. Ана шу тўқнашувлар сабаб лавозимидан бўшатишган Арзирум бекларбеги Абаза Аҳмад пошо шаҳид қилинган ёш султон Усмоннинг хунини баҳона қилиб қўзғолон кўтарди, халқ оёққа турғизди.

Ҳалима ва унинг тарафдорларига қарши бўлганлар ва табиийки, Кўсем ҳам бу қўзғолонни қўллаб-қувватлади. Сарой эшикларини қўзғолончиларга ланг очиб беришди.

Ҳалиманинг куёви – Дилрабо Султоннинг эри бўлган бош вазир Қора Довуд пошо қўрққанидан ҳарамда, жорияларнинг хонасига кириб беркинди. Аммо уни дарҳол топиб олишди ва бир пайтлар Усмон банди қилинган Етти куле зиндонига юборишди.

Мустафо ва Ҳалиманинг валинеъматини бўлган Қора Довуд пошони намойишкорона қатл этишди. Енгилаганини англаган Ҳалима Султоннинг қўзғолончилар билан музокара қилишдан бошқа чораси қолмаганди.

Бундан бир неча ой илгари фитна туфайли ўлдирилган Усмоннинг кесилган қулоқларига боқиб, севинчидан ўзини қўярга жой тополмай қолган Ҳалиманинг энди ичига чироқ ёқса ёришмас, дарди-дунёси қоп-қоронғи эди. Наҳотки унинг биттаю битта ўғлини ҳам... Бунга унинг сира ишонгиси келмасди.

Ҳа, гарчи Ҳалима ўз душманлари учун омонсиз, бешафқат рақиб бўлса-да, ўзининг ногирон жигарпораси учун мушфиқ волида эди, холос. Шароит тақозо қилса бир думалаб ваҳший арслондан маккор тулкига айлана оладиган Ҳалима Султон қўзғолончилар бошлиғи Абаза Аҳмад пошонинг оёғига бош ургудек ялиниб-ёлворди:

– Майли, тахтдан воз кечамиз, бундан буён умуман салтанат ишларига аралашмаймиз. Фақат, ўғлим Мустафога тегманглар.

Ҳалима ўз ваъдасини қасам билан тасдиқлагач, Мустафони уй қамоғидан чиқармаслик шартин билан омон қолдиришди. Ҳалимани эса, ўша куниёқ эски саройга жўнатишди. Маълумотларга кўра, Мустафо ўзининг торгина хужрасида яна ўн беш йил умргузаронлик қилган ва 1636 йил қиш кунларининг бирида ўз хобгоҳида беозоргина жон берган. Сарой аҳли унинг ўлимидан 17 соат ўтибгина хабар топган. Телба султонни ҳеч қандай ҳою ҳашамсиз Аё София мажмуасининг бир бурчагида дафн этишган. Ундан зурриёт қолмаган.

Ҳалима Султон эса, Эски саройда узоқ яшамди. Афтидан, уни ҳам кейинчалик исён чиқаришидан хавотирланган Кўсем йўқотишга аҳд қилган бўлиши, ундан фарзандларининг аянчли тақдири учун аянчли ўч олган бўлиши эҳтимолга яқин.

## КЎСЕМНИНГ ҚАЙТИШИ

Арчи Султон Аҳметнинг ўлими Кўсем Султонни қаттиқ қайғуга солган бўлса-да, у дарҳол ўзини қўлга олди. Шунга мажбур эди. Бир ёқда салтанат, бошқа ёқда одамлар тақдири Кўсемдан жуда катта мардлик, айна пайтда зийракликни талаб қиларди. Чунки, ҳар лаҳзада уни янчиб ташлашга тайёр кучлар пайт пойларди. Рост, эрининг ўлимидан сўнг, у ўзига навбат келишини, ўзининг Эски саройга сургун қилинишини етти йил беором кутди. Аммо, саройдаги ғала-ғовур тишини кутиб, бир муддат яна собиқ подшоҳ Мустафонинг қисқа муддат тахтга ўтиришига қўйиб берди. Бундай қулай фурсатдан фойдаланиб, ўзига яраша куч тўплаб, қилиши керак бўлган ишларнинг тарҳини тузиб олганди.

Кўсем Султон Усманийлар салтанатида аввалдан мавжуд бўлган удумларга содиқ қолган ҳолда, саройдаги нуфузли пошоларни куёв қилиб, ўзига оғдириб олганди. У ўз қизлари Ойша, Фотима, Гавҳархон ва Хонзодаларни жуда ёшлигидаёқ саройдаги ёши катта пошоларга никоҳлаб берган (бу ҳолат Ўрта асрлар Усманийлар давлатида оддий ҳолат саналарди). Бирор сабаб билан пошолар қатл этилса ёки вафот этса, кўп ўтмай уларни бошқа мулозимга эрга берган (Тарихий маълумотларга ишонадиган бўлсак, Кўсемнинг катта қизи Ойша 48 йиллик умри давомида саккиз маротаба турмушга чиққан экан).

Зеро, Кўсемнинг саройдаги мавқеини ушлаб туришда куёвларининг ҳам ўрни катта эди. Масалан, Ойшанинг биринчи эри Носух пошо ундан қирқ ёшлар чамаси катта эди. Бироқ Носух пошо саройдаги унга қарши бўлган мулозимларнинг фитнаси туфайли 1614 йилда, Аҳметнинг фармонида кўра, қатл этилган.

Хуллас, тахтга Кўсем ва Султон Аҳметнинг 11 ёшли ўғли Мурод муносиб кўрилади. Аввалги адашларидан фарқлаш учун унга Муроди Робийъ, яъни Мурод IV деб исм беришди.

*Маълумотларга кўра, Муроди Робийъ 1517 йил 27 июлда Истамбулда туғилган. У жуда ёш бўлишига қарамай, сарой муҳитида ўсиб-улгайган, отаси марҳум Султон Аҳмет ва онаси Кўсем Султоннинг тарбиясини олган, аллақачон атрофида юз бераётган ўзгаришлар, алгов-далгов вазиятлардан хулоса чиқаришга улгурганди.*

Усманийлар одатига кўра, ҳар бир тахтга ўтирган янги султон Абу Айюб Ансорий мақбарасини зиёрат қилиб, шу ерда қўлига қилич олиб, қасамёд қилар, ўз даврининг диний арбобларидан бири унга оқ фотиҳа беради.

Ёш Султон ҳам худди шу тахлит иш бошлади. Унга бир пайтлар отаси ихлос қўйган авлиё Азиз Маҳмуд Худойй ҳазратлари оқ фотиҳа берди.

Султон Муроднинг отасига ўхшаш яна бир жиҳати – у ҳам то тахтга ўтиргунига қадар хатна

қилинмагани эди. Тахтга ўтирганидан тўрт кун ўтибгина султоннинг “қўли ҳалолланди”. У ҳам отаси сингари жуда ёш бўлгани боис, ҳукмронлигининг дастлабки пайтларида ҳокимият жилловини асосан онаси, шунингдек, Камонкаш Қора Али пошо ва унга иттифоқчи бўлган мулозимлар эгаллаши табиий эди.

Мустафо даврида бошланган Абаза пошо исёни ҳам ҳамон давом этарди. Абазанинг одамлари Султон Усмоннинг қасосини олиш учун яничарларнинг изига тушган, кимнинг бу ҳарбий қатламга алоқадорлиги аниқланса ёки тахмин қилинса аёвсиз ўлдириларди.

Дарвоқе, биз юқорида яничарлар ҳақида бир мунча тўхталиб ўтдик. Бу қатлам XIV аср бошларида шаклланган бўлиб, унинг асосчиси сифатида Ҳожи Бектоши Валий тилга олинди. Яничар сўзи истилоҳда “янги аскар” деган маънони англатади. Яничар ҳарбий тузилмалари бир тарафдан тасаввуф қоидаларига амал қилдилар, шу билан бирга амалдаги Султон билан ўзаро келишувда иш олиб боришган. Яничарлар ислом динини янгитдан қабул қилинган бошқа дин вакиллари орасидан танлаб олинган. Улар ёшлигидан қилич чопиш, ўқ отиш, кураш тушиш, чавандозлик сингари бир қатор ҳарбий санъатни мукамал ўрганганлар, бўлажак жанглар учун кўникма ҳосил қилганлар. Шу билан бирга дин ва тасаввуф, хусусан, Бектошия тариқати асосларини чуқур ўзлаштирганлар.

Яничарлар кўп ҳолларда ҳатто султонларга ҳам ўз таъсирларини ўтказиб, уларни тахтдан

ағдаришардики, буни Султон Усмон мисолида ҳам кўрдик.

Султон Усмоннинг ўлимини баҳона қилиб исён кўтарган Абаза пошо ўзига тобе сипоҳийлар билан яничарларга қарши жиддий курашга киришганди. Яничарлар бу қатламга қабул қилиниши билан уларнинг тизмалари куйдирилди. Шу боис оддий одамлар орасидан уларни фарқлаб олиш жуда осон эди. Абаза пошонинг одамлари айнан аша шу – тиззадаги доғларга қараб яничарларни ажратиб олишар, уларни намойишкорона қатл этишарди.

Султон Мурод ана шундай таҳликали бир даврда тахт тепасига келди. Айни пайтда султоннинг ўрнига ҳам Кўсем ўйлаши, фикр юритиши, жар ёқасига келиб қолган салтанатни бошқариши, ўғли учун қарорлар қабул қилиши, хуллас, жар ёқасида турган салтанатни ўғил воситасида ҳимоя этмоғи лозим эди.

Саройдаги садоқатли пошолар ва яничарлар ёрдамида мазкур исён бостирилиб, унинг етакчилари бошқаларга ўртак учун қатл этилди. Исёнчиларнинг бирма-бир маҳв этилаётганини кўрган Абаза пошонинг ўзи Султон ва унинг волидаси ҳузурига бош эгиб, гуноҳига тавба қилиб келди. Гарчи Абаза пошо яничарларни қаттиқ қақшатган, жуда кўп инсоннинг бошига етган бўлса-да, келгусида ундан фойдаланиш мумкинлигини кўзлаган Кўсем ўғлининг имзоси билан уни афв этди. Шундан сўнг Абаза пошо Босния бекларбеги этиб тайинланди.

Кўсем ўғлини тахтга ўтқазган илк дамларда Усманийлар давлатида биринчи марта янги

мақом – салтанат ноибаси унвони жорий этиланди. Мазкур мақом Кўсемга тўққиз йил давомида ўғлининг номидан давлатни бошқариб туриш ҳуқуқини берганди. Шу тўққиз йил давомида Кўсем султоннинг амрига биноан саккиз бош вазир, тўққиз дафтардор (сарой канцелариси раҳбари) алмашди.

Тўғри, Кўсем ҳали эндигина ҳарамга олиб келинган даврларда салтанат, тож-тахт, бойлик сингари тушунчаларнинг домига илиниб улгурмаганди. У имкон топиши билан ўз юртига, ўзи туғилиб ўсган, ота-онаси яшаётган Кефалонияга қайтиб кетишни истар, ватан соғинчи йиллар ўтса-да, унинг қалбини тарк этмаганди.

Аммо, Кўсем Усманийлар саройида кечган дастлабки ойлардаёқ бутунлай бошқа одамга айланди. Унинг ҳаёт, тириклик, салтанат ҳақидаги қарашлари ўзгарди, сарой ичида таҳлика, ташвишли кунлар ва фитна-фасодлар уни жасоратли, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган бир сўзли маликага айлантирди. Кўсемнинг бахти шунда эдики, у кўз очиб кўргани – Султон Аҳметга кўнгил қўйди. Бутун умрини, бори-ни унга бағишлади. Эри тириклик пайтида унга итоат қилди, бошига кўтарди, фарзандларига бутун борлигини беришга тайёр, айна пайтда уларга ҳар томонлама намуна бўла оладиган суянган тоққа айланди.

Афсуски, эри билан то умрининг охиригача биргаликда ҳаёт кечириш, қўша қариш Кўсемнинг қисматига битилмаган экан. Султон Аҳмет энди йўқ. Аммо унинг бир этак болалари Кўсемнинг қўлида, салтанат унинг наслидан давом

этиши керак бўлган паллада салгина бепарқлик, эҳтиётсизлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши муқаррар бўлган бу саройда кун кечириш учун ҳамиша ҳушёрлик ва огоҳдик талаб этиларди. Кўсем бунинг уддасидан чиқди.

Ўғлини амаллаб тахтга ўтқозишга эришган Кўсем энди унинг ортидан ҳукуматни бошқаришга қаттиқ киришган эди.

### ҚАҲРИ ҚАТТИҚ ҲУКМДОР

Бикоямизни бошлашдан аввал китобхонларимизни Муроди Робиънинг шахси билан яқиндан таништирачак. Хўш, Мурод Робиъ Усманийлар тарихида қандай из қолдирган? Унинг бошқа султонларга ўхшаш ва улардан фарқли жиҳатлари нимадан иборат эди?

Султон Мурод ушбу Тўртинчи сулоланинг энг қаттиққўл, ҳаттоки бағритош ҳукмдорларидан бири сифатида тарихда қолган. Маълумотларга кўра, илк йилларда сарой аъёнлари, мулозимлар, пошоларнинг унга ёш боладек менсимаслик билан қарашлари бора-бора унга алам қила бошлаган. Балобатга етиб, оқ-қорани фарқлай бошлагач, бир пайтлар ёш султоннинг номидан иш юритиб, ўз мавқесини мустаҳкамлашга уринган ва бунинг уддасидан чиққан амалдорлардан шафқатсизларча ўч олган. Ҳатто баъзи масалаларда унга йўл-йўриқ кўрсатган онаси Кўсемнинг ҳам сарой ичидаги айрим ваколатларини чеклаб қўйган.

Шу боис Муроди Робиънинг салтанат йиллари подшолик даври у тахтга ўтирган пайтидан эмас, балки 1632 йилдан – ўзини тўла маънода ҳукмдор, салтанат соҳиби дея ҳис этган дамлардан бошланади. Айнан шу даврларда Султон Мурод бутун салтанат миқёсида ўзининг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга киришди. У бу борадаги ишларни мамлакатдаги қаҳвахона ва чилимхоналарни ёпишдан бошлади.

Маълумки, 1492 йилда Христофор Колумб Америка қитъасини кашф этиши билан Европага ҳиндуларнинг азалий хуморбостиси бўлган тамаки кириб келганди. Бу яшил оғу қисқа вақт ичида кўҳна қитъани забт этиб, Усманийлар салтанатини ҳам четлаб ўтмади. Савдогарлар Истамбул ва бошқа шаҳарлардаги бозорларга тамаки маҳсулотларини эркин олиб кириб сота бошлаган, бу каби чекимликлар билан савдо қиладиган шохобчалар жуда кўпайиб кетганди.

Шу билан бирга юз йиллар илгари турк диёрига кириб келган қаҳва ҳам мамлакатда тобора оммалашмоқда эди. Шаҳарнинг турли нуқталарида очилган қаҳвахоналар туну кун ишлаб турар, уларда турли табақага мансуб одамлар йиғилишиб, гоҳида то тонг отгунча қаҳва ичиб, тамаки тутатиб суҳбатлашиб ўтиришарди.

Одатда, кўпинча турли исёнлар, фитналар ҳам ана шу “тонготар” суҳбатлар натижасида келиб чиқарди. Буни яхши англаган ҳукмдор уламолар билан кенгашиб, қаҳва ва тамакининг шарият аҳкомларига зидлиги ҳақида фатво чиқартирди.

Шу сабабли мамлакатнинг барча ҳудудларидаги қаҳвахоналар, чилимхоналар ва тамаки дўконлари ёпилди. Бироқ, бу моддаларга муккасидан кетиб қолган кимсаларнинг тарки одат қилиши осон кечмасди. Шу боис, ушбу фармон чиққан дастлабки даврларда бир неча киши тамаки чекишда айбланиб, оёқ-қўллари синдирилди, ҳатто баъзиларнинг боши ҳам олинди.

Султоннинг одамлари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонни текшириб чиқишар, ҳар бир уйга бурун суқиб, ҳамма ёқни ҳидлаб кўришарди. Агар бирор кишининг чекаётгани аниқланса, жазога тортилар, зиндонга ташланар ёки шаҳар кўчаларида сазойи қилинарди. Гарчи бу қатъий чоралар одамларни тамаки ва қаҳвадан бутунлай қайтаролмаган бўлса-да, ҳар қалай, халқ орасида янги султоннинг кўпчилик ўйлагандек ёш бола, латтачайнар эмас, ўз фикр ва дунёқарашига эга бўлган ва салтанатни узоқ муддат қўлида мустаҳкам сақлаб тура оладиган султон дея баҳолашларига етарли бўлди.

Султон ўз қарор ва фармонларининг ижросини ўз кўзи билан кўриш учун гоҳида кечқурунлари либосини алмаштириб, шаҳар кўчаларини кезиб юрар, бирор ерда одамлар яширинча тамаки чекиб ёки қаҳва ичиб турганини кўриб қолса, дарҳол ортидан келаётган сарой аъёнларига ишора қилар, бечораларни ўша заҳоти исёнкор ўлароқ қатл этишарди.

Султон Мурод салтанат миқёсида антиқа қонунлар қарор қилгани билан ҳам тарихга қолган. Ана шундай чекловлардан бири тунда фону нуссиз юришга қарши чиқарилган қарор эди.

Яъни хуфтон намозидан кейин кўчага чиққан ҳар бир одам фонус билан юриши лозим эди. Бу фармонга риоя қилмаганлар учун қанчалик ноодатий бўлмасин ўлим жазоси тайинланганди.

Султон кечаси ўзининг одамлари билан шаҳар айланар, чироқсиз одамларни кўриши билан дарҳол калласини олишни буюрарди. Эрталаб тонг отганда кўчаларда ётган ўликларни кўрган одамлар тунда нима иш содир бўлганини дарҳол англаб етишарди. Бу ҳолат халқни Султон фармонларига сўзсиз бўйсунушга мажбур этарди.

Бир тарихий маълумотга кўра, Султон Мурод бу фармонни имзолаганидан сўнг, унинг ижроси билан танишиш мақсадида одатига кўра, хуфтон намозидан сўнг оддий фуқаро кийимида пойтахт кўчаларига чиқади. У олдинда кетиб борар, орқадан, йигирма қадамча масофа билан сарой хизматчилари боришарди. Худди шу аснода қаршисидан бир шарпа қорайиб келаётганини кўриб қолади ва бундан қаттиқ жаҳди чиқади. У бу гал ҳатто ўз аъёнларига уни қўлга олишни ҳам буюриб ўтирмайди, шу заҳоти қиличини қинидан чиқариб, ҳалиги кимсани чопиб ташлайди.

Эрталаб тонг отгач, Султон томонидан чопиб ташланган бола маҳалла имомининг ҳали баалофатга етмаган ўғилчаси экани маълум бўлади. Бу каби ҳодисалар аҳолининг Султонга нисбатан нафрати билан бир қаторда ҳадигини ҳам орттириб борди, у чиқарган фармонларга сўзсиз бўйсунушга мажбур этди.

Султон Мурод билан боғлиқ яна бир воқеа шу кунгача тилдан-тилга ўтиб келади. Айтишлари-

ча, кунларнинг бирида Султон Мурод бир қанча мулозимлари билан шаҳар ташқарисига сайрга чиқади. Худди шу пайтда унинг йўлини ҳўкизга қўшилган бир аравасида оддий деҳқон кесиб ўтади. Бундай ҳурматсизликка чидолмаган Султон шу заҳоти елкасидаги камонни ўқлаб, ҳалиги деҳқонни мўлжалга олади. Ўқ деҳқоннинг курагини тешиб ўтади. Бироқ, бу билан Султоннинг ғазаби босилмаган эди. Дарҳол ёнидаги мулозимига ўгирилиб, деҳқон тирик бўлса, қўл-оёғини боғлаб, халқнинг ичида қатл этишни буюради.

Мулозим шафқатли одам эди. У деҳқоннинг оғир яралангани, аммо яшашдан умиди борлигини пайқаб қолади. “То биз кетгунимизча ўрнингда тура кўрма”, деб пичирлайди-да, ортига бурилиб кетади. Султонга “бу осийни бир ўқ билан ер тишлатибсиз, жони алақачон танасини тарк этибди”, дейди. Шундагина сал ғазаби босилган Султон йўлида давом этади. Маълумотларга кўра, ҳалиги деҳқон яна бир неча йил яшаб кейин Ҳақнинг раҳматига боради.

### “ИМОМИ МАҲДИЙ”НИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Султон Мурод ўз даврида ислом халифаси, дин ва шариат ҳомийси сифатида довруғ қозонган эди. У айнан ислом шариати талаблари асосида ичкиликка қарши курашни янада кучайтирди. Мамлакатда маст қилувчи ичимликларни тайёрлаган ва сотган кимсалар турли азоблар билан ўлдирилди. Аммо, шунга қарамай, Султоннинг ўзи ичкиликка жуда



берилган эди. У сархуш пайтида янада қутуриб кетар, арзимас сабабларга қўра, кўзига сал ёмонроқ кўринган одамни ҳам ўлимга буюриб юборарди.

Кайфи тарқалгач, мастлик пайтида қилган ишларини умуман эслай олмай қолар, ўзи ўлдиртириб юборган одамларни иш юзасидан ҳузурига чорларди. Аммо ҳузурига чорланган одамнинг аллақачон қатл қилинганини эшитиб, гоҳида афсусланиб ҳам қўярди. Бу ҳолатлар бир неча марта такрорлангач, ўзи ҳақида янги фармон чиқартирди: “Султоннинг мастлик пайтида ўлимга ҳукм қилинганлар! То Султон ҳушёр тортмагунга қадар ҳукм ижро қилинмасин!”.

Нафақат Усманийлар, бошқа мусулмон ҳукмдорлар ҳам диний уламолар, руҳонийларга алоҳида ҳурмат кўрсатишган, уларнинг қонини тўкишга асло журъат этишмаган. Бироқ, Султон Мурод Усманийлар тарихида илк бор ўз шайхулислом Оҳузода Хусайн Афандини ўлимга буюргани билан бу борада “янгилик” яратди.

Бунинг тарихи қуйидагича: 1634 йилда Султон Мурод жойлардаги вазият билан танишиш мақсадида Бурсага йўл олади. Унинг ташрифидан беҳабар бўлганлар мазкур ташрифга олдиндан ҳозирлик кўрилмаган, қиш чилласи бўлгани учун йўллар қоп билан қопланган эди. Бурсага борадиган йўл Изник тумани орқали ўтарди. Аммо, қалин ёққан қор бу йўлни тўсиб қўйганди. Султоннинг навкарлари то йўл очгунча Султон анча кутиб қоладиган бўлди.

– Бу қандай бедодлик, – айюҳаннос солди Султон. – Бу туманнинг қозиси қани?

Ўша пайтларда кичкина туманлар қозилар томонидан бошқариларди. Ҳеч нарсадан беҳабар қозини бошяланг, оёқяланг ҳолда Султоннинг оёқлари остига келтириб ташлашади:

– Сен қўппак, қай юз билан мени – Султонингни шу тарзда шарафсиз қарши олмақдасан?

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳукмдорим, – дея Султоннинг этагини ўпди қози. – Агар бизнинг ҳудуддан ўтишингизни олдинроқ билганимда, шахсан ўзим йўлингизни очиб, сидқидилдан хизматингизни қилардим. Фафлатда қолдим, гуноҳкор қулингизни афв этинг. Бу бошқа такрорланмайди, ҳукмдорим.

Одатда, гуноҳкорларнинг шафқат сўраб ёлворишлари султонни янада ғазаблантирарди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Қозининг оҳу зорига қарамай, уни ўз ҳудудида дорга тортишди ва Султон ўз йўлида давом этди.

Қозининг ўлими ҳақидаги хабар ўша заҳоти чор атрофга ёйилди. Истамбулда ҳам ҳар бир даврада бу ҳодиса муҳокамаларга сабаб бўлди.

Оҳузода Афанди иштирок этаётган бир мажлисда ҳам худди шу мавзуда тағин гап очилди. Шайхулислом бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисани эшитиб, афсус ила бош чайқади ва деди:

– Минг афсус, мусулмонларнинг етакчиси шу тахлит адолатсизлик ила мазлумларни қатл этаркан, оддий одамлардан нимани кутиш мумкин? Ким нима деса десин, лекин Султон ҳазратлари марҳум қозига нисбатан жуда катта адолатсизлик қилибдилар. Узоқ йиллардан бери шариатимиз муҳофазаси учун жонини тиккан инсофли ва диёнатли дўстимиздан айрилибмиз. Аллоҳ



уни ўз раҳматига олсин. Султонимизга ҳам ақл ва инсоф битсин!

Сир эмас, ўтмишдаги ҳамма подшолар сингари, Усмоний ҳукмдорларнинг хуфиялари ҳам ҳар бир даврада одамларнинг оғзидан гап олиб юришарди. Албатта, шайхулислом Оҳузода Хусайн Афандининг оғзидан учган бу гаплар ҳам қисқа фурсат ичида Султон Муроднинг қулоғига етиб борди. Ўзига нисбатан билдирилган ҳар қандай танқид билан муроса қилолмайдиган ҳукмдор бу гап ҳам ғазаб отига минди. Ўша заҳоти шайхулисломни вазифасидан бўшатиб, Қибрис оролига сургун қилишни буюрди.

Аммо, Оҳузода Хусайн афанди шунинг ўзи билан қутула қолмади. Кўп ўтмай, Султон фармонига тузатиш киритиб, собиқ шайхулисломни ўлдиришни буюрди. Ҳукмдорнинг амрига кўра, кўч-кўрони билан Истамбулдан чиқиб кетишга чоғланган Оҳузода Хусайн афандини шафқатсизларча ўлдириб кетишди...

Бундай воқеалар жуда кўп юз берганди.

Султоннинг ҳукмронлиги йилларида Сакарিয়াда Аҳмад исми бир киши ўзини “Имом Маҳдий” деб эълон қилади. Ривоятларга кўра, имом Маҳдий шиа мусулмонлари учун ўн иккинчи имом ҳисобланиб, у 941 йилда одамлар кўзидан ғойиб бўлган, фақат қиёмат қойим яқинлашган, ер юзида зуҳур этиб, кўкдан қайтиб тушадиган Исо Масиҳ (а.с.) билан биргаликда Ер юзида адолат ўрнатиши, одамларни йўлдан уришга уринаётган маккор махлуқ Дажжолни маҳв этиши лозим экан.

Кўплаб мусулмонлар Имом Маҳдийнинг қайтишига ишонадилар. Бундан фойдаланган

сакариялик Аҳмад атрофида жуда кўп одамларни тўплайди. Одамлар ҳам унинг имом Маҳдий эканига чин дилдан ишониб, унинг ортидан эргашишга ҳатто уни тавоф қилишга тушадилар. Тез орада бутун Сакарияда унинг шуҳрати орта бошлайди. Юзлаб, минглаб одамлар Аҳмадга мурид бўлиш учун унинг эшигига юкиниб боришади.

Бундан хабар топган Султон Мурод “авлиёлик”ни тўхтатишни сўраб, “Имом Маҳдий”га чопар юборади. Аммо Аҳмад Мурод Султонга ҳеч қандай жавоб қайтармай, яна ўз иши билан машғул бўлади.

Бундан ғазабланган Султон Мурод сохта “Маҳдий”нинг устига кўшин тортади. Аммо “Маҳдий” аллақачон атрофида ўзи учун жонини беришга ҳам тайёр турган “издошлари”ни тўплаб бўлганди. Шу боис сохта авлиёнинг саккиз минг кишилик кўшини Султон лашкарига қарши чиқади. Ўз аскарларининг енгилаетганидан хабар топган Султон яна уч минг кишилик ёрдам кучларини жўнатади ва жангда ғалаба қозонади.

“Сакариялик авлиё”нинг таслим бўлишдан бошқа чораси қолмайди. Унинг оёқ-қўлига кишан солиб, Султоннинг ҳузурига олиб борадилар.

Султон Мурод IV нинг фармонига кўра, сохта авлиёнинг аввал бармоқлари қирқилади. Кейин яланғоч ҳолида бошига қоп кийдирилиб, эшакка терс миндирилиб, кўчаларда сазойи қилинади. Сўнг унинг қулоқ ва бурунлари ҳам кесиб ташланиб кўчага ҳайдалади. Шармандаси чиққан авлиё ушбу шафқатсиз сазойидан кейин узоқ яшмайди. Хор-зорликда ўлиб кетади.

Османийлар тарихидан ҳикоя қилувчи “Авлиё Чалабийнинг саёҳатномаси” китобида Султон Мурод IV замонасида яшаган Лоғарий Ҳасан Чалабий исми ихтирочи ва унинг ажаб-товур ихтиролари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Маълумотларга кўра, у ўша даврда жуда кўп янги ихтиролари билан тилга тушган. У ҳатто порохдан махсус ракета ясаб осмонга учгани жуда катта шов-шувларга сабаб бўлганди.

Ҳикоя қилишларича, Ҳасан Чалабий ўз ихтиросини Султонга кўрсатиш учун йиллаб тайёр-гарлик кўради. Ниҳоят, байрам тадбирларининг бирида Султон Мурод уни денгиз қирғоғидаги қароргоҳига таклиф этади.

Ҳасан Чалабий порох тўла учиб мосламаси устига ўтираркан, Султонга таъзим қилиб:

– Султоним, сизни Худога топширдим. Ўзим осмони фалакка чиқиб Исо Масиҳ билан учрашиб қайтаман, – дея мосламани ҳаракатга келтиради. Порох ўт олиши билан ракета осмонга кўтарилади. У парвоз қилган онда денгиз узра қўлидаги мушакларни отиб боради. Ҳамма унинг ортидан ҳайрат билан қараб қолишади. Порох ёниб тугагач, Ҳасан ўзи ясаган парашютсимон қанотлар ёрдамида оҳиста денгизга қўнади ва эсон-омон қирғоққача сузиб чиқади.

– Хўш, Исо Масиҳни кўрдингми? – табассум билан сўрайди Султон.

– Кўрдим Султоним, – ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаради Ҳасан Чалабий. – Исо алай-

ҳиссалом сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар.

Ихтирочининг ҳаракатчанлиги, ҳазилкашлиги Султонга ёқиб қолганди. Шу боис уни сипоҳийлар сафига олишга фармон беради. Лоғарий Ҳасан Чалабий узоқ йиллар Султонга садоқат билан хизмат қилади. Умрининг сўнгги йилларида Ҳасан Чалабий Қримга, Саломат Гирейхон ҳузурига жўнайди ва ўша ерда вафот этади.

Ҳозирда Лоғарий Ҳасан Чалабийнинг ҳайкалини Анқарадаги Турк ҳаво кучлари музейида ҳам кўриш мумкин.

Умуман, Султон Мурод IV қаттиққўллик билан бирга илм-фан, санъат ва маданиятга хайрихоҳ муносабатда бўлди. Шоир ва олимларнинг ижод қилиши, илм билан шуғулланиши учун етарлича шароитлар яратди, уларни қўллаб-қувватлади.



## БОШГА БАЛОНИ ТИЛ КЕЛТИРАР

Султон Мурод IV нинг бошқарув даврида яшаган шоирлардан бири Умар ибн Муҳаммад Нафъий ўзининг ҳажвий шеърлари билан турк адабиётида муносиб из қолдирган. Нафъий 1572 йилда Арзирумда курд оиласида туғилган, турк, араб ва форс тилларини пухта ўрганган. Туркий ва форсий тилларда девон яратган.

У ўз давридаги уламолар, қозилар, амирлар, ҳатто султонларни ҳам ҳажв қилиши билан шуҳрат қозонган. Айни ўткир сатирик шеърлари сабабли бир неча бор жазоланган, зиндонбанд этилган, сазойи қилинган. Шунга қарамасдан, ҳақгўй шоир амалдорларни фош этишдан чарчамаган, ҳажвий шеърлар ёзишдан тўхтамаган.

Маълумотларга кўра, ўз даврининг таниқли уламоларидан бўлган Тоҳир Афанди бир мажлисда “Нафъийнинг шеъри нимаю кўппакнинг акиллаши нима?” дея уни номуносиб танқид қилади. Бу гап шоирнинг қулоғига етиб боргач, у Тоҳир Афандининг сўзларига жавобан қуйидаги тўртликни битади:

*Тоҳир афанди мени кўппак дер,  
Илтифоти бу сўзда зоҳирдур,  
Моликий – мазҳабим менинг, зеро,  
Эътиқодимда кўппак тоҳирдур.*

Мазкур шеърда чиройли сўз ўйини қилинган эди. Яъни “Тоҳир афанди мени кўппак (ит)

деб атабди. Мен моликий мазҳабига эътиқод қиламан. Бизнинг эътиқодда ит покиза (тоҳир) жонзот саналади” (Яъни бундан хафа бўлмасам ҳам бўлади) деган маъно чиқади. Аммо, диққат қилинса, сўнгги мисрада “Кўппак – Тоҳирдур”, яъни Тоҳир Афандининг ўзидир деган маъно яққол кўриниб турибди.

Бундан ғазабланган Тоҳир афанди қозига арз қилади. Қози шоирни ҳам маҳкамага чақиради. Унга айб эълон қилинганида, шоир ҳозиржавоблик билан “мен иккинчи маънони назарда тутмаганман ва тоҳир сўзини тақсиримнинг муборак исмларига нисбатан ишлатмаганман”, деб туриб олади. Қози ҳам бунга қарши бирор далил топа олмай, уни оқлашга мажбур бўлади.

Нафъий Султон Мурод IV ни ҳам бир неча бора ҳажв тиғи остига олган. Аммо, шеъриятни яхши тушунган, ўзи ҳам ҳар-ҳар замонда шеър ёзиб турган Султон унинг эркаликларини бир неча марта кечиради. Ҳатто бир-икки марта саройга чақириб унга қаттиқ дакки беради. Шоир “онҳазратга минбаъд ҳурматсизлик қилмаслик”ка ваъда бериб, саройни тарк этади.

Аммо орадан кўп ўтмай, у юқори мартабали вазирлардан бири Байрам пошога атаб ҳажвия битади. Мазкур ҳажвия “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилида битилган бўлиб, Байрам пошо тимсолида Султон Муроднинг барча мулозимлари қаттиқ танқид қилинганди. Нафъийнинг бу шеъри бошқа ижод намуналаридан кўра кўпроқ шуҳрат қозонади.

Шеър сарой аҳлининг қаттиқ ғазабини кўзга-қанди. Шу боис улар шоирни ҳийла билан ўлди-

ришга қарор қиладилар. Улар шоирни саройга чақиртириб, ўтинхонада ов арқони (каманд) билан бўғиб ўлдиртирадилар. Унинг жасадини эса денгизга улоқтирадилар.

Шоирнинг ўлими ҳақида ҳам турли қизиқарли ривоятлар тўқилган. Уларнинг бирида айтилишича, шоирни ўлимга буюришган пайтда унинг кўплаб мухлислари султондан уни афв этишларини сўраб, мактуб битмоқчи бўладилар. Ушбу афвномани Султоннинг яқин мулозимларидан бўлган қора танли мирзога ёздирадилар. Мирзо хатни ёзаётганида бир томчи қора рангли сиёҳ қоғозга томчилайди. Шу жараёнда Нафъийнинг ўзи ҳам ҳозир у нозир эди. Кимнингдир устидан кулмаса, одамларни кулдирмаса кўнгли жойига тушмайдиган шоир шу ерда ҳам ҳазилкашлигини қўймайди ва котибнинг қора танли эканига ишора қилиб:

– Ҳечқиси йўқ, афандим, қоғозга қора сиёҳ эмас, муборак пешона терингизнинг бир томчиси томди деб ҳисоблай қоламиз, – дея сўз ўйини қилади. Атрофдагилар шундай қалтис вазиятда ҳам ўзларини кулгидан тутиб тура олмайдилар.

Бундан қаттиқ ранжиган котиб, хатни ёзишдан воз кечади. Шу тариқа шоир тирик қолишнинг сўнгги имкониятини ҳам қўлдан чиқаради.

## ҲАРБИЙ ЮРИШЛАР

Султон Мурод IV ўзининг кўп сонли ҳарбий юришлари, мана шу юришда ортирган тажрибаси билан ҳам тарихда қолган.

Бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган Усманий-Сафавий урушлари унинг даврида ҳам танаффуслар билан давом этди. 1623 – 1639 йилларда Ереван, Шарқий Онадўли, Ахиска ва Кавказортига қилинган бир қатор ҳарбий ҳаракатлар натижасида Султон қўшни давлатга қарашли анчагина ҳудудларни ўз тасарруфига олди.

*Маълумки, 1624 йилда Сафавийлар Усманийларнинг энг муҳим маданий марказларидан ҳисобланган Бағдодни тортиб олишганди. Султон Мурод 1638 йилда қирқ кунлик қамалдан сўнг шаҳарни эгаллайди. Мазкур зафар сабабли уни ҳатто бир пайтлар салибчиларга қарши урушиб, катта муваффақият қозонган Салоҳиддин Айюбий (1138 – 1193) билан ҳам таққослашган.*

Бағдод фатҳидан сўнг пойтахт Истамбулга қараб йўл олган Султон йўл-йўлакай Онадўлидаги бир қанча исён ўчоқларини ҳам баргараф этади. У умрининг сўнгги кунларига қадар Усманийлар давлатининг аввалги куч-қудрати ва шуҳратини қайта тиклаш, салтанат обрў-эътиборини узоқ йиллар сақлаб қолишга, авлодлар ҳам бундай улуғ салтанатни давом эттиришларига хайрихоҳ бўлди. Бу борада бир қатор фармонлар чиқарди. Аммо, кейинги пайтларда уни безовта қилаётган номаълум дард Султон Муроднинг ўз олдига қўйган улкан режаларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилди.

Гарчи отаси бир пайтлар жорий қилган биродаркушлик анъанасини ман қилган бўлса-да, унинг ўғиллари машъум анъанани давом эттиришни маъқул кўришганди.

Зотан, ҳар бир шаҳзода тахтга ўтирган султон учун битмас-туганмас хавф-хатар манбаи эди. Волидаи Султон мақомидаги Кўсем эса, ўғилларининг ана шу одатидан юракзада эди. Зеро, ўғай ўғли Усмоннинг амрига биноан тўнғичи Меҳметнинг ўлдирилганидан сўнг у ўзини худди чўғ устида юргандек ҳис этарди. Гарчи Кўсем ўзи тўққиз ой қурсоғида кўтарган нуридийдасини тахтга ўтказган бўлса-да, тахт, салтанат васвасаси сабабли Султон Мурод эртами-кечми қолган қондошларига тиш қайрашидан бутун умр хавотирда юрди.

Аммо, йил сайин султон Муроднинг куч-қудрати, шунга қараб кибру ҳавоси ҳам ортиб борар, энди у фақат онасининг изни билан юрадиган ёш бола эмасди. Қолаверса, саройдан турли сабабларга кўра қувилган, мансабидан айрилган айрим амалдорлар бошқа шаҳзолалар орқали қайтадан амалга минишни кўзлаб юришганди.

Шу боис Султон Мурод 1635 йилда Ереван юришига отланишдан аввал ота бир она бошқа икки укаси – Боязид билан Сулаймонни ўлдиришга фармон берганди. Аммо, бир ота-онадан туғилган бошқа укалари туфайли Султон ҳаловатидан мосуво эди.

Тарихда турли фитналар сабаб тахтдан ағдарилган ҳукмдорларнинг қисматидан хулоса ясаган Султон Мурод қандай бўлмасин барча укаларини йўқотишга қарор қилганди. 1638 йилнинг 1 январь куни Бағдод сафарига отланиш олди-дан у катта укаси Қосимни ўлдиришга фармон берди. Чунки, Султон пойтахтни ташлаб чиққанида исёнчилар уни тахтга ўтқозишлари эҳти-моли катта эди.

Султон ўз қўшинлари билан Истамбулни тарк этган онда Кўсемга Қосимнинг ўлими ҳақида хабар етказишди. Волидаи султон шаҳзоданинг





хонаси томон югурди. Бу пайтда 24 ёшли шахзоданинг жонсиз бадани аллақачон тош қотган, бўйнини қимматбаҳо ипакдан ўрилган пишиқ арқон хиппа бўғиб турарди...

Айтишларича, Султон Мурод сафардан қайтиб кейинги укаси Иброҳимни ўлдиришга чоғланади. Аммо, ўғлининг бу қароридан хабар топган Кўсем унинг ҳузурига келиб, кўз ёш тўкади:

– Нуридийдам, бир эмас учта укангни ўлдирганинг етмайдами? Асло хавотир олма, мен бор эканман, тахтингга ҳеч ким яқин келолмайди. Усманийлар сулоласи сенинг наслинг билан давом этади. Сендан ўтиниб сўрайман: Иброҳимнинг қонидан ўт. У ҳали жуда ёш. Тахтга ҳам даъвогар эмас. Ундан султон чиқмаслигини ҳам яхши биламан. Агар онам берган оқ сутига рози бўлсин десанг, уканга қўлингни теккизма!

Кўсем султоннинг таваллолари қаттиққўл султонга таъсир қилдими, ҳар қалай, фикридан қайтди ва Иброҳимнинг қонидан кечди.

### СУЛТОН МУРОДНИНГ ЎЛИМИ

Баъзи тарихчилар Султон Муроднинг ниқрис (подагра) дарди билан оғриганини ёзишса-да, унинг ўлимига айнан жигар циррози сабаб бўлгани ҳақиқатга яқин. Чунки, ичкиликка муккасидан кетгани боис, у соғлиғини йўқотиб қўйганди. Табибларнинг маслаҳати билан бир муддат ичкиликдан тийилар, сал аҳволи ўнглана бошлагач, яна ичишни бошларди. Шу тариқа 1640 йилнинг бошларига келиб, унинг

саломатлиги кескин ёмонлашди, салтанатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки камайди... Сарой ҳақимларининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетди, муқаррар ажални тўхтатиб қололмади, Султон Мурод IV 1640 йилнинг 8 февраль куни ҳаётдан кўз юмди.

Тарихчилар султоннинг кўплаб хусусиятлари қатори унинг жисмонан жуда бақувват бўлгани, бир ўзи бир пайтнинг ичида уч-тўртта рақиб билан қиличбозлик қилиб, албатта муваффақият қозонишини эсга оладилар. Бағдод юришида чодирига бостириб кирган тўрт нафар сафавий жангчисини бир ўзи ер тишлатгани ҳам унинг фавқулодда жасоратидан дарак беради.

Султон Мурод IV нинг мусиқага кўнгил қўйгани ҳамда мусиқий иқтидори ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар учрайди. У кўпгина Ғарб ва Шарқ созларини чалиб, қўшиқ куйлай олгани ҳам манбаларда келтирилади. У бўш вақтларида хатотлик ва тасвирий санъат билан шуғулланган. Тарих ва фалсафага қизиққан. Араб, форс тилларидан ташқари Европа тилларидан хабардор бўлган. У машҳур италян файласуфи Николо Макиавеллининг (1469 – 1527) “Шахзода” (Баъзи манбаларда «Хукмдор» деб кўрсатилади) асарини туркчага таржима қилгани ҳақида ҳам айрим тарихий манбаларда маълумотлар учрайди.

Ўз навбатида фарзанди Султон Мурод IV нинг бевақт ўлими сабаб Кўсем Султоннинг ҳам кўзига дунё қоронғи кўриниб кетганди. Ахир айни пайтгача у қанча-қанча яқинлари, фарзандларини боқий дунёга жўнатмади. Шу билан бирга салтанат ва ундаги бешафқат қонун-қоидалар

Кўсем Султоннинг иродасини анча чиниқтириб қўйганди. Марҳум Султонни тупроққа топширмасдан туриб, тож-тахт учун курашлар бошла-ниб кетиши тайин эди.

Ҳали жуда ёш бўлса-да, Султон Муроддан туғилган бир қанча шаҳзодалар сарой мулозимлари учун дастак бўлиши мумкин эди. Қолаверса, тахтга бир пайтлар ўзи ваъда қилганидек, Султон Муроднинг зурриётларидан бирови ўтирадиган бўлса Волидаи Султонлик мақоми ҳам янги ҳукмдорнинг онасига ўтади. Шундан сўнг Кўсемнинг ҳоли не кечишини ҳеч ким билмайди.

Хуллас, Султон Мурод вафотининг эртаси кун-иёқ Кўсем ва унга садоқатли пошоларнинг кўмагида 25 ёшли шаҳзода Иброҳим салтанат тах-тига муносиб деб топилди.

### ҚАФАСДАН ЧИҚҚАН СУЛТОН

**С**ега Султон қафасдан чиқаркан, деган савол туғилди ўқувчиларимизда. Чунки, қафас деганда кўз олдимизга биринчи навбатда ҳайвонлар ёки қушларни тутқунликда ушлаб туриш учун ишланган мослама келади.

Султон Аҳмет томонидан “биродаркушлик” анъанасига чек қўйилгач, “акбар ва аршад” тизими йўлга қўйилган эди. Бунинг маъноси шуки, эндиликда Султон вафот этса, аввало унинг на-с-лидан бўлган катта ўғил эмас, балки томирида Усманийлар қони оқаётган энг ёши улуг ва ўт-кир идрокли шаҳзода тахтга ўтириши муносиб

деб топилади. Янги тахтга ўтирган тождорнинг ўз ака-укалари қонини тўкиши тақиқланди (аммо, бу тақиқ бир неча маротаба бузилганини биз юқорида эслаб ўтдик).

Тахтга даъво қилиши мумкин бўлган шаҳзодалар ортидан исён чиқмаслиги учун улар Истамбулда қурилган махсус саройда қатъий назорат остида сақланар, уларнинг ушбу саройдан ташқари чиқишлари ҳам қатъиян тақиқланган эди. Шу сабабли сарой норасмий тарзда “қафас” деб номланганди.

Амалдаги ҳукмдор турли сабабларга кўра вафот этадиган бўлса, “қафас”даги энг ёши улуг ва ақли комил шаҳзода тахтга чиқиши лозим эди. Аммо, табиийки, шаҳзодаларнинг аксарияти ўз навбатини кутиб, умрини “қафас”да чири-тар, уларнинг баъзилари ақлдан озар, ҳатто бу қисматга дош беролмай ўз жонига қасд қиларди.

Шаҳзода Иброҳим ҳам икки ёшидан бошлаб, мана шу қафасда улғая бошлади. То тахт тепа-сига келгунича худди амакиси Мустафо синга-ри қўрқув ва таҳликада умр кечирди. Фақатги-на акасининг ўлиmidан сўнг унга иқбол кулиб боққандек, унинг ёруғ кунлари бошлангандек ҳис этди ўзини.

Ҳар бир Султоннинг даврида бўлганидек, Султон Иброҳим тахтга ўтирган илк кезлари-да бир пайтлар Сафавийлар саройида хизмат қилган, Ереван фатҳидан сўнг Султон Мурод-нинг хизматига ўтган Амир Юсуф Миргунўгли ўз тарафдорлари билан исёнга ҳозирлик кўра бошлаганди. Султон бу фитна олови ёйилиши-дан қўрқиб, дарров Амир Юсуфни қатл этиш-

ни буюрди. Аммо, бу фармон мулозимларнинг Иброҳимга нисбатан садоқати ишончига салбий таъсир кўрсатди.

Ўша пайтларда Мальта ордени ёки госпитальерлар деб ном олган европалик ҳарбийлар тузилмаси Ўрта Ер денгизи орқали турли мамлакатларга қатнайдиغان турк савдо кемаларига тез-тез ҳужум қилиб, савдогарларни ўлдиради, мол-мулкларини талон-торожи этади. Султон Иброҳим тахтга ўтириши билан мазкур тузилманинг асосий маркази бўлгани Крит оролига ҳужум қилиш тўғрисида фармон имзолади.

Гарчи турк қўшинлари оролни асосий портларидан бирини эгаллаган бўлса-да, бу ҳарбий юриш Европа давлатларини безовта қилмай қўймади. Чунки, Европанинг катта қисми ҳамон Усманийлар таъсиридан чиқа олмаган, дини, тили, миллати ва урф-одатлари билан турклардан кескин фарқ қиладиган Ғарб ҳукмдорлари улардан имкон даражасида хавфсираб турар, уларга бошқача кўз билан қарарди.

### “ТЕЛБА ҲУКМДОР”

Иброҳим Усманийлар салтанатидаги ўта инжиқ, ғалати феъл-атворга эга султонлардан бири сифатида эсга олинади. Манбалар кўрсатишича, унинг кўз ўнгида юз берган фитналар, хусусан, Усмоннинг исён оқибатида ўлдирилиши, Мустафонинг икки марта тахтдан афдарилиши, бегуноҳ шаҳзодалар Сулаймон ва

Боязиднинг қатл этилиши, акаси Султон Муроднинг қаттиққўл сиёсати унинг руҳиятида салбий из қолдирган, бу жиҳат, айниқса, у тахтга ўтирган илк кезлардаёқ намоён бўла борди.

Унинг ўзи ҳам худди амакиси Мустафо сингари “мени ҳадемай ўлдиришади” деган қўрқув ва таҳлика ичида яшагани, қафасидан ташқарига чиқмагани, ҳарамдан ташқаридаги одамлар билан мулоқот қилмагани учун ўта одамови бўлиб қолганди. Султон Иброҳимга соқов (тили кесилган) ғуломлар ва жориялар хизмат кўрсатар, бошқалар билан мулоқот қилиш чеклаб қўйилган эди.

Ривоятларга қараганда, мулозимлар унинг «қафас»ига келиб, султон бўлганини айтишган





маҳали уларни жаллод деб ўйлаб, дод солган. Ҳатто онасини ҳам ёнига киритмаган. Шунда шаҳзодани ишонтириш мақсадида Султон Муроднинг ҳали дафн этилмаган мурдасини келтириб кўрсатишганидан кейингина у акасининг ўлимига ишонган ва «қафас»идан чиққан экан.

Ана шундай руҳий зуриқишлар, муттасил ҳадик ва талвасада ўтказилган йиллар янги султоннинг кейинги фаолиятида ҳам сезиларли из қолдирди. Гарчи у Мустафога нисбатан бир мунча ақллироқ кўринса-да, бари бир уни соғлом деб бўлмасди. Гоҳ-гоҳида унинг жунуни (телбалиги) кўзиб турар, кўзига кўринган одамни уриб-сўкар, бақириб-чақирар, саройни бошига кўтарар эди. Шу боис, айрим тарихчилар уни “телба султон” деб қаламга олишган.

Манбаларга қараганда, у дастлаб аёллардан жуда қўрққан, бирор бир жория билан яқинлик қилишни истамаган. Бу эса, нафақат султон, балки салтанат тақдири учун таҳликали ҳолат эди. Чунки, қувғинда юрган айрим Усманий шаҳзодаларни ҳисобга олмаганда, бу сулоланинг вакиллари деярли қолмаганди. Кўсем эса авлод фақат ўз наслдан давом этишини истарди. Усмоннинг ҳам, Муроднинг ҳам болалари кичкиналигидаёқ вафот этиб кетишганди...

Шу боис Кўсем қандай бўлмасин, ўғлидаги бу нуқсонни бартараф этишга тиришди. Саройнинг энг яхши ҳақимлари ва аъзайимхонларини ишга солди. Бу масалада унга Жинжи ҳожи лақаби билан танилган сарой ҳақими яқиндан ёрдам берди.

## КУМУШ ТАНЛИ МАЛАК

Кўсем ўғлининг кўнглини оладиган, унинг қалбидаги кўрқувни даф этишга қодир, гўзалликда тенги йўқ жория қидирарди. Худди шу аснода саройдаги нуфузли амалдорлардан бири бўлган Кўр Сулаймон пошо бир қизни Волидаи Султонга тухфа қилди.

Кўсем ҳали ўн бешга ҳам тўлмаган бу навраста қизни кўриши билан анчадан бери излаётган жорияни топганига ишонч ҳосил қилди. Қизнинг оловранг сочлари, ойдек тўлин юзлари, кумушдек оппоқ бадани, мовий денгиздан ранг олган кўм-кўк кўзлари бир-бирини шу қадар тўлдириб турардики, беихтиёр уни кўриши билан ўзининг ёшлик дамларини эслади.

Бу қиз ҳақида турли манбаларда турлича маълумотлар қайд этилган. Усманийлар даври тарихчиси Рашод Акрам Кўчу унинг асли рус ёки украин миллатига мансуб бўлганини айтади. Бироқ унинг ҳақиқий исми ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди.

Ҳарам одатига кўра, жорияларнинг барчаси номусулмон мамлакатлардан келтирилар, кейин уларга туркча (мусулмонча) исмлар бериларди. Унга ҳам дастлаб Хадича, кейин Турхон исми берилгани маълум. Шу боис, кўпинча Шарқ ва Ғарб манбаларида унинг исми Хадича Турхон Султон номи билан тилга олинади.

Хуллас, бир муддат бу славян қизи ҳарамдаги тайёргарлик босқичидан ўтказилгач, маликаларга хос тарзда безантирилиб, ҳукмдорнинг хос хонасига жўнатилди.

Султон Иброҳимнинг дарддан соғайишига ҳаким Жинжи ҳожининг дорилари наф қилди-ми, ё Турхоннинг жоду кўзларию ширин сўзларими, бир нарса дейиш қийин. Аммо, сийм-тан малак билан кечган илк оқшомдан сўнг Султон Иброҳим бутунлай бошқа одамга, том маънодаги эркакка айланганди. У энди Турхонни тез-тез ҳузурига чақириб туришни одат қилганди.

Кўп ўтмай, жориянинг ҳомиладорлиги маълум бўлди. Вақти соати етиб, у Иброҳимнинг тўнғич фарзандини дунёга келтирди. Унга Меҳмет деб исм беришди.

### МЕҲР ОРТИДАГИ ҚАҲР

Иброҳим гарчи аёллар қўрқуви – гино-фобиядан қутулган бўлса-да, ўта кучли стресс, асабий ҳолат уни бир умрга тарк этмади. Тарихчилар Шаҳзода Меҳмет билан боғлиқ бир воқеани бунга мисол қилиб келтиришади.

Одатда, шаҳзодалар дуркун ўсиши учун уларга ўз онасидан ташқари эмизиш учун яна кучли, соғлом бир аёлни ёллашарди. Ҳарамдаги қизлароғаси (Усманийлар саройида ҳарам ва ғуломлар устидан назорат ўрнатувчи амалдор) ўз уйида кўзи ёриган жорияни шаҳзодани эмизиш учун ҳарамга олиб келганди. Айрим маълумотларга кўра, бу энаганинг исми Зафира бўлган.

Зафира ҳам ўз ўғли, ҳам шаҳзодани бир хилда суяр, икковини ҳам баравар эмизарди. Иброҳим Султон ўз жигарбандининг эмикдош иниси бўл-

ган чақалоққа ҳам боласидек меҳр қўя бошлаганди. Кўп ўтмай, болалар тилга кириб, атак-чек чак қилиб юра бошлашди.

Султон салтанат ташвишларидан бўш пайтларидида ҳарам ҳовлисига чиқиб, болаларни ўйнатар, суйиб эркалатар, баъзида Зафиранинг ўғлига Меҳметдан кўра кўпроқ эътибор бериб юборарди. Бу эса, табиийки, султоннинг эрка жорияси, Меҳметнинг онаси Турхонга ёқмасди.

Кунларнинг бирида Турхон ҳовлида ўйнаб юрган ўғлидан хабар олиш учун ҳовлига чиқди ва ғалати манзаранинг гувоҳи бўлди: Султон Иброҳим энаганинг тўрт-беш яшар боласини тиззасига олиб эркалатар, унинг сочларини силаб, юз-кўзларидан ўпар, шаҳзода Меҳмет эса, улардан анча нарида, ҳовуз лабида бир ўзи тошлардан уйча қуриб ўйнаб ўтирарди.

Баҳор кунлари бўлгани учун атроф ўзгача тароват касб этган, ҳовли саҳнидаги гуллар қийғос очилган, анвойи дарахтлар шоҳидаги қушлар бетиним чуғурлашар, ҳовузда ранг-баранг балиқлар сузиб юрар, ҳовуз ўртасидан отилиб чиқаётган фаввора миллионлаб томчиларни атрофга пуркарди.

Турхон бу манзарани кўриб ғалати аҳволга тушди, юраги эзилиб кетди. Ахир бу қандай адолатсизлик? Бир чувриндининг боласи Султоннинг тиззасида эркалансаю, шаҳзода, тахт вориси тош-тупроққа беланиб ўтирса? Табиатан шарттаки, ичидагини сиртига чиқармаса туролмайдиган малика Турхон Султоннинг олдига келди-да, иззат-икромни ҳам бир четга суриб, унга дилида борини тилга кўчирди:

– Ҳукмдорим, мендан кўра кўчадаги яланго-ёқни, ўз пуштикамарингиздан бўлган шаҳзодадан кўра ўша чувриндининг боласини афзал кўрдингизми? Болам бечоранинг аҳволига бир қарасангиз-чи...

Бундай кинояли, аччиқ гап-сўзларни эшитиб ўрганмаган султон Иброҳим бир зумда ғазабдан кўкариб кетди. Тиззасидаги болани четга суриб, ўрнидан турди. Унинг важоҳатини кўриб, Турхоннинг ҳам ўтакаси ёрилди. Ҳозир мушт ва тепкилар зарбаси остида қолишини кутганди. Аммо у кутганидек бўлмади. Султон тўғри бориб ҳовуз лабида турган ўғли – шаҳзода Меҳметни даст кўтарди-да, ҳовузга улоқтириб юборди.

Гўдакнинг пешонаси айнан фавворанинг жўмрагига бориб урилди. Фуломлар шаҳзодани ҳовуздан олиб чиқишганда, унинг пешонасидан ҳам қон фаввораси отила бошлаганди. Дарҳол ҳакимлар қонни тўхтатишди. Гўдакнинг жароҳатига малҳам қўйиб боғлашди. Аммо, бу жароҳатдан қолган тиртиқ Меҳметнинг пешонасида бир умр муҳрланиб қолди.

Албатта, бу ҳодиса Турхоннинг ғазабига ғазаб қўшганди. У ҳарамга кириб, Зафирага ташланди. Сочидан бураб, то ҳолдан тойгунча дўппослади. Кейин шўрлик аёлни ўғли ва хожаси билан бирга Мисрга сургун қилишга муваффақ бўлди.

Маълумотларга кўра, Ўрта Ер денгизи орқали Мисрга йўл олган кема Мальта қароқчилари ҳужумига дуч келди. Қароқчилар кеманинг бутун сарватини мусодара қилиб, кемадагиларни ўлдиришди. Ўлдирилганлар орасида Зафира ва унинг ўғли ҳам бор эди.

Бу хабарни эшитган Султон Иброҳим ғазаботига минади ва Мальта ордени ҳарбийлари – госпитальерларга қарши юриш бошлайди. Настижа эса юқорида айтилганидек, Крит оролининг эгалланиши ва Европа ҳукмдорларининг Усманийларга қарши янада жипслашишига мустаҳкам замин яратди.

## ҒАЗАБ ИСКАНЖАСИДА

Вақт султонни буткул ўзгартириб юборганди. Энди Султон Иброҳим бир пайтлардагидек чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган, ҳар лаҳза жаллод келиб жонини олишидан кўрқувда яшайдиган ожиз, кўрқоқ шаҳзода ҳам, аёл зотини кўриши билан баданига титроқ кирадиган қуёнюрак ёш ҳукмдор ҳам эмасди.

Бир пайтлар у ганимларидан кўрқиб, қафасига биқиниб ўтирган бўлса, энди Султонни кўриши билан саройдаги мулозимлар оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишарди.

Аёлларга нисбатан кўрқув шаҳвоний ҳирс билан алмашган, у маишатпараст, ишқ деса ўзини томдан ташлайдиган кимсага айланганди. Султоннинг хилватида бўлган жориялар биринкетин ўғил-қизларни дунёга келтиришди. У аёл зотини назарига илмас, аксинча ҳарамдош жориялар у учун бир эрмак эди, холос. Энг ажаблаларлиси Султоннинг назарида салтанатидаги барча гўзал аёллар уники бўлиши керак эди. Шу сабабли ўз ҳарамидagi жориялар камлик қилганидек, кўпгина амалдорларнинг қизлари ва аёл-

ларига ҳам кўз олайтиришга тушди ва кўп ҳолларда бунга муваффақ ҳам бўлди.

Хусусан, ўз саройида хизмат қилаётган шайхулислом Яҳё афандининг гўзалликда тенги йўқ қизи ҳақида эшитиб, у гўзал малакни ўз ҳарамига келтиришни буюради. Мамлакатдаги барча мусулмонларнинг диний раҳнамоси ҳисобланган шайхулислом мулойимлик билан бу таклифни рад этади. Чунки, ягона фарзандининг умрини ҳарам аталмиш олтин қафасда чиритишни истамайди.

Ҳарам ҳаёти сиртдан қараганда ўта жозибали кўринса-да, умрини тоат-ибодат, покиза ҳаётга бағишлаган дин арбоби бу ердаги носоғлом муҳитни ўзига ва жигарбандига раво кўрмасди. Қиз ҳам Султоннинг таклифини кескин рад этди. Султон эса бу рад жавобини ўзига нисбатан ҳурматсизлик ва ҳақорат деб қабул қилди. Ўша заҳоти шайхулисломнинг уйига мулозимларини жўнатиб, қизнинг оёғини ерга теккизмай, ҳарамга келтиришни амр этди.

Султон қизни ўз никоҳига олганида кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетарди. Аммо, шайхулислом ва унинг қизидан ўч олишни дилига туккан Султон Иброҳим бутунлай бошқача йўл тутди. У қиз билан бир оқшомни ҳарамда, ўз ётоғида ўтказиб, номуси топталган ожизани эрталаб ота уйига жўнатиб юборди.

Бу эса, ўз навбатида шайхулислом ва унга тобе бўлган руҳонийларнинг ғазабини қўзғамай қолмади.

## ВАРВАР АЛИ ПОШО ИСЁНИ

Султон Иброҳим ҳукмронлигининг инқирозига сабаб бўлган яна бир воқеа ҳам унинг шаҳватпарастлиги, маишатпарастлиги, аёлларга ўчлиги билан боғлиқ.

Олти ой мобайнида Султон Иброҳимга вазири аъзам бўлиб хизмат қилган Ипшир пошонинг Парихон хоним исмли аёли бўлиб, гўзаллиги билан донг таратган эди. Гарчи Ипшир пошо пойтахтда хизмат қилса-да, унинг оиласи Сивасда эди.

Парихон хоним ҳақида эшитган султоннинг уйқуси қочган, бу аёлга ғойибона ошиқ бўлиб қолганди. Шу боис, ўйлай-ўйлай, Сивас бекларбеги Варвар Али пошога зудлик билан Парихонни ҳарамга келтириш ҳақида нома жўнатади. Варвар Али пошо узоқ йиллардан бери Усманий ҳукмдорларга хизмат қилиб келар, ўзининг садоқати, адолатпарварлиги, ҳақгўйлиги билан обрў-эътибор қозонганди.

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, султонга яхши кўриниш учун дарҳол ўша аёлни саройга етказган бўларди. Аммо, Варвар Али пошо бу ишни бир мусулмон эркак, иймон-эътиқодли ҳоким шаънига номуносиб иш деб билди. Ўша заҳоти бу ишнинг шариатга тўғри келмаслиги, ўтиб тушган зулм эканлиги ҳақида Султон Иброҳимга нома ёзиб юборди.

Султоннинг амрига итоат этмаслик исён ҳисобланарди. Гарчи талаби ноўрин эканини билиб турса-да, бир вазирнинг шаънини Султоннинг раъйдан устун қўйилишига чидаб турол-

мади. Варвар Али пошодан ўзига хос тарзда ўч олиш усулини ўйлаб топди. “Ҳали шошмай тур, пошо! Сен номусини асрамоқчи бўлган одам сенинг қотилингда айланади”.

Аммо, султон бу қарорини амалга оширишга шошилмади. Варвар Али пошо чиндан ҳам марказий ҳокимиятни менсимай қўйганди. Белги-ланган солиқларни ҳам вақтида тўламас, Султоннинг ҳарбий юришлари учун аскар жўнатишни ҳам пайсалга соларди. Бир гал Султон юборган мулозимларни шаҳарга киритмасдан ортига қайтариб юборди. Юқорида тилга олганимиз – Крит ишғоли учун Султон ўзига қўшилишни сўраб жўнатган мактубини ҳам жавобсиз қолдирди. Бу салтанат эгасига нисбатан ҳурматсизлик эди.

Варвар Али пошо салтанатдаги қўплаб беклар, ҳокимлар, пошолар қатори Султон Иброҳим бошқарувидан норизо эди. У “агар Султонга қарши исён бошласам, кўпчилик мени қўлаб-қувватлайди” деган умидда эди. Шу мақсадда атроф-жавонибдаги бекларга, амалдорларга одам жўнатиб, уларнинг ҳамфикр эканини англаб етгач, 1648 йилнинг май ойида жуда катта қўшин билан Истамбулга, Султонга қарши жангга отланди.

Чиндан ҳам йўлда бир қанча мулозимлар, беклар ва ҳокимлар унга қўшилди. Бундан хабар топган Султон Иброҳим ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш фурсати келганини англади. Шу заҳоти бош вазири Ипшир пошони ёнига чорлаб, Сивас бекларбеги устига қўшин жўнатишни буюрди.

Ипшир пошо бошчилигидаги султон аскарлари билан Варвар Али пошонинг қўшини 20 май куни Черкес қасабаси яқинида тўқнашди. Варвар Али пошо бош вазирни анчадан бери яхши танир, бир пайтлар унинг аёлини султон ҳарамига жўнатмагани учун Ипшир пошо ундан мамнун эканига шубҳа қилмасди.

Аммо, минг афсуски, Ипшир пошога Сивас бекларбегининг ғойибона яхшилиги ҳақида ҳеч ким оғиз очмаганди. Аслида бу сирдан Султон ва Варвар Алидан бошқа ҳеч ким хабардор эмасди. Ипшир пошонинг маслаҳатлашиб олиш учун уни ўз ҳузурига чорлашини яхшилик аломати деб тушунган Сивас бекларбеги деярли қуролсиз, қўриқчиларсиз, бош вазирнинг чодирига йўл олди.

Чодирга кириши билан тўрт нафар бақувват аскар дарҳол унинг қўлларини орқасига қайириб, ерга босишди. Оғиз очишига ҳам имкон бермай, шўрликнинг бошини танасидан жудо қилишди.

Қайсар ва ҳақпарвар мулозимининг кесилган бошини Ипшир Пошонинг қўлида кўрган Султон Иброҳимнинг ғойибона табассумдан қийналган лабларини тасаввур қилиб кўринг-а? Ҳа, бу ўринда зулм ва нафс садоқат ва ҳалолликни хиёнаткорона мағлуб этганди...

## ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

Албатта, ўз қўл остидаги амалдорлар, саркардалар ва пошоларга нисбатан бундай ноҳақ муносабат султон Иброҳимга қимматга тушганди. Унинг ички ва ташқи душманлари кун сайин кўпайиб борарди.

Айниқса, амалдорларнинг тез-тез алмаштирилиши уларнинг султонга бўлган ишончи ва эътимодини йўққа чиқара бошлаганди. Султоннинг хурмача қилиқлари, куракда турмайдиган хатти-ҳаракатларидан ҳамма бешиб кетганди.

Унинг даврида мамлакат иқтисодий таназзулга юз тутди. Жойларда маҳаллий ҳокимларнинг оддий халққа жабру зулми кучайди. Сиёсий парокандалик вужудга келди. Султон эса, ўз маишатидан бошқа нарсани ўйламай қўйди. Ўз ҳойу ҳаваслари йўлида хазинани аямай совуришга тушди.

Айниқса, ўзига ясаттирган кемани олтину жавоҳирлар билан безатиш учун савдогар ва ҳунармандларга қўшимча солиқ жорий этди. Бу эса аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Султоннинг қилаётган ишларига эътироз билдирган ва халқ норозилигини айтган уламолар, мулозимлар султоннинг бешафқат қаҳру газабига учради.

Ўғлининг бу каби бемаъни ишлари Кўсемни ҳам хавотирга солмай қўймади. У бир неча мартаба Иброҳимнинг ҳузурига кириб, уни тўғри йўлга солишга уринди. Панд-насиҳат қилди. Хатоларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Аммо,

Иброҳимнинг билгани билган эди. У ҳеч кимга, ҳатто онаизорига ҳам қулоқ солишни истамасди. Онанинг ўғитлари ўғилга акс таъсир кўрсатди. Дарҳол Кўсемни саройдан чиқариш, Искандар Чалабий боғига сургун қилиш тўғрисида кўрсатма берди. Султоннинг бундай қарор қабул қилишига унинг эркатой севгилиси Хадича Турхон Султоннинг ҳам ҳиссаси бўлганини ўқувчиларимиз салтанат тарихидан чиқарган хулосалари асосида яхши англадилар.

Бир пайтлар Сафия султон Султон Аҳметнинг амрига кўра, худди шу тахлит саройдан қувилганди. Фалакнинг гардиши билан Кўсем ҳам худди шундай қисматга гирифтор бўлди.

Онасининг дакиларидан қутулган Иброҳим яна кайфу сафога берилди. Султоннинг янги бош вазири (у ўз вазирларини тез-тез алмаштирарди) Тезкеречи Аҳмад пошо бадхаржликда ундан қолишмасди. У ўғлининг тўйини қанчалик асъасаю дабдаба билан ўтказгани эл оғзига тушганди, аммо унга қарши чора кўришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.

Ниҳоят, Султон ва унинг вазири аъзамининг эркаликларидан тўйган бошқа амалдорлар, дин арбоблари, яничарлар Истамбулнинг Фотиҳ манзеидаги Ўрта жомега тўпланишди. Сарой хизматидаги кўплаб соқчилар, саркардалар ҳам уларга қўшилишди. Йиғилганлар бир овоздан Тезкерачи Аҳмад пошони мақомидан маҳрум этиб, ўрнига Софу Меҳмет пошони тайинладилар. Бундан хабар топган Тезкеречи Аҳмад пошо жонини асраб қолиш умидида ўз ҳовлисида бекиниб олди. Бироқ, собиқ вазири аъзамни тутиб,

исёнчилар қошига келтиришди. Янги вазири аъзам Софу Меҳмет пошонинг кўрсатмаси билан эскисини бўғиб ўлдиришди.

Бу ҳодисадан хабар топган Султон Иброҳим ғазаб отига минди. Ҳали Усманийлар тарихида исёнчиларнинг ўзбошимчалик билан бош вазир тайинлаб, аввалгисини қатл этиш ҳолати камдан-кам кузатилганди. Султон ўрта жомега ўз одамини юбориб, бу ҳолат учун изоҳ талаб қилди, исёнчилар қурооларни топшириб, таслим бўлишса, уларни афв этажagini, акс тақдирда барчасини қиличдан ўтказишини эълон қилди. Аммо исёнчилар унинг талабларини бажармадилар. Аксинча, Искандар боғчасига, Кўсемга хабар йўллаб, Иброҳимнинг ўғли, шаҳзода Меҳмет билан бирга Ўрта Жомега келишни сўрадилар.

Исёнчиларнинг мақсади аён: улар Султон Иброҳимни тахтдан ағдариб, ўрнига Меҳметни ўтқазишмоқчи. Меҳмет эса ўша пайтларда ҳали эндигина етти ёшга тўлганди.

### ИБРОҲИМНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Исёнчилар орасида гарчи Кўсемни аввалдан билган, унга садоқат билан хизмат қилган пошолар, уламолар, амалдорлар бор эди. Шу боис, улар Кўсемни ҳам ўз томонларига оғдиришга уринишди.

Кўсем икки ўт орасида қолганди. Аллақачон ҳақ йўлдан оғиб, жаҳолат ботқоғига фарқ бўлаёзган ўғлига бундан буён тахтни топшириб бўлмаслигини у яхши биларди. Бу айна ҳақиқат

эди. Бу кетишда тез орада душманлар Усманийлар давлатини ер билан яксон қилишлари турган гап. Аммо, Иброҳим шунчаки осий ҳукмдор эмас, Кўсемнинг айна пайтга қадар тирик қолган ягона ўғли эди. Тахтдан ағдарилган ҳукмдорни аксарият ҳолатда қатл этишлари онага яхши маълум.

*Шу боис, Кўсем Ўрта жомега мактуб йўллаб, Султонни бу тахлит тахтдан мосуво қилиш қонунга хилоф экани, Иброҳимга яна бир карра имконият бериб кўриш лозимлигини баён қилди. Мактубдан қониқмаган исёнчилар эртасига яъни 1648 йил 6 август кунини Тўпқопи саройига юриш қилишди. Ортиқча қаршиликсиз, курашларсиз сарой ичкарасига кириб боришди.*

*Исёнчилар Султон Иброҳимни қўлга олиб, уни қилмишларига яраша тергов қилиш, шарияти исломияга муносиб равишда жазолашни режалаштиришганди. Аммо, Султоннинг ўрнида... Кўсемни кўришди.*

Ҳамма лол қолганди. Бу қанақаси бўлди? Султон қани? Кўсем нима истайди ўзи?

Аллақачон сочларига оқ оралаб, юзига ажин туша бошлаган маликанинг кўзларида ҳамон ёшликнинг шаҳду шиддати порлаб турарди:

– Азизлар, – деди у бироз ўтинчали, аммо ўктам овозда, – биламан, Иброҳимнинг хатолари



жуда кўп. Имкон даражасида уни тўғри йўлга бошлашга уриндим, аммо болам бироз тезлик қилди, тажрибасизлик қилди. Албатта, ҳар бир гуноҳкор банда қонун олдида ўз жазосини олиши шарт! Аммо, сиздан бир илтимосим бор, Иброҳимнинг тахтга ўтириши Яратганининг хоҳиш-иродаси эди. Уни жазолашни ҳам Аллоҳнинг ўзига ҳавола қилинг. Арслонимни тирик қолдиришга ваъда берсангиз, мен шаҳзода Меҳметни сизнинг ихтиёрингизга топшираман.

Ҳамма жавоб кутиб муфтий ва шайхулислом Яҳё афандига қаради. Шайхулислом “маъқул” дегандек бош ирғади. Шундан сўнг, Кўсем ҳарам томон йўл олди ва уйқусираб турган етти яшар шаҳзодани етаклаб чиқди. Султон Иброҳимни эса ҳарам хоналаридан бирида қўлга олишди ва қафасга жойлашди.

Ўша заҳоти Усманийлар тахтига салкам қирқ йил ҳукмронлик қилиши тақдирида битилган Султон Меҳмет IV давлати олия ўтирди.

Собиқ султон эса эшигию деразаси йўқ торгина хонада куну туннинг фарқига бормай ўтирар, фақат вақти билан кичкина туйнукдан унга сув ва егулик киритиб туришарди.

Аркони давлат, хусусан, шайхулислом Кўсемга берган ваъдасига вафо қилмади. Зотан, у Иброҳимнинг ўзи ва ифбатли қизига кўрсатган номардлигини ҳамон кечиролмаган, дилида сақлаб келаётган эди. Янги султон тахтга ўтирганидан сўнг орадан тўрт кун ўтмай, Иброҳим шайхулисломнинг фатвосига мувофиқ бўлиб ўлдирилди.

Иброҳим гарчи телбавор хатти-ҳаракатлари, шаҳватпарастлиги, калтабинлиги сабабли халқнинг ва амалдорларнинг кескин норозилигига учраган бўлса-да, бунёдкорлик ишлари ҳам тарихда қолган. Хусусан, Тўпқопи саройи мажмуаси унинг даврида бир мунча мукаммал кўриниш касб этди. Мажмуа таркибида бир қанча янги иморатлар қурдирди. Эдирнада Тунжа дарёси устида Сафаршоҳ кўпригини барпо эттирди.

Иброҳимнинг энг нозик жойи бу унинг аёлларга бўлган муносабати эди. У кўнглини ололган, айниқса, дилига ёққан аёллардан мол-давлатини аямасди. Шундайлардан бири арман миллатига мансуб Шевакор исмли аёл бўлиб, Султон Иброҳимнинг бутунлай ақлу ҳушини ўғирлайди. Султон бу аёлга Шом вилоятининг бир йиллик хирожини бағишлагани ҳақида айтилади.

Шевакор ва Турхондан ташқари Иброҳимнинг Солиҳа Дилошуб султон, Хадича Муаззаз султон, Ойша султон, Моҳианвар султон сингари хотинлари ва жориялари бўлган. Улардан тўққиз ўғил, саккиз қиз дунёга келган.

## ЕТТИ ЯШАР ПОДШОҲ

Мана, етти яшар султон тахтга ўтқазилди. Аввалгиси қатл этилди. Бечора онаизор Кўсем Султон ўғлининг ўлимига қанчалик ёниб-қуймасин, вазият билан, халқнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишга мажбур эди. Аммо, у энди аввалгидек Волидаи Султон бўлолмасди. Ҳарам қонунларига кўра, бу вазифа



Ўз-Ўзидан янги Султоннинг онаси – яъни Турхон Хадича Султонга ўтиши лозим. Ўн тўрт-ўн беш ёшларида Султоннинг хобгоҳига кириб, уни вас-васадан халос қилган бу ишвали хонимдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Кўсем буни яхши биларди.

Меҳмет эса, Усманийлар тарихидаги энг ёш тахтга ўтирган тождор, шу билан бирга ҳали кўча чангитиб, ёғоч от миниб юрадиган ёшдаги болакай эди. У гоҳида эрталаблари саломга тўпланган пошолар, амалдорларни кўриб, ваҳимага тушар, улар бирин-кетин келиб, эгилиб, этагини кўзга суришганда, қўлини ўпишганда ҳатто кўрқиб, саройдан қочиб кетгиси келарди. Бора-бора бу таомилларга ҳам кўника борди.

Кўсем даставвал маълум муддат ҳукмронликни қўлида ушлаб турди. Аммо, тарих такрорланмоқда эди. Бир пайтлар Сафия Султоннинг давлат тепасида туриши унинг келинлари ўртасида қандай норозиликларни келтириб чиқарган бўлса, ҳали йигирма бешга ҳам тўлмаган Волидаи Султон – Турхон ҳам худди шу тахлит қайнонасини маҳв этишга, унинг ўрнини эгаллашга йўл изларди.

Кўсем эса, салтанат, ҳукмронлик ҳавосига ўрганган, у энди ўз ўрнини бошқаларга осонгина бўшатиб беришни истамасди. Бир пайтлар тожу тахт учун жонини ҳам беришга тайёр турган катта қайнонаси Сафия Султоннинг аҳволини эндиликда тушуниб етмоқда эди. Усманийлар тарихида энг катта таъсир доирасига эга бўлган малика сифатида тан олинган, икки марта Волидаи Султонлик мақомини эгаллаган, беш

йил балоғатга етмаган Султон помидан салтанат ноибаси сифатида юртни бошқарган Кўсем охир-оқибат Сафия Султон сингари назардан қолишни, хилватда, шарафсиз ўлим топишни истамасди.

Тўғри, у ҳам худди Сафия Султон сингари тириклигидаёқ барча фарзандларини тупроққа топширди. Набиралар эса минг қилса ҳам ўғил ўрнини боса олмайди. Чунки уларнинг ўз онаси бор. Кўсем фақат саройдаги эски қадрдонлари кўмагида то умри интиҳо топгунга қадар мавқеини ушлаб туриши мумкин.

Вақт ўтгани сари Кўсем ва Турхон ўртасидаги қарама-қаршилик авж ола борди. Турхон тезроқ ҳарамни қўлга олишни, салтанатни ҳам ўғлининг номидан ўзи эгаллашни истарди. У сарой аҳли орасидан бир қанча пошолар ва амалдорларни ўзи томонга оғдиришга ҳам улгурганди. Кўсем Султон асосан сарой ташқарисидан, яни-чарлардан мадад олиб турган бўлса, Турхоннинг сарой ичида ва ҳарамдаги тарафдорлари ортиб борарди. Ана шу ички кучлар кўмагида Турхон яничарларнинг давлат бошқарувидаги ваколатларини чеклашга ҳаракат қиларди.

*1651 йилда савдогарлар ва яничарлар ўртасидаги тўқнашув ҳам Кўсемнинг зарарига хизмат қилди. Турхон махфий равишда исёнчиларни қўллаб-қувватлаб турди. Ушбу исён бостирилгач, унинг иштирокчилари аёвсиз жазоланди. Яничарлар ва Кўсемнинг итти-*

*фоқчиси бўлган бош вазир Қора Мурод пошо лавозимидан озод қилиниб, унинг ўрнига Турхоннинг сафдошларидан бири бўлган Сиёвуш пошо тайинланди. Шу тариқа Турхоннинг мавқеи саройда бир неча поғона юқорилади.*

Бу қаршилик бир кунмас бир кун катта вулқонга айланиб портлаши аниқ эди. Кўсем бир пайтлар эшитган мақолга амал қилмоқчи бўлди. Илон то сенга захрини сочмасдан туриб, унинг бошини янчишинг лозим. Хўш, нима қилмоқ керак? Турхонни ўлдириши мумкинми? Йўқ, бунини уйдалаган тақдирда ҳам, тахтда ўтирган Султон бу ҳақда эртами кечми хабар топади ва Кўсемдан шафқатсиз ўч олиши мумкин. Хайриятки, Иброҳимнинг бошқа аёлидан туғилган бошқа ўғиллари ҳам йўқ эмас. Шулардан бири Солиҳа Дилошуб Султоннинг эркатои шаҳзодаси Сулаймон эди.

Аммо тахтдаги Султоннинг хавфсизлиги учун Дилошуб Султон Эски саройга сургун қилинган, унинг етти ёшли ўғли Сулаймон бошқа инилари билан махсус қафасда сақланмоқда эди.

У аниқ қарорга келиб бўлганди. Султонни бир амаллаб тахтдан тушириш лозим. Дилошуб султон Турхонга қараганда анча мулоимроқ, анча соддароқ. Ҳар қалай, уни эгиб олса бўлади. Демак, биргина йўл – Султонни йўқотиш...

## МАНГУЛИК САРИ

**К**анчалик даҳшатли бўлмасин, бу Кўсемнинг қарори эди. Салтанат тепасида, ҳарамда кечган салкам ярим асрлик умри давомида у ҳам меҳр-шафқатдан анчагина бегоналашган, дийдаси қотган, қалбида ғазаб ва нафрат уруғлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда чечак очганди.

У салтанат тарихидаги синалган усуллардан бири – Султонни босқичма-босқич заҳарлашни ўз олдига мақсад қилганди. Бу борада саноқли пошолари ва ўзининг хос жорияси Малика Хотунга ишонарди. Ҳамма сирларини улар билан бўлишарди.

Маликани Кўсем ҳали гўдаклик чоғидаёқ Истамбулнинг фақир маҳаллаларининг биридан топиб, саройга келтирган, ўзи тарбиялаб вояга етказган эди. Султоннинг ошпазларидан бирини қўлга олиш, унинг таомига заҳар қўшишни ҳам айнан Маликага ишонганди. Ишонганди, бироқ... бу саройда садоқат, ишонч, вафо сингари тушунчалар ўта нисбий эканини Кўсем айна дамларда унутиб қўйгандек эди. У Маликанинг Волидаи Султон – Турхонга хизмат қилишидан беҳабар эди. Кўсемнинг нияти зум ўтмай Турхонга маълум бўлиб қолганди. Ёш Султоннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо, бу фитнанинг фош этилиши Кўсем ва Турхон ўртасидаги адоватни янада кучайтириб юборди.

Илк уриниши чиппакка чиққан Кўсем шу билан қўлни ювиб қўлтиққа арта қолмади. Чунки, у энди аввалгидан ҳам тезроқ ҳаракат қилмаса, душманлари уни дарҳол саройдан бадарга қилишлари ёки йўқ қилишлари мумкин эди.

Кўсем яна ўзининг эски иттифоқчилари – яничарларга юзланди. Улар билан гапни бир ерга қўйди: Султон рамазон ойида, ифторликдан сўнг Истамбулдаги Ўрта Жомега борганда яничарлар масжидга ҳужум қилиши, султонни қўлга олиб, унинг ўрнига Сулаймонни тахтга ўтқозишлари лозим эди. Аммо, бу фитна ҳам фош этилди. Бу гал ҳам сарой огалари ўз вақтида етиб келиб, Султонни қуршовдан олиб чиқишди.

Айни дамда Турхон ва унинг энг содиқ мулозимлари Кўсемни тирик қолдириш қанчалик хавфли эканини англаб етишган, бир овоздан уни йўқотишга қарор қилишганди.

Худди қайнонаси сингари тахтга, салтанатга бўлган ҳаддан ташқари ташналик, ўчлик Кўсемнинг ҳам умрини қисқартирди. Уни 1651 йилнинг 2 сентябрь куни ҳарамдаги кийим жавонларининг биридан ўлик ҳолда топишди. Кўсемнинг танаси алақачон тош қотган, унинг бақрайиб қолган мовийтоб кўзларида даҳшат ва таажжуб аксланган, бўғзини эса, дарпарданинг ингичка арқони маҳкам сиқиб турарди.

Бугун ҳаётини Усманийлар салтанати учун бахшида қилган иродали, қатъиятли ва қаттиққўл маликанинг умри шу тариқа якун топди. Уни Султон Аҳмет мақбарасида, эрининг ёнида дафн этишди.

Шу тариқа Усманийлар тарихидаги энг нуфузли аёллардан бири, ўттиз йилдан ортиқ Волидаи Султонлик мақомини бошқарган малика Моҳипайкар – Кўсем Султон 61 ёшида тарих ва салтанат саҳнасини тарк этди.

Кўсем Султон дунё тарихидаги энг мураккаб феъл-атвор ва ғаройиб қисмат соҳибаси сифатида тилга олинади. Ўн беш ёшида ҳарамга келти-

рилган содда, жайдари юнон қизи саройда ўтган ярим асрга яқин умри давомида қудратли маликага, кези келганда салтанат тақдирини ҳал қилувчи инсонга айланганди. Кези келганда, кўп одамларга яхшилик қилди, камбағаллар, бева-бечораларнинг ҳожатини чиқарди, уларни қўллаб-қувватлади.

Айрим маълумотларга кўра, у ҳар йили ражаб ойида ўз аравасида шаҳардаги зиндонларни айланиб чиқар, қарзи сабабли ҳибсга олинган маҳкумларнинг қарзларини тўлаб, уларни озодликка чиқарарди. У салтанат ҳудудида бир қанча масжид ва мадрасалар, кўприклар, бозорлар қурдирди. Умуман олганда, Кўсемни ўша давр манбаларида ўта қўли очиқ, меҳрибон, олиҳиммат малика сифатида таърифлашади.

Шу билан бирга асрлардан бери давом этиб келаётган шафқатсиз сиёсий ўйинлар уни ҳам четлаб ўтмади. Ўзининг ва фарзандларининг хавфсизлиги учун у кези келганда ҳеч кимни, ҳатто энг яқин одамларини ҳам аяб ўтирмади. Вақти келиб, Кўсемнинг ўзи ҳам ана шу сиёсий беқарорлик қурбонига айланди.

Бугун Истамбулнинг фахру ифтихорига айланган Султон Аҳмет мажмуаси таркибидаги даҳмада бир пайтлар бир-бирини жону дилдан севган, умр бўйи бир-бирига суяниб яшаган, муҳаббат ва садоқат рамзига айланган икки буюк инсон – Султон Аҳмет ва Кўсем Султоннинг хоки ором олмоқда. Гарчи улар мансуб бўлган салтанат алақачон тарих саҳнасидан четга сурилган эса-да, уларнинг тақдир ришталарини бир-бирига боғлаган муҳаббат ҳақида афсоналар бугунги кунимизга қадар етиб келди.

ТАМОМ

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Дунёга доврўғ солган сулола.....	6
Ҳарам олтин қафасми ёхуд.....	10
Шафқатсиз қоидалар .....	14
Султон Аҳметнинг болалиги .....	17
Ҳукмронлик илинжи.....	23
Қимматга тушган шошқалоқлик .....	26
Султон Меҳметнинг ўлими .....	30
Султон Аҳмет – тахт тепасида .....	35
“Ўз укамнинг қотилига айланмайман” .....	39
Олтин қафасдаги қизил гуллар .....	43
Анастасия – Моҳипайкар – Кўсем .....	46
Ҳукмдорнинг ишонган тоғи .....	54
Жалолийлар кимлар эди? .....	58
Хандон Султон ва Дарвиш Пошо .....	62
Маҳмуд Худойининг кароматлари .....	71
Султон Аҳмет – саркарда, шоир ва ошиқ.....	78
Асрларни қаритган муҳаббат .....	83
Телба султоннинг қисмати .....	92
Усмон II ҳукмронлиги .....	96
Кўсемнинг қайтиши .....	108
Қаҳри қаттиқ ҳукмдор .....	113
“Имоми Маҳдий”нинг ўлдирилиши .....	117
Мурод IV замонидаги “Икар” .....	122

Бошга балони тил келтирар .....	124
Ҳарбий юришлар.....	126
Эски “анъана” .....	128
Султон Муроднинг ўлими .....	130
Қафасдан чиққан Султон .....	132
“Телба ҳукмдор” .....	134
Кумуш танли малак .....	137
Меҳр ортидаги қаҳр .....	138
Ғазаб исканжасида .....	141
Варвар Али Пошо исёни .....	143
Инқироз ёқасида .....	146
Иброҳимнинг сўнги кунлари .....	148
Етти яшар подшоҳ .....	151
Мангулик сари.....	155